

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

## ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁН

(уқув қўлланма)

ТОШКЕНТ – 2008

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбек тили ва адабиёти факультетлари бакалавриат босқичида таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган. Қўлланманинг «Ҳозирги ўзбек шеъриятининг етакчи тамойиллари», «Ҳозирги ўзбек достонларининг бадий хусусиятлари», «Драматургия тараққиётининг янги босқичи», «Танқид ва публицистика» қисмларини педагогика фанлари доктори М.Мирқосимова; ўзбек насрининг тараққиёт хусусиятлари ёритилган қисмларни филология фанлари номзоди М.Рустамова ёзган.

Данное учебное пособие написано для специальности 5141100 – «Узбекский язык и литература». Она отвечает требованиям стандарта и программы курса «Современный литературный процесс». Учебная пособия адресована студентам, магистрам, преподователя аспиранта.

This textbook is for student of philological faculties on “Uzbek language and literature” 5141100 and corresponds with work programme on subject “Modern literature process”.

Тақризчилар:

Умарали Норматов, Ўзбекистонда  
хизмат кўрсатган фан арбоби,  
ЎзМУ профессори,  
филология фанлари доктори

Норбай Худойберганов, ЎзФА  
етакчи илмий ходими, филология  
фанлари доктори, профессор

Муҳаррир:

~~МС~~ Сафарниёзова

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2007 йил 28 апрелдаги 177-сонли буйругига асосан нашрга тавсия этилган. 1145-сонли гувоҳнома.

## КИРИШ

Ҳозирги адабий жараённинг, хусусан, мустақиллик даврида ўзбек адиллари яратган лирик, эпик ва драматик асарларни тадқиқ этганда, ўзбек адабиётида алоҳида шахслар оламини, уларнинг ўзига хос туйгуларини акс эттириш борасида қатор ютуқлар қўлга кириттанилигига амин бўламиз. Тўғри ҳар бир одамнинг ўзи алоҳида шахс. Айни чогда, у ўзигагина хос оламга, интеллектуал – руҳий хусусиятларга эга. Шу жиҳати юксалган сайин инсон ўзига хос хислатларини, ўз индивидуаллигини янада теранроқ, ёрқинроқ акс эттиради. Ўзбек ёзувчилари айни шу ҳаёт ҳақиқатини ўз руҳиятини тафтиш этиб, ўзлигини англашга интиладиган қаҳрамонлар воситасида, одамларга ҳам бошқалар каби эмас, ўзига хос муносабат билдириш, ўз қаҳрамони орқали атрофдаги одамларни ўзимизга маъқул келиш ё келмаслигига қараб эмас, балки борича, қандай яратилган бўлса, шундайлигича зиддиятли ва мураккаб инсон сифатида қабул қилиш зарурлигини, муҳими, инсонни англаш эканини таъкидлашга уринаёттаниллари миллий мустақиллик даври ўзбек адабиётига хос муҳим хусусиятдир. Шуниси ҳам борки, инсонни тушунишга даъват этиш инсонни англаш фалсафасини талаб қиласи. Инсонни тасвирлаш орқали эса ана шу ҳаёт фалсафаси яратилади. Зотан, адабий жанрлар тараққиётининг янги даврида ҳодисаларга ва инсон шахсига ёндашиш тамойилларининг ўзгариб, такомиллашиб бориши табиий ва зарурый жараён ҳисобланади. Аммо бадиий ижоднинг азалий қонунлари барча даврлар учун ўзгармасдир: ёзувчи воқеанавис эмас, инсоншунос сифатида иш кўриб инсон қалби ҳақида айтилмаган ҳақиқатларни бадиий кашф этсагина, у яратган асар эстетик қиммат касб этади. Ушбу рисолада ҳозирги адабий жараённинг ўзига хос тараққиёт тенденциялари, етакчи эстетик тамойиллар ҳақида сўз боради. Шуниси ҳам борки, адабий жараён йилдан йилга ўзгариб, тараққий этади, бадиий ижод ва эстетик фикр тараққиётига боғлиқ ҳолда равнақ -тобади. Муаллифлар ҳозирги адабий жараён муаммоларига диққатни қаратиш орқали мустақиллик даври ўзбек адабиёти намуналарини таҳлилга тортдилар ва муайян хуносаларни баён этдилар.

Рисола ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича университетларнинг филология факультетларида таҳсил олаётган талабаларга, тадқиқотчилар ҳамда адабиёт ўқитувчиларига мўлжалланган.

## ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ ЕТАКЧИ ТАМОЙИЛЛАРИ

Бугунги ўзбек шеъриятининг анъанавий тасвир услубидан фарқ қилувчи янгича образлар, кутилмаган рамзий ифодалар, қочиримлар тазод ва пародокслар, энг муҳими, бетакрор сероҳанг, сермаъно ифодалар билан китобхонни ўйлантиради. Фикрнинг ихчам, лўнда шаклда ифодаланиши, замонамиз ва замондошимиз руҳий оламини янги жиҳатлардан поэтик тадқиқ этиши – инсоннинг безовта руҳини, дардларини тасвирлаш борасида эришган ютуқлари ўзбек шеърияти янги поэтик сарҳадларни кашф этा�ётгандигидан далолатдир.

Хусусан, истеъододли шоир Баҳром Рӯзимуҳаммад яраттан ана шундай поэтик кашфиётлар анъанавий шаклларга мос тушмайди, гапларнинг грамматик жаҳатдан параллел жойлаштирилиши, риторик тузилиш мурожаат, хитоб оҳангларини ифодалашга йўналтирилганлиги билан янгича.

Арвоҳнинг дастхатини кўрдим  
Қоқилиб йиқилдим бир бўлак тушга  
Осмон  
Қораҷиги сугуриб олинган  
кўз каби  
Бойўғли увиllар эди  
Хувиллаб қолган бодга  
Соялар  
Ҳеч ким таклиф қилмаса-да  
рақсга тушарди  
Яна нима дейишим мумкин  
дунё кенг экан.

Мазкур шеърда Бойутли увиллаётган кимсасиз бог, қорачиги сугириб олинган осмон, рақсга тушаётган соялар гүё туш кўраётган одам нигоҳлари орқали кузатилади. Туш эса ўлимга қиёсланади. Шу боис, шоир тасвиrlаётган манзара жонсиз, ҳаракатсиз, маънисиздай туюлади. Аммо инсоннинг кўзларига яширинган олам билан ақл ва идрокка сингишган дунё манзаралари айни оламнинг турфа кўринишларидир. Шоир дунёнинг кенглигини таъкидлар экан, унинг рангин эканлигига ҳам диққатни қаратади.

Жийда гули  
мени маст қилди  
жин чалди жийданинг остида  
Сап-сарик чироқмикан бу гуллар  
юлдуз шуъласидан қувват оларми  
нуқул қошиқчилар жарангি  
Энг хавфлиси шундаки  
болари нектар йигмоқ учунмас  
сизни чақиш учун келади.

Жийда гулининг ифоридан маст ҳолдаги лирик қаҳрамон гўзаллик ўтиси сифатида тасвиrlанади. Табиий гўзалликнинг шарбатини симирувчи боларилар бу «ўтрини» чақиш учун келаёттандай. Манзара анъанавий поэтик тасвирга сира ўхшамайди. Шоир айтмоқчи бўлган поэтик фикр ҳам яширин. Тасвиrlанаётган манзарадан китобхон ўз зеҳни ва тўйгулари қувватига кўра маъно англайди: гўзаллик қаршисида эс-ҳушидан айрилган лирик қаҳрамонни жин чалиши натижасида у жийда гулларини сариқ чироқларга, жийда гулига парвона боларининг ҳаракатларини қошиқчалар жарангига ўхшатади. Айни шу нуқтада поэтик маъно юзага чиқади: бизни ўраб турган олам ва унинг гўзалликларидан ҳайратланишни, завқланишни билмаган инсон ҳаёти рўёга ўхшайди. Бундай одамлар фақат ейиш-ичиши гами билан умр ўтказадилар, уларни боларининг машақкатли меҳнати натижаси эмас, ўз

жонининг, ҳузр-ҳаловатининг бехавотирлиги қизиқтиради. Бундай одамлар боларидан ҳам майдароқ, боларичалик фойда келтирмайдиган, ўз нафсининг қуллариридан. Шеърда манзара ичига қараб ҳаракатланувчи спирал кўринишли поэтик тафаккур бу дунёning ранг-баранг манзараларга бойлигини, ҳар бир манзара ўз ички маъноларига эга эканлигини ифода қиласди. Шоир шеърларидағи ҳар бир сўз, ҳар бир сатр муайян бир образли ифодага, рамзий маънога ва ички оҳангга эга эканлигини қўйидаги шеър орқали ҳам кузатиш мумкин:

Узоқ тараддуланиб турди Қўрқув  
хотиржамликка ўхшаб бамайлихотир  
таҳликаға чап бериб турди  
Қўлинни соябон қилиб қошига  
Ваҳима яшаётган уйга қаради  
Қаради музaffer навқар сингари  
Сунг эса  
сунг шундай алпозга тушдики  
қалтирамаган жойи қолмади.

Қўрқув образи орқали шоир диққатимизни унинг ҳавфли маънавий иллат эканига қаратади. Кези келганда қўрқоқ одамлар хотиржам, уддабурон, айёр ва ўта эҳтиёткордирлар. Аммо мардлик талаб қилинганда улар ўз-ўзини фош этади. Ана шу маънолар қўрқув образи орқали тасвирланаётган манзара-ҳолат замиридан англашилади. Қўриниб турибдики, бундай шеърларнинг чуқур маъноларини илгаб олиш учун икки муҳим омилини теран идрок этиш талаб қилинади: биринчиси, Навоий, Бедил сингари санъаткор ижодкорларнинг меросидан, ангъаналаридан; иккинчиси, умумевропа бадиий тафаккурининг нафис намуналаридан боҳабарлик бутунги узбек шеъриятида Баҳром Рўзимуҳаммад каби шоирлар ижодида ана шу икки муҳим омил ўзаро туташиб янги бадиий кашфиётлар яратилишига таъсир кўрсатмоқда. Бармоқ вазнида ёзилган

шеърлардан фарқ қилувчи ҳижо, туроқ ва қофиядан узоқ, халқ жонли тилига яқин бундай сарбаст шеърлар кўпроқ насрға ўхшаб кетсада, бадиий поэтик тили, сермаюнилиги, оҳанги, сўз қўллашдаги шоир маҳорати ила шеъриятнинг очилмаган сарҳадларига китобхонни етаклайди, уйлатади, фикрлатади.

Илоннинг ўзидан эмас  
шаклидан қўрқаман  
шамойили совуқ мен учун  
мабодо мушукка ўхшаганида борми  
силаб-сийпалардим илонни...

Ҳаётда муайян шакл-шамойилга эмас, балки ўз нуқтаи-назарига эгалик кимларнидирир чўчитар, ҳақ сўзни дангал айтувчилардан кўпчилик ҳадиксирап. Агар бундай одамлар дафъатан мўмин-қобил ё мулоийим кишига айланиб қолсалар, ҳамма «ёқтирадиган» қиёфага кириши мумкин. Хўш, мўмин-қобиллар нима учун барчага ёқади? Шоир «мўмин-қобиллик» ортига яширингандан маънавий иллатлар ҳақида уйлатаётур.

«Соялар сұхбати» номли шеърида шоир ранг образ ва ранг рамздан маҳорат билан фойдаланган:

Менга нима бўлди учта соям бор  
Иккитаси рангсиз биттаси сариқ  
Ҳиринглаб кулади бир соям  
Чунки йўқотиб қўйдим болалигимни  
Топганим жийда гулининг ифори  
У ҳам бошқа боққа ўтиб кеттанди...

Шоир инсон умрининг паллаларини сояларга ўхшатади. Иккита рангсиз соя – болалик ва йигитлик даврини маънисиз ўтказган инсон умрининг соялари. Сариқ рангли соя – қариллик чоги ўз умрини сарҳисоб этиб, ўз устидан кулаётган, яъни бўм-бўш ҳаёти устидан ҳукм чиқарган инсоннинг умумлашма образи. У ҳаётда юксак ё эзгу

мақсад учун яшамаган, аммо қачондир гўзалликни севган. Афсуски, бу гўзаллик ҳам «бошиқа боққа ўтиб кетганди».

Хулоса қилиб айтганда, бугунги ўзбек шеъриятига хос ранг-рамз, образ-рамз орқали ифода қилинаётган маънолар, образли ифодалар шоирларнинг ўзига хос услуби ва маҳорати орқали янги поэтик кашфиётлар яратилишига замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда яратилган ўзбек шеърияти намуналарини кўздан кечирар эканмиз, жаҳон адабиётига хос илгор ижодий анъаналарни миллий руҳият рангларига йўғириб ифодалаш анъаналарини ҳам, янгича талқин услуби ва янги шаклий изланишларни; анъанавий услугубнинг хилма-хил ифода кўринишларини ҳам кузатиш имконига эга бўламиз.

Бугунги ўзбек шеърияти марказида турган лирик қаҳрамон замондошимиз қалбида кечеёттан ҳис-туйгуларни XXI аср қишининг тафаккур тарзи, руҳий эврилишлари фонида ифода этмоқда. Агар истиқололгача бўлган давр ўзбек шеъриятида лирик қаҳрамон туйгулари ифодаси орқали унинг қалбини англашга, поэтик тадқиқ-у таҳдил қилишга интилиш кўзга ташланса, кейинги йилларда яратилаётган лирика намуналари биз кўнинкан шакл ва услуб чегараларидан «қалқиб чиқиб», эътиборимизни турфа манзаралар тасвирига қаратмоқда. Лирик қаҳрамон нигоҳи қадалган манзара қатига яширинган маъноларни эса китобхон ўз тафаккур туйгулари, бадиий-эстетик идроки ва фаҳми орқали англаб олиши мумкин. Бу хусусият шеъриятнинг сирли-сеҳрли ва ранг-баранг инсон оламини шоир ёки лирик қаҳрамон қандай англаётганлигини тасвиirlашдан ўша бетакрор инсонларнинг турфа идроклари-ю ҳис-туйгуларига, кўнгилларига ўзлари йўл тошишларига ундаш, инсонни англашга интилишдан унинг қалбини ўзига арглатиш томон қадам ташланганинидан далолат беради. Ҳозирги ўзбек шеъриятига хос бу тенденция қандай ижодий-эстетик тамойилларда ўз аксини топмоқда?

1. Ўзбек шоирларининг ўзбек классик шеърияти ва ҳалқ оғзаки ижодига хос анъаналарни давом этдириб, поэтик нутқ хусусиятларидан моҳирона фойдаланиб, ижтимоий-фалсафий маъни ташувчи бадиий умумлашмаларни яратишга интилишларида кўринади:

«Ҳалқим дейман, руҳим тушиб,  
Кимлар кўнглинг тўқ қилдилар  
Минг сўқиринг тил топишиб,  
Бир уйогинг йўқ қилдилар!»<sup>1</sup>

Шоира Ҳ.Худойбердиева қаламига мансуб ушбу шеърда муҳим ижтимоий-маънавий иллатга китобхон диққати тортилган: қалб кўзлари очилмаган, маънавий «кўрлар» бирлашиб, эл-юрг дардида бедор чинакам фидойиларни йўқ қилишга чоғланишларининг ўзи катта фожеа! Зоро, яратувчи, фидойи Инсон даражасини забт этиши учун аввало инсон ўзлигини юксалтиргани, ҳалқ дарди билан ёниб яшайдиган, уйгоқ қалбли бўлиши керакки, бунга «қалб кўзи очилган» буюк инсонларгина эриша олганлар. Афсуски, бундай инсонлар бармоқ билан санаарли. Истеъдодсиз, яратувчанлик ҳиссидан йироқ, юрг манфаатларидан ўз ҳоҳиш-истаклари-ю манфаатларини устун қўювчи маънавий ожиз, қалб кўзлари «кўр» кимсалар эса кўпчиликни ташкил этади. Шоира ана шу ҳаёт ҳақиқатига ишора қилиб, «Минг сўқиринг тил топишиб, Бир уйогинг йўқ қилдилар», - дей салмоқли поэтик фикрни қисқа, аммо ёрқин ифода қилиш маҳоратини намойиш қилмоқда.

Поэтик нутқнинг ўзига хос хусусияти – лаконизмдан фойдаланиб, эътиборимизни лиро-фалсафий фикр ё мушоҳада талаб ҳолатларга, манзараларга қаратиш хусусияти шоира Зулфия Мўминованинг қўйидаги шеърида ҳам кўзга ташланади:

‘Остонамда йиглаётir куз,

<sup>1</sup> Худойбердиева Ҳ. Сайланма. –Т.: Шарқ. 2001. 398-бет.

Остонамда гангийди шамол.  
Остонамдан олислаган из –  
Остонамда огир бир савол.  
Мен барини тушундим ногох,  
Хазонларни газга босиб жим.  
Остонамда мен қилган гуноҳ –  
Ёлвориши билмаганилгим.<sup>1</sup>

«Остона» сўзининг тақрор ва тақрор қўлланиши янги маъно товланишларига ишора: ёлғизликда кечирилган умрнинг сўнгти «остонаси» - куз йигламоқда. Нега? Нима учун? Шамол ҳам умрнинг «сўнгти остонаси» гача бу ёлғизлик, тарк этилганликнинг маъносини англамай, умрини бошқа, бегона эшиклар остонасида ўтказган инсон ҳаётининг адоги – маънисиз ҳаётнинг «сўнгти остонаси» олдида инсон қисматидан гангиган ҳолатда...» ҳатто шамолнинг ҳам «улоқтириб», «учириб», «кўтариб, ташлашга» бу остонадан (яъни макондан, уйдан) ҳеч нима тополмай, ҳайрон ҳолатда уни тарк этаёттанлиги ҳаяжонли ва таъсирчан тарзда тасвиранган. Бу остонадан бош олиб кетсан, олислаган «из» қолдирган «огир савол» ҳам ҳануз жавобсиз... Ёлғизликда умр кечирган лирик қаҳрамони «гуноҳи» нимада? Ахир етук шахслар ҳамиша магрур бўлишган, ёлвориш бинобарин, бош эгувчанлик улар учун ёт хусусият бўлган. Бобур Мирзо, Мирзо Улугбек шахсиятига хос етуклик аломатлари ҳам айни шу жиҳатдан изоҳланади-ку?

Гап шундаки, шеърда шоира кибрга берилиш, «ман-манлик» натижасида узи ва ўзгалар дардида, туйгуларидан, самимиятдан

<sup>1</sup> Муминова З. Ёнаётган аёл. –Т.: Езувчи, 1992. 89-бет.

йироқлашған инсон қисматини лаконистик сюжет яратиш орқали таъсирчан маңзараларда тасвирламоқда. «Остона» – макон маъносидаги хилма-хил маъноларни ифода қилган. Остона – уй, хонадон останаси маъносидаги; Остона – (умрнинг сўнгги палласи маъносидаги) – бу ўтқинчи дунёнинг охири, ҳақиқий дунёга ўтиш останаси маъносидаги; остана – (кўнгил останаси назарда тутилган) қаҳрамоннинг бўм-буш кўнглиниңг останаси маъносидаги; Остонам – мен муқаддас деб билган эътиқод ва ақидалар манзили, останаси маъносидаги. Лирик қаҳрамон ўзини «буюк» деб ҳисоблаган шу боис «буюклар» ҳеч кимга бош эгмайди, ҳеч қачон ялнимайди ва ёлвормайди, – деган ақидага ишониб яшаган.

Аммо, «буюклиқ» ва «ягоналик» фақат Оллоҳга хос сифатки, бандасининг гуноҳи буни чуқур англаб етмаганилигидадир. Мазкур бадиий-фалсафий умумлашмаларни шоира «остона» сўзининг серқатлам маъни товланишларини бадиий ифода воситаларига моҳирона «пайвандлаш» орқали бадиий кашф эттан.

2. З.Мўминова лирикасида «оқ илон», «ёмон туш», каби ҳалқ оғзаки ижодига хос рамзлар; «тушларнинг оқиши», «ақлу хуц оқиги» каби муболагали тасвиirlар, поэтик кўчимлар, жарангли иборалар, тасвирий воситалардан ўз ўрнида фойдаланиш санъати намуналарини кўплаб учратамиз. Бу хусусиятлар шоира шеърларидан англашилувчи поэтик тафаккур тарзининг сероҳанглилиги, маъни товланишлари, образлилик ва поэтик нутқ имкониятларидан унумли фойдаланиш натижаси эканлиги аниқ. Бу ҳозирги ўзбек шеъриятига хос эстетик тамоийидир.

Ҳозирги ўзбек шеъриятида А.Орипов, Х.Худойбердиева, Усмон Азим, З.Мўминова, Рауф Парфи, Қутлибека, Сирожиддин Сайид, А.Қутбиддин, Фахриёр каби шоир ва шоиралар ижодида поэтик нутқ шаклларидан унумли фойдаланиб, ўз ички дунёсини ўз тили – «мен» орқали батафсил ва ҳаяжонли тарзда очиб бериш тенденцияси кўзга ташланаётир. Бундай монолог шеърларда ҳар бир ижодкорнинг

инсон, олам, жамият, имон-эътиқод борасидаги ўзига хос қарашлари бадий аксини топтан. Мана бир мисол:

Дунё камбагални камситиб, гажиб  
Тагин бойитаркан бойроқларини.  
Рұхим олиб құяр бошимдан тожни  
Рұхим күтәради байроқларини!  
Қайдаки етимни етим тишлийди,  
Дунё қантармаса каж итларини.  
Рұхим юрагимга қаттиқ муштлайди,  
Рұхим кия бошлар совутларини<sup>1</sup>.

Шоира бундай мурожаат монолог орқали дунёда адолатсизлик ҳукм сурар экан, «мен» қалбим даъватига кұра курашга отланавераман, - деган салмокли бадий умумлашмани ифода этмоқда. Шоир Усмон Азимов эса қатор шеърларида тасвирий монолог воситасида ўз рұхиятини тафтап этиб, ўз дунёсидаги изтироблар моҳиятини таъсирчан манзаралар тасвири орқали тасвирилаш тенденциясини намоён этмоқда.

Мана бир мисол:

Құлларимни қийди занжир. Эзгилади бошимни –  
Тогдақ құллик ерга эгdi - бўйнимдан торта-торта  
Мен ҳақ билдим бу дунёнинг катта-кичик тошини,  
Мен тошларга юзим тутдим ёшимни арта-арта.  
Бўғизларим ачишди. Ҳа, упкаларим ачишди.  
Упкам тўлди одамларнинг «Оҳ»лари тўла тунга.  
«Ҳаво» дедим, - томогимга қаро қурум ёпишди,  
Неча йилки, мен ҳавосиз яшаяпман бутунлай.  
Совуқ қотдим. Изгиринда чирсиллади сўнганим,  
Томирларим – аёзларда музлаган қиёқ ҳануз.  
Олов сўраб, гулханларни бўзлаб кезди юрагим,  
Ёнгинлардан ёниб чиқиб, қучоқлади мени муз.

<sup>1</sup> Х.Худойбердиева. Сайланма. –Т.: Шарқ. 2000. 440-бет.

Мен – сувсадим. Мен – қаҳрадим. Мен – хас бўлдим.  
Қуридим...

Лирик қаҳрамоннинг эрксизлиқдаги изтиробли ҳолати, эрк сувига ташна дараҳт каби қақраб қуриши ниҳоятда таъсирчан ўхшатишлар, жонлантириш, муболага каби тасвирий воситалар, ўз ҳолатини шарҳлаш усули орқали ифодаланган. «Мен»нинг фожиаси эрксизлиги – «тогдаи қуллик» айни чогда тош юракларга юз тутиб, дунёнинг «катта-кичик тошларини» ҳақ деб билганида, уларга ишонч кўзи билан қараб, «тошларга юз бурганида». Бу ўринда шоир умумлашма образ «тошлар» воситасида қалби эзгу тилак ва истаклардан йироқ, ҳиссиз, дийдаси «тош» одамларни назарда тутаётир. Бундай одамлар Эл дардига дардкаш-у, тилаклариға тилакдош бўла олмаслигини кеч англаган лирик қаҳрамон одамларнинг «оҳ»лари тўла тунда элу-юрт изтиробларига ҳамоҳанг аламли кўз ёшларини тўқмоқда...

Сўз санъетининг жанрларида ранг билан боғлиқ рамзий образлар кўплаб учрайди. Ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Маҳмуд Қошгарий, Аҳмад Яссавий асарларида ҳам лавҳалар, табиат тасвирлари, илгари сурилган фалсафий, аҳлоқий-дидактик фикрлар ранг рамзлари орқали берилганилиги маълум. Айниқса, Алишер Навоий ижодида мажозий ранглар тимсолларга кўчирилиб комиллик босқичларини забт этаётган инсон дунёсини тасвирлашга хизмат қилганки, ана шу хусусиятлар Мустақиллик даври ўзбек шеъриятида ўзгача товланишлар ва маънолар касб этмоқда.

Оламни ва ундаги турфа ҳолатлар, ҳаёт мураккабликларини қалбida кечираётган инсон дунёси ҳам камалакранг. Бутун ҳаёт залворини ўз тафаккурига сигдиришга уринаётган замондошимизнинг кечинмалари, уй-ҳаёллари ҳам чегара билмас даражада ранг-баранг. Ана шу олам ва инсон дунёсидаги муштарақликни бадиий сўз поэтик ранглар орқали ифодалаш

имконини берадики, бундай рамзийлаштириш шоирга қисқа оҳанглар ва саноқли рангларда инсон тимсолини жонлантиришга қодир мўйқалам тутқазади. Ҳалқ шоири Абдулла Ориновнинг «Билол хабаш» шеърида қора ранг образнинг руҳиятини ёритиб турган эътиқод нурига уйгунлашиб оқликка кўмилса, Шавкат Раҳмон, Азим Суюн, Усмон Азим шеърларида учровчи оқ ранг бегуборлик, самимилик, ёргуллик, эзгулик мъяноларини ифода этади. Ҳалима Худойбердиева шеърларида оқ ранг билан ёндош сариқ ва қизил ранглар учрайди. Шоира жудолик, айрилиқ, тушкунлик, алданиш ҳолатларини сариқ ранглар воситасида жонлантирса, қизил ранг орқали ёвузлик, фожиавийлик, зўравонлик, истибдод рамзларини яратган. Инсон қадри букилган, эрки топталган мустамлакачилик даврида ҳатто нафас ҳам қизил, кишан ҳам қизил, тикан ҳам қизил. Шоирлар фавқулодда яратилган ифодалар орқали рамзий образларни китобхон кўз ўнгида жонлантиришга эришиб, поэтик гояни тўлақонли англатишга муваффақ бўлаётирларки, бу хусусият ҳозирги ўзбек шеъриятига хос тенденция сифатида тадқиқ этилиши лозим. Поклик, нурдай бокираблик, иллатлардан фориглик, имон-эътиқодлилик Эшқобил Шукурнинг «Яшил ўлим» шеърида асосий бадиий унсур-рамзий образ орқали ифода этилган. Бу хусусиятлар ўзбек шеъриятида ранг рамзлар воситасида инсон дунёсини, олам хоссаларини ўзига хос тарзда англаш ва тасвиirlаш усули юзага келганлигини кўрсатади.

Бир қатор ўзбек шоирлари қаторида истеъододли шоир Баҳром Рўзимуҳаммад ижодида ҳам рангларнинг рамзий қўлланиш усили ўзига хос поэтик тимсоллар яратишга хизмат қилганлигини кузатиш мумкин.

Инсон табиатта талпиниб яшайди. Унинг бағрида ўзини қущдай енгил, дардларидан фориг ҳис этади. Табиат гўзалликларига боқиб баҳра олади ва ўзини унинг бир бўлаги деб билади. Аммо она

табиатни асраш инсониятни кулфатлардан асраш эканини ҳамиша ҳам ёдда сақламайди.

Вақтики ер тарс ёрилганида  
Ҳавода учиб миллионлаб ер бўлаклари  
Мумдек эриб битса  
Тутунга айланса ер  
Вақтики сиргалса юлдузлар  
Уч қуёш чарх урса кўкда  
Ва уч қуёшга жуфт бўлса уч ой  
Тун ва кундуз қоришса бир – бирига  
Вақтики борлиқ ўз маъносини йўқотса буткул...

Тасаввур қилинг, сарҳадсиз фалак бўм-бўш бўлиб қолса, тутунга айланса ер? Шоир бепарволик, бемақсад яшаш, гуноҳлардан юраклар эзилмас даражага келса, инсонлар борлиқни талон-тарож қилиб бўлишса, тутатишса, ҳатто, янчиб бир-бировларин, ҳайҳот, бу ҳолга чидаш беролмай, ер тарс ёрилса, мумдай эриб битса борлиқ! – дея хитоб қилмоқда.

Ёрутлик ўрнини зулмат-у қоронгулик эгалласа, борлиқ ҳам ўз маъносини буткул йўқотса, демак куррамиз ҳам коинотда чилпарчин бўлади! Шоир ана шу фалокатни кўз олдимизда қуюқ қора ранглар орқали жонлантиради, инсонлар қалбининг рангсизлиги, бўшлиққа айланиб қолганлиги оламнинг бўм-бўшлиги билан уйгун тасвиранади.

Ана ўрик гули  
хўроқсандга ўхшаб музлади  
яшиллик совқотиб турибди  
дир-дир  
сочингизни ўйнайди шамол

шундан бошқа иши йўқ каби  
жиiddий...

Гўзалликнинг музлаши, яшилилкнинг дир-дир совқатиб туриши эзгуликнинг омонатлигидан дарак бермайдими? Фарзандларимиз қалбида ниш уриши керак бўлган инсоний сифатлар, латиф ҳулклар куртак ёзаётган дараҳт япроқлари каби совқотиб турса, бу умримизнинг, борлигимизнинг омонатлигидан, ҳаётнинг ганиматлигидан дарак бермайдими?

Демак, ўзбек шеъриятида ранг билан боғлиқ рамзий образларни шартли равишда қуидагича туркумлаш мумкин:

1. Инсоний севги-муҳаббат мавзуидаги рамзлар.
2. Инсоний фазилатларни улутлашга, меҳр-оқибат, эзгуликни қадрлашга ундаш мавзуудаги рамзлар.
3. Ижтимоий – сиёсий мавзуудаги рамзлар.

Булардән ташқари, ҳозирги ўзбек шеъриятида «ранг-рамз», «ранг-образ», «ибора-образ», мақоллар, ҳикматли сўзлар орқали рамзлар яратиш хусусиятлари кўзга ташланмоқда. Бу хусусият инсон билан табиатнинг алоқдорлиги, айни пайтда, руҳиятимизнинг она табиатта уйгунлиги ҳосиласидир. Рангларни рамзлаштириш ҳозирги ўзбек адабиётидаги ўзига хос анъана тарзида давом этмоқда, бадиий-эстетик тамоилил сифатида яшамоқда.

Ҳозирги адабий жараён хусусиятларини тадқиқ этган ўзбек адабиётшунослари ва танқидчилари мустақиллик йилларида юз берган муҳим жиҳатни таъкидлаб, бадиий ижодга янгича муносабатнинг қарор топаётганлиги; ижодкорга яратувчи шахс, санъаткор сифатида қаралиб, бадиий асарларга биринчи галда бадиият талаблари нуқтаи-назаридан баҳо беришга ҳаракат қилинаётгани, «гоявийлик»ни эмас, ижодкорнинг бадиий тафаккур

тарзини ўрганиш етакчи тамойилга айланаёттанини ижобий ҳодиса сифатида таъкидлаёттаниклари қуонарлы ҳолдир.<sup>1</sup>

Ижодкор бадий тафаккури Оллоҳ инъом эттан илоҳий мұйжиза-истеъдод нурига йүгрілган бұлса, қанчадан-қанча миллий бойликларни бунёд этади. Бу ҳақда сұз юриттан И. гафуров: «Истеъдод - миллий бойлик. У неча юзлаб, минглаб бойликларни бунёд этади дунёга беради», - деганида тамомила ҳақ зди. Айнан ижодкор бадий тафаккурининг илоҳий ва дунёвий мазмунлари уйгунлигидан юзага келувчи үзига хос услугда ҳам шу икки жиҳат күзға ташланади: истеъдод - маҳоратни юзага чиқарувчи омил бұлса, услуг-ижодкор тафаккурининг бадий тил орқали дунёвий маъно ва мазмун касб этишидир.

Демек ижодкор шахсида ана шу икки жиҳат уйгунлашиб, үзига хос услугнинг намоён бұлишида асос вазифасини үтайди. Айни чоғда, ижодкор услуги ва бадий маҳорати воситасида инсон дунёсінинг сирли, сеҳрли қатламлари, туйгуларининг шиддәти, ҳис-ҳаяжонлариниг маъно товланишлари, тутғенлариниг зарби ифода қилинади, тасвирланади. Китобхон яна ўша илоҳий мұйжиза-истеъдод құдрати ила үзға инсонлар рухиятини ҳис қиласы, улар дунёсига кириб боради, уларни худи ҳаётдагидек жонли инсонлар каби тасаввур этади ва тушунади, ҳамдәрдга айланади. Бадий образлар қиёфасида ҳар сафар образларнинг янги, сирли ва сеҳрли, бетакрор илоҳий дунёси намоён бұлади. Яратилаёттандыра ана шу ҳаёттый қаҳрамонларни замон ва истиқлол даври адабиёті талаблари, бадиият мезони асосида ҳар тарафлама чуқур ўрганиш ҳозирги адабий жараённинг долзарб муаммоларидан бириидир.

Ҳозирги ўзбек шеъриятига хос тамойилларидан яна бирига эътиборни қаратиб, ф.ф.д., профессор Ҳакимжон Каримов қўйидагиларни алоҳида таъкидлаган зди: «Тоталитар тузум ва унинг

<sup>1</sup> Қарани: У.Норматов. Үмидбахш тамойиллар. -Т.: Матнавият. 2000.  
Н.Худойберганов. Мәхру мұхаббат йўлларида -Т.: Ёзувчи. 2003.

мафкураси миллий республикалар халқларини тарихидан, маданияти илдизларидан маҳрум этибина қолмай, диний анъаналари ва урғодатларини ҳам пайҳон қилиб ташлади. Диний маданият урнига бу халқларга берилган маркча-ленинча таълимот эса улар имонини саломат олиб қололмади. Сўнгти йилларда динга эркинлик берилиши, ислом таълимотига оид илмий-оммабоп асарларнинг пайдо бўлиши ва бошқа тадбирлар натижасида ўзбек шеъриятида ислом асотирлари ва гоялари билан сугорилган шеърлар пайдо бўлди. Бу шеърлар «Қуръон» сурасидаги оятларда ва ҳадислардаги кишини тўгри йулга солишга иршод қилинган фикрлар асосида ёзилгани учун киши имонини мустаҳкамлашга жуда қўл келяпти. Чунки имони мустаҳкам одам ҳар қандай ёмонлиқдан ва инсоний иллатлардан сақланади, ҳеч кимга зулм қилмайди<sup>1</sup>.

Олимнинг фикрларига умуман қўшилган ҳолда, биз ҳозирги ўзбек шеъриятига хос тамойиллардан яна бири шоирларнинг поэтик нутқнинг хитоб, мурожаат қаби шаклларидан, сўз такрори, риторик сўроқ қаби унсурлардан фойдаланиб, олами унинг бир бўлаги бўлмиш инсон дунёсини поклаш орқали мунаvvар этиш ҳақидаги дунё олимлари, файласуф-у шоирлари қарашларига ҳамоҳанглиқда яратилаётган поэтик гоялари, бетакрор ташбеҳларга юкланган салмоқли фикр ва туйгулардан англазилишини таъкидламоқчимиз. Зеро, бутунги кунда инсониятнинг қиблага юз тугаётганлигини дунё тан олмоқда<sup>1</sup>. Хусусан, шоир Усмон Азим олам сирларини англашга нечоглик уринмасин «сирлар тугунини еча олмаганлигини» эътироф этади.

Шоир айни ҳолат сабабини оламнинг бор сиру синоатларини ўз кўнгил оламида жилвалантирган инсон қалби сирлигича қолганлигига, деб ҳисоблайди:

«Тангрим, фақат кечир, бандаларинтта

<sup>1</sup> Ҳ. Каримов. Истиқлол даври шеърияти. -Т.: Зарқалам, 2005. 20-бет.

<sup>1</sup> Усмон Азим Сайланма Шарқ нашриёти матбаа конференси. -Т.: 1995. 405-бет.

Бир қатра озодлик бермаганим-чун.  
Қон ютған күримлар учун кечиргин  
Күзимнинг ёшлари учун кечиргин.  
Дунёниг тошлиги учун кечиргин.  
Кечиргин - кўйингда адашганимни,  
Кечиргин - кўйингда тинмаганим-чун,  
Кечиргин - эрк учун талашганимни,  
Ва эрк сенлигингни билмаганим-чун»<sup>2</sup>.

Инсонни поклаш, оламни тозартириш, оқ ва қора ранглар замиридаги маънолар: эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий зиддиятни кўтариб, улоқтириб ташлашга қодир куч борми? Бугун инсоният онгини забт этган савол аломатига қандай маънолар сингишган? Муаммо ечими қандай? Оламни инсон боласи яраттан ёвузликлардан сақлаб қолиш мумкинми? Ана шу саволга жавоб излаб, «охир замон» аломати-ю залолатлари ҳақида, гуноҳларга бурканган куррани шоир Баҳром Рӯзимуҳаммад қуидагича тасвирлайди:

«...айни пайтда тафтиш кучи боис  
ўз ўқидан чиқиб кетди ер шари  
чиқиб кетди қўёш системасидан.

айни пайтда тонг ила тун  
ола була шамойилга кирди  
зулмда ўзгартириб рангу тусини

оқ олма пишаёттан чоғ  
қорбўрон ўйнаб юрди болалар.  
ёзга қўшилди қишининг уч куни.

<sup>2</sup> Баҳром Рӯзимуҳаммад. Соялар сухбати Шеърлар туплами. –Т.: Зарқалам нашриёти. 2006. барча кўчирмалар шу тўпламдан олинди.

айни пайтда тугилган гўдакнинг  
соч-соқоли оқарди бирдан  
онасини эмди мункайтган чол.

айни пайтда қуёш нурини  
қайга сочишни билмай турди-да  
куйдириб юборди ойни дафъатан...»<sup>1</sup>.

Нега? Нима учун? Бу саволларга шоир «Қаргалган» номли шеъри орқали жавоб қайтарган:

«Сен улут ибтидодан нарироқда бир қадам босдинг  
Шу боис Аллоҳнинг қаҳри келди  
Пайгамбар қарғади сени  
Шайтони Лайндан-да баттарроқ бўлдинг  
бироқ сенинг руҳиятингни тўлдирган завқу-шавқ  
икки дунёда ҳам йўқ фақат сенда бор  
эй, абадий йиги, эй абадий кулгу, эй абадий жимлик».

Шоир сирли-сеҳрли дунё сарҳадларидан да нарироққа, бу дунё чегарасидан ташқарига «қарашга», идроки, ўй-ҳаёллари или у томонга «бир қадам ташлашга» ботинган инсонга шу гуноҳи учун қарғиш ёпишган. Бу шаккоклик эвазига шоир қалб изтироби-ю безовта руҳнинг мангу азобига дучор этилган. Аммо инсоният дардини куйлаб йиглаш, эзгулик нурларига чулганган олам гўзалликлари-ю одам кулгусидан завқланиш фақат шоирларга насиб этмишdir. Айни чогда, уз ожизлигини тан олиб, Оллоҳ иродасига бош этиб, абадий «жимлик» сари инсон сукути ҳам олам-олам маъноларни ифода этади. Бу хусусият реалистик тасвир услуби багрида юзага келган «янгилик» сифатида эътироф этилаёттан «ўзбек модерн шеърияти» алоҳида эстетик тамоили эканлигини асосслайди. Модерн йўналишидаги шеърлар ижодкору китобхоннинг XXI асрдаги табиий маънавий-руҳий эҳтиёжларига монанд юзага келди. Бундай шеърлар

<sup>1</sup> Баҳром Рузимуҳаммад. Соялар судбати. Шеърлар. –Т.: Зарқалам нашриёти. 2006. 9-10-бетлар

инсон шахси ва ҳәётини, унинг күнгил оламини ижодкорнинг тасаввурлар олами орқали кузатиш орқали ҳар икки олам уйгуниги ёки ўзгачалигини англаш мумкин бўлган маъноларини тасаввур воқелигига айлантириб (ҳис-туйгулар ва идрок бирлиги) бадиий талқин қилиш натижасидир. Ижодкорларнинг бундай шеърлари бир қарашда миллий шеъриятимиз учун ноанъанавийдек туюлади. Ҳижо, туюқ ва қофиядан узоқ ҳалқ жонли тилига яқин сарбаст шеърларни бир ўқишида тушуниш қийин, аммо ҳар бир сўз, ҳар бир сатр муайян образли ифодага, рамзий маънога ва ички оҳанга эгаки, бу хусусиятлар шоир маҳорати орқали бетакрор поэтик манзаралар ва бадиий умумлашмалар яратилишига асос бўлган. Бундай шеърлар ўзи ва ўзгалар оламини янги жиҳатлардан идрок этишга интилаёттан замондошимизнинг маънавий-руҳий эҳтиёжларини тўла қондирмоқда.

Жаҳон адабиётига хос «модернизм» ва сюрреализм ҳақида сўз юритиб, адабиётшунос Андре Бретона қўйидагиларни алоҳида таъкидлайди: «Унинг мақсади оғзаки, ёзма ё истаган бошқа бир йўл билан фикрнинг реал амал қилишини ифодалашидир. Сюрреализм муайян ассоциатив шаклларнинг олий реаллигига ишонишга асосланади. Сюрреализмга қадар бу шаклларга бепарво қараб келишган. Сюрреализм хаёлотнинг қудратига, фикрнинг бегараз ўйинига, ишончига таянади. У бошқа ҳар қандай психик механизмларни узил-кесил барбод қилиб, ҳаётнинг асосий муаммоларини ҳал қилишда уларнинг ўрнини эгаллашига интилади»<sup>1</sup>. «Демак, – деб ёзади профессор, Ҳакимжон Каримов Андре Бретон қарашларига таяниб: – сюрреалистлар ақла суннади, унинг қудрати билан иш кўради. Чунки ақл кучигина одам ва олам моҳиятини тўгри англашга имкон беради. Модернизмнинг йўналиши ва мақсади ҳам шундай»<sup>1</sup>. Шоир Баҳром Рўзимуҳаммад эса масала моҳиятига янада

<sup>1</sup> Андре Бретона. Сюрреализм манифести. // Жаҳон адабиёти. – 2000й. 5-сон. 179-бет.  
Ҳ.Каримов. Истиқол даври шеърияти. 42-бет.

чуқурроқ кириб бориб, модернизмни реализмга қарши қўйиб бўлмаслигини асосли тарзда таъкидлайди: «Модернизмни реализмга қарши қўйиб бўлмайди. Модернизмга реализм сувратидаги соцреализм оқимигина қарши қўйилган. Эндиликда аста-секин адабиёт сиёсатдан ҳоли бўлмоқда. Чунончи, адабиётнинг ўз «сиёсати» мавжуд. Адабиёт инсон руҳий олами узра сиёсат юргизади, руҳ оламидаги жисмлар орасида интизом ўрнатади, қадим-қадимдан шундай бўлиб келган. Суфийларнинг кўнгил парвариши таълимоти бежиз кун тартибига чиқмаган бир маҳаллар. Биз шу йўлдан юрмогимиз лозим. Бу йўл маънавиятимизни юксакликка олиб чиқади, бу йўл миллатимиз юрагини, шарқона кечинмаларини боболаримиз маънавиятига омухта этган ҳолда жаҳон илм аҳлига кўз-кўз қиласди»<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, шоир таъкидлаганидек, инсон руҳий ҳолатини тафтиш этувчи, унинг ўзлигини, «мен»ини кашф этишга қаратилган ва бутунги кунида модерн адабиёти деб номланадиган услубий йўналиш Шарқнинг улкан тафаккур қудрати билан яратилганлигига ишонч ҳосил қиласмиз. Бу ҳақда ёзувчи Назар Эшонқул фикр билдирар экан, халқимизнинг қадимий ижод намуналарини юқори баҳолаб: «Туркий халқлар асотир ва эпосининг таъсир кўлами шу даражада кенгки, биз ҳатто буни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Агар биз ана шу меросни ўзлаштира олсак, гарб адабиёти нимадан иборат эканлигини ҳам тезда тушуниб етамиз»<sup>3</sup>, - дейди.

Таниқли мунаққид ва олим А.Расулов эса сўнгги йиллар ўзбек поэзиясининг биз таҳмил қилган тамойиллари ҳақида сўз юритиб, «сўнгги йиллар ўзбек поэзиясида инсоннинг ўзини-ўзи англаш муаммоси жиддий талқин этилмоқда. Инсон руҳиятидаги ҳёт, зиддият, фалсафий-руҳоний талқин ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Абдулла Ориповнинг «Бир қарасам» шеърида ҳам ўзини-ўзи англаш,

<sup>2</sup> Б.Рузимухаммад. Назарияга бефарқ қараямизми? // ЎзАС. -2001й. 7 декабрь.  
<sup>3</sup> Назар Эшонқул ёшлар насли уз йўлидан боради. // ЎзАС. – 2000й. 4 август.

рухий ҳолат, ички кураш акс этадики, у асарнинг умрибоқийлигини таъминлаган...

Ўзбек адабиётида «мен» - «яратган ҳамма нарсамиз» қатлами ёхуд инсон фарзандининг табиат ва жамият багрига тўла кириб бориши, «мен» - «коинот» қатлами ёки илмий-диний-фалсафий қарашларни яхлитлиқда акс эттирган мураккаб асарлар ҳали кўп эмас... Рауф Парфи, Абдували Қутбиддин, Фахриёр сингари шоирлар асарларида тарихий номлар, асарлар, диний тариқатларга ишоралар борки, уларни ўзлаштириш учун маълум тайёргарлик босқичини ўташ жоиз»<sup>1</sup>. Айни фикрни бугунти ўзбек шеъриятининг «модерн» йўналишида ижод қилаёттан барча шоирлар асарларига тадбиқ этиш мумкин, деб ўйлаймиз. Чунки бундай услубдаги шеърлар китобхондан шеършунослик илмини ва муайян адабий тайёргарликни талаб этиши аниқ. Зотан, шеърни ҳар бир китобхон ўз кўнгли, ҳис-туйгулари ва тафаккур тарзига монанд ҳис қилиб англайди.

Ҳозирги ўзбек шеърияти намуналарини таҳлил қилиб, қуйидаги куолосаларга келиш мумкин:

- мустақиллик даври ўзбек шеърияти тимсолида сирли-сеҳрли ва ранг-баранг инсон оламини шоир ёки лирик қаҳрамон қандай англаёттанилигини тасвиirlащдан бетакрор инсон дунёсининг турфа ҳолатларини ўз идроклари-ю ҳис-туйгуларига таяниб, кўнгилларига ўзлари йўл топишларига ундаш, инсонни англашга интилишдан унинг қалбини ўзига англатиш томон қадам ташланганлигини кўрсатувчи йўналиш пайдо бўлганлигидан далолат беради. Ҳозирги ўзбек шеъриятига хос бу тенденция қандай ижодий-эстетик тамойилларда ўз аксини томоқда?

Ўзбек шоирларининг ўзбек классик шеърияти ва ҳалқ оғзаки ижодига хос анъаналарни давом этдириб, поэтик нутқ хусусиятларидан моҳирона фойдаланиб, ижтимоий-фалсафий маъно

<sup>1</sup> А Расулов. Танқид, талқин, баҳолаш. -Т.: Фан. 2006. 105-106-бетлар.

ташувчи бадиий умумлашмаларни яратишга интилишларида кўринади;

- замондошимиз онгида, хаёлоти, руҳиятида содир бўлаётган жараёнларни бор кулами ва турфа ранглари билан тасвирлаш тенденцияси ёзувчиларга инсон онги ва дунёсининг бетакрор, зиддиятли ҳолатларини ҳаётнинг ўзидаги каби табиийлиги билан бадиий гавдалантириш имконини бераётганлигини кўрсатади;

- шоирлар фавқулодда яратилган ифодалар орқали рамзий образларни китобхон кўз ўнгида жонлантиришга эришиб, поэтик гояни тулақонли англатишга муваффақ бўлаётирларки, бу хусусият ҳозирги ўзбек шеъриятига хос тенденция сифатида ўрганилиши лозим. Рангларни рамзлаштириш ҳозирги ўзбек адабиётида ўзига хос анъана тарзида давом этмоқда, бадиий-эстетик тамойил сифатида яшамоқда;

- ўзбек шеъриятида ислом асотирлари ва гоялари билан сугорилган шеърлар пайдо бўлди. Ҳозирги ўзбек шеъриятига хос тамойиллардан яна бири шоирларнинг поэтик нутқнинг хитоб, мурожаат каби шаклларидан, сўз такори, риторик сўроқ каби унсурлардан фойдаланиб, оламни унинг бир бўлаги бўлмиш инсон дунёсини поклаш орқали мунаввар этиш ҳақидаги дунё олимлари, файласуф-у шоирлари қарашларига ҳамоҳанглиқда яратилаётган поэтик гоялари, бетакрор ташбеҳларга юкланган салмоқли фикр ва туйгулардан англашилишини алоҳида таъкидлаймиз;

- мустақиллик даври ўзбек шеъриятига хос хусусият: руҳий таҳдилнинг теранлиги; асарга хос поэтик тафаккур тарзининг сероҳанглиги; воқеаларнинг анъанавий реалистик асарлардан фарқли ҳаётий манзараларда гавдалантириш; ҳодисалар, кечинмалар «мен» орқали ҳис қилиниши янгиллик сифатида қабул қилинди, баҳс мунозараларга сабаб бўлди. Бу хусусият реалистик тасвир услуби бағрида юзага келган «янгилик» сифатида этилаётган «узбек

модери шеърияти» алоҳида ва ўзига хос эстетик тамоийл сифатида юзага келганлиги ҳамда ривожланаётганлигини асослайди.

## СҮНГТИ ДАВР ЎЗБЕК ДОСТОНЛАРИ ПОЭТИК ТАФАККУРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Сунгти давр ўзбек достонларига эътибор қаратилса, Сирожиддин Сайд, Икром Отамурод, Усмон Азим каби ижодкорлар яраттан асарларда ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар руҳи, халқ руҳиятидаги янгиланишлар нафаси ўз ифодасини топғанлигига амин бўламиз.

Ўзбек достончилигида рамзий образлар ва характерларга эътибор кучайланлигини ўтган асрнинг 80-йилларида яратилган достонлардаги Шайтон, Арвоҳ рамзларининг ранг-баранг талқинлари орқали кузатамиз ҳамда мазкур образлар воситасида давр воқеа-ҳодисаларини ифодалаш тенденцияси қарор топғанлигининг гувоҳи бўламиз. Абдулла Ориповнинг «Жаннатта йўл» драматик достони, Эркин Воҳидовнинг «Рұхлар исёни» достони, Усмон Азимнинг «Қуёшли олам» достонидаги рамзий образлар ўша давр мұхитининг характер руҳиятини ифода этган. «Қуёшли олам»даги Шайтон ҳамда шайтонсифатлар: Хавфли одам, Хушомадгүй, Бепарво, Порахур, Мансабидаст, Қофиябоз кабилар ўша тузум иллатларини урчитаётган кимсалар тарзида талқин қилинган. Яратувчи Инсон билан давр ўртасидаги зиддият асар конфликтини ташкил этган. Қуёш тимсолида ана шундай инсонлар ва уларнинг буюк эътиқоди рамзий шаклда гавдалантирилганки, китобхон достон таъсирида ҳаётнинг маъноси, уларнинг ўткинчилиги тұғрисида ўйта толади. Асардаги Шоир образи муаллиф дүнёқараши ва руҳий олами мазмунини ифода этади. Шу боис, шоир «мен»и достон сюжетини ҳаракатта келтирувчи «куч»га айланган. Шоир монологи орқали

бошқа рамзларнинг маънолари очиб берилганилиги достоннинг жанр талабларига мос тушади. Мана бир мисол:

Қофиябоз  
Гапимни эшитинг!  
Минг бир маккорчилик китобингиздан  
Минг бир усул ила минг бир найрангни  
Олдида минг тусда тўқиб ташлангки,  
Қуёшни соттанин сезмай ҳам қолсин!  
Ҳавфли одам  
Буёғидан зинҳор ҳавотир олманг!

Достонларда ҳаёттий ҳодисаларнинг, давр талотимларининг «мен» кечинмалари, руҳияти, нуқтаи назари орқали кенг кўламли таҳлилини бериш тенденцияси истиқлол даври ўзбек достончилигига яқдol кўзга ташланмоқда. Айрим ҳолларда ижодкорлар ўз туйгуларини бор кўлами билан фикрга «омухта» этишда қийналаётганликлари сезилади. Шоир кечинмалари унинг ихтиёридан чиқиб «суратланади». Бундай кезларда руҳият тасвирини шоир тиниш белгиларга «кўчиради».

Туйгуни сўзлардан ташқари ҳарфларда ёки тиниш белгиларда ифодалаш усулидан Икром Отамурод «Ёбондаги ёлгиз дараҳт» достонида фойдаланган. Бу хусусиятни бор нозикликлари билан англаган ёш олим А.Ҳайитов ўз қарашларини қўйидагича баён қилган: «Туйгулар суратини белгилар орқали бериш ўқувчини ҳам кечинмаларга шерик қилишнинг бир йўлидир. «Ёбондаги ёлгиз дараҳт» достонини мутолаа қилаётган шеърхонда руҳиятидан келиб чиқиб, шоирнинг сўз шаклига тушмаган бадиий ифодасини ўйида, хаёлида, руҳида ёки дилида давом эттириши имконияти бўлади. Шунингдек, достонда ўқувчига туйгуларининг бадиий ифодаси учун

имконият айрим сүз ва сүз бирикмасига мувашшаң битиші мүмкінлігі тарзіда ҳам қолдирілған»<sup>1</sup>.

Ё	Ё	А	Ж
Л	Л	А	И
Ғ	Ғ	Р	М
И	И	А	
З	З	Х	
А		Т	
И			
К			

Түйгулар сувратини тишиң белгилар воситасыда бериш усулидан Икром Отамурод «Ярадор умид отлари» достонида фойдаланған зди. «Ёбондаги ёлгиз дараҳт», «Сопол синиқлари», «Ичкари... ташқари...», «Анинг умиді» достонларыда бундай тасвир усули күчайтирилған. Бу достонларда түйгуларнинг, фикрнинг сұздар иштирокисиз, фақат нұқталар билан bogланған ўринлари ҳам бор. Бу жиһатлар муаллифнинг чүкүр руҳий изтиробларини ifода этади. Бу фигон зарблари юрак уруши каби тишиң белгиларда дүкурлаб, акс-садо беради, гүё. Матиннинг «ниқоби» остидаги қалб овози руҳий кечинманинг тоғ сұниши, тоғ юқори пәрдаларини ifода қылади:

«Ичкари – хұрсаник.

Ташқари – хандон.

Ичкари – забун.

Ташқари – мұқтадир.

Ичкари – дилсиник.

Ташқари – чаңдои.

Ичкари – ёбун.

Ташқари – зулзабир.

Кунинг ҳам канглунгда,

<sup>1</sup> Шарқ қолдузи. -2002. -4-фасл. 151-152-бетлар.

Түнинг ҳам қанглунгда.  
Сунутинг ҳам қанглунгда,  
Үнитинг ҳам қанглунгда,

Тұзинг ҳам қанглунгда,  
ұзинг ҳам қанглунгда.  
ұзинг... ҳам... қанглунгда...  
ұзинг... ҳам... қанглунгда...

... Биргина ұзингсан ұзингта ярап,  
Биргина ұзингсан ұзингга сойим.  
Канглум... қанг... лум...

... Гулини совуқ шопурған дарахт...  
Қулфини занғ әркалаттан уй...  
Хүзурини сандық күрган түн...  
Бұхчада тажланиб ох урган рұмол...  
Хашам құргонида дилиққан сунбул...  
... согиниб - согиниб...  
... согиниб - согиниб...

Канглумнинг ичига кириб бораман,  
Канглумни ахтариб, канглум.  
Зора топсам, зора-а, мани,  
Интизор мунглим?!  
Канглумнинг ичига кириб бораман,  
Согинчимни ахтариб, согинчим.

Зора топсам, зора-а, ман,  
—**Кирмизи гунчам?!**

Бозор... Талотүм... Тап тортмай...  
Бир тұда... Сот-сот... Ол-ол... тұпалаңг...  
Ютурған югурғаेтир картмай...  
Тұхтаган оёқ ости... ютар чанг...»

Үз күнглини англаш, излаш, тафтиш этишга интилиш жараёнида «мен» хилма-хил ҳаёт ҳақиқатларини англаб боради: асли бу дүнё бозорға үхшашини; ютурған югирғилаб кетишими; бирор ҳалол, бирор харом молини «ұтқазишини»; тұхтаб қолсанг, оёқ ости бұлиб, чанг ютишиңгни...

Ичкари – күнгил макони. Тащқари эса ҳою ҳаваслар макони. Күнгилда дард, изтироб; ташқариды – шүх – хандонлик. Ичкарига дардлар тұқилади, изтироблар чүкади, овоз чиқарып айттылмаган ё айта олмаган сүзларимиз хұрсаниб «киради». Күнгил бор ранглари, ҳайқиригу фигонлари билан ташқарига отилиб чиқышни истайди. Тащқари эса ичкаридан таскин, хайр, Раҳмон топмоқтык истайды.

«Ул зот бирорта ниҳол экмаган,  
мehr ҳам бермаган бирор ниҳолга  
Лекин  
даражтлар соясидан  
умидвор бұлаверади,  
умидвор бұлаверади,  
даражтларнинг қуюқ-қуюқ соясидан  
жудаям...

Гамини ичига ютавериб  
үзиге олаверади дардини,  
тоқаттаға айланди,

бардошга айланди  
чүкиртак  
даражат...

Нақшинкор дарвоза ҳар кун ўзга тус,  
ҳар кун ўзга чирой олар деворлар.  
Мармарлар эгнида ялтираган пуст  
ҳар кун гуллар ҳаворлаб.

Ташқаридә кутиб ягрини,  
қизғалдоқлар ялар қовурмоч...  
Ташқаридә кезар изгирин,  
хапқырап, ҳовлиқар аәз.  
Ҳароратта лим-лим чогири  
ичкарида ёнбошлайди ёз»<sup>1</sup> -

каби мисралар «ичкари» ва «ташқари»га хос ҳаёт ҳақиқатлари фалсафийликкә йўғрилиб ифодаланганини аён этади.

Қандайdir вазиятда «ичкари»нинг эшиклари очилади, кўнгил дардлари қалқиб чиқади. Қандайdir вазиятларда «ичкари»га «ташқари» қулоқ тутади ё «мўралайди ичкари томон». Яна бошқа ҳолатларда «ичкари» билан «ташқари» жой алмашинади: «Ичкарига кирди ташқари». Шоир айни ҳолатларнинг сабаб ва оқибатларини поэтик таҳлил қилиб, инсон қалби орқали ҳис этиб, англанувчи ҳаёт манзараларини турли-туман жиҳатлардан тасвирлайди. Тасвир марказида эса шоир «кўнгли» туради. «Кўнгул»ни черттан туйгулар, унга кириб ўрнашган ҳаяжонлар-у изтироблар ташқаридаги инсонлараро муносабатларга бοгланади; ҳаёт ҳодисаларидан таъсиrlанган кўнгил ҳолатига монаңд чизгиларда гавдаланади.

\*

<sup>1</sup> Барча кўчирмалар Икром Отамуроддининг «Тавр» номли шеърлар ва достонлар тупламидан олинди. -Т.

Шоирнинг 2003 йилда яратилган «Харитага тушмаган жой» достонида ҳам «мен»нинг ўз-ўзини ахтариш, ўзлигини топиш, кўнгил манзил-маконини тайин этиши йўлидаги кечинмалари поэтик таҳлил қилинган. «Тоғлар қорамтири, уммонлар кўкиши, ўрмонлар яшил тус, саҳролар сариқ, қайсиdir юрт келбатли, қайсиси ориқ» харитатадан олмиш жой. Шоир дунё харитасини тузган доноға қаратадейди:

«... сендан кичик бир илтимос,  
рангларингта бир ранг қўштину, яна,  
эллару юртларнинг ўртасига мос,  
кўринарли қилиб рангин, ҳойнаҳой,  
ки шунгача эсдан чиқиб келган бир –  
харитага тушмаган жой –  
кангулнинг тарзини тушиб...»

Аслида, уммонлар, денгизлар, дарёларнинг гоҳ тошиб, гоҳ сокин тўлқинланиб оқиши ҳолати, шакл-шамойили, ранглари маъносига бу дунё қиёфаси мос тушади. Дарё-ю денгиз гирдоблари, ўпқонлари каби раҳм-шавқат нелигин билмайдиган дунёнинг айланиши-ю, «тезобпарастлиги» ҳам ўхшаш. Энг ажабланарли томони шундаки, дунё ранглари гўё инсонлар қиёфасига кўчиб ўтган.

«Кўп нарсани истаб, қидирар одам,  
Майда-чуйдаларга ҳоҳишин бериб...  
Қизиқ дейсан, ажаб дейсан, ё Раб дейсан,  
Нега одам кангулун қидирмайди ҳеч?!  
... Муҳими – кангул, кангулни қидириш,  
Муҳими – кангулдир, кангулни топиш...»

Шоир тилидан кўнгилни топиш заҳмат, азоб, ҳақиқат излаш йўлидаги машаққатли ҳаёт экани баён этилади. Муҳими, ниятнинг поклити, тилакнинг гўзалиги, руҳнинг латифлиги; «муҳими – одамлар сени согинсин, кўргандә меҳр-ла бағрига босиб, кузаттандада, кутиб яна келишинг, хайр сўзларидан тукилиб согинч, умидларга тўлсин бу кангул...». Кичик нарсалардан ўзликни баланд тутиши, майда

ҳаваслар «қули»га айланмаслик, әзгүлікдан ҳарорат олиб яшаш орқали «кангула айланиш, кангулни асраш ҳисси» улгайтириб борар күнгилни. ўзи ўз күнглини билолмаслик ўз күнглига бегоналик нишонаси. ўз күнглини хор эттан кимса «ўзга ариқнинг шоврида оқар», маңфаат лойига беланар, нафс құрбонига айланар ва күнглини зор қақшатар. Күнгилга путур етса, одам оламни бузар, «қадронлар ёвлашиб, меҳру муруват тұзар». ўз күнгидан кечмоқлик ундан-да ёмон! Рух пора-пора бұлар, гурур чүжади, қалб қақшайды, нафснинг бозори чаққонлашади, юрак – «хиёнатлар күмилған қабрга» айланади. Бу манзара қандай маънени англатади? «Хурдир – кангуни эттанлар Ватан, кангуни топғанлар – ҳурдир». Шу боис энг катта мамлакат күнгүлдір. Күнгил мамлакатининг харитага тушмай қолиши унинг инсоният томонидан йүқотиб қўйилганлигини англатади. Одамлари – иймонга, дарахтлари эътиқодга, дарёлари меҳрга, тоглари – гууруга айланасына, күнгүл мамлакатининг чироглари ёниқ бўлади. Одамлар ўз күнгулларини ахтариб топсалар, күнгүл мамлакати яшайды, инсон жисмидаги муқаддас жойга айланади.

Достондаги шоир образи ва унинг монологлари воситасида «дунё акс эттан харита», «кангул», «ўз күнглига бегона кас», «нафс», «игвогар, хасадгўй, ёлғончи одам», «даврада гап бермайдиган одам», «сафарга ҳирс қўйган сайёҳ» каби образ-рамзларнинг маъноси очиб берилган, ўз күнглига беганолик катта фожиа эканлиги ёритилган.

Икром Отамурод 2005 йилда яраттан «Тагаззул» достонида ишқбозлик, ошиқлик кечинмаларидан, ишқ «яролари»дан қад кўтарған бинони тасвирлайди:

«Тагаззул – кўп қадим бинодир, зотан,  
меъморлари – кангул фуқаролари.

Ишқҳа дохил суюги сурмаларга тан –  
жисмимда ниш оттан ишқ яролари», –

деб ёзади шоир.

Ишқ биносининг деворлари согинчлардан, сабрлар, сукунатлар, ёнишлардан бунёд бўлган. Шифти эса бу бинонинг «фуқаролари»дан бири шоир каби ишқбозлар «устихонидан терилган оғоч», «кўзларим – қалдиргочга интиқ дераза»; «нақшлар тўқиган сувог – қонларим»; «саҳнларини ёриттан чирог – жонларнинг жони»; «эшиги – зил кеттган юрагим дарзи»; бинонинг шакли – ҳажр ёмгирилари емирган вужуд кўринишида; бул бино яралгандан бўён «кангулнинг ноласи, кангулнинг кўйи» сас берур. Шоир риторик сўроқ усулидан ва мисралар такроридан поэтик фикр моҳиятини турли нуқталардан очишда фойдаланган: ишқ яроларидан бунёд бўлган кўнгил уйининг не сабаб «кундузи фирогу ҳижрондир туни?!» «Бу нечук хилқатки, шоир каби нотавон, ундаин гариб? Кўнгул уйини қуршаган бу нечук дардки, қайгуни ҳам, гамни ҳам сел қилур?!» Саволларга жавоб излаётган «шоир образи» – «мен» тилидан таъкидлаганидай, бу сир «фақат кўнгул билан англанувчи сир!» «Кўнгулда ишқ япроқ ёзмаган одамлар «мен»нинг дардларини, ҳис-туйгуларини англашдан йироқдирлар, бинобарин, ишқбозларга туйгудош бўлолмайдилар. Шоир ўз кўнглининг «йиртилган варагларига» назар ташлаб, «канглум – ишқ дардини ўстирган туфроқ, ишқ – таржимаи ҳоли канглумнинг», – дея умр бўйи ўз кўнглига интилиб яшаганиligини таъкидлайди. Бу йўлда ҳар қанча ранж чекмасин, азоб тортмасин, «мен» ўз имону эътиқодидан, танлаган йўлидан чекинмайди. Зотан, бу машақатли йўл – кўнгил уйи томон элтувчи, тагazzул биносига етакловчи йўл эди.

«Олдин кунлар...

Сўнгра ойлар...

Кейин йиллар...

Барибири...

Бордир ҳар лаҳзада нимадир илинж,

Бордир ҳар лаҳзада нимадир пайгом... »

«Мен» ўз мақсадига етишда илинжу ишончга, сабрга суянади, фақат буюк ишқ билан тағаззул биносининг меъморларидан бирига айланиши мумкинлигини англаб етади:

«Мен сенга интилдим, кўз ёшим ютиб,  
Канглумга ёмгирлар ёғди бетиним,  
Мен сенга интилдим, ўзим унугиб,  
Зоҳир лаҳзаларнинг ҳар тун, ҳар куни».

Бу манзилга етиш учун «мен» буюк ишқдан ўз кўнгил уйини барпо этиши даркор.

Барча синовларга дош бериб, юрагига найзалар ботиб, «куяёттан жону кул бўлган багир» билан қадимий тағаззул биносига етиб борган «мен» дунёнинг «азоб тўла жом»лиги, «қақраган лабларга» томчи сув тутмайдиган бемеҳрлар жойи экани; ростга қайишмай, ёлгонларга зеб берган, тунини «тонг ёриги» синдирган, «ишқсиз ишқ дунёсин унугтган дунё»га рўбарў келади. Дунё ҳам, ундаги одамлар кўнгли ҳам рангиз, имони емирилган; тағаззул биносини қуршаган борлиқнинг сукуги унга кўчган:

Сукунат –  
тағаззул биносида тант –  
поймоннинг синиши, аҳднинг синиши  
...қалдиргоч қўзларин тулида кўрап –  
дардларнинг, гамларнинг қаърига ботиб...  
Учаёттан баргларга термулиб турар –  
тағаззул биноси сукунатни ютиб,

Маълум бўладики, қалбларнинг мудраши – сукунатдан, ишқсизликдан, бемеҳрликдан дарак беради, бунинг оқибатида инсонларнинг кўнгил бинолари нураб бормоқда. Рантсиз туйгулар бўм-буш кўнгилларни ифода этмоқда, яшашдан мақсаднинг ноаниқлиги, аҳду поймоннинг «синиқлиги», кўнгил эшикларининг

дарз кетишига, охир-оқибат, қўнгил меъморларининг буюк ишқдан бунёд этган қадимий тағazzул биноси емирилишига сабаб бўлмоқда.

Китобхон «мен»нинг дардчан, сўниб бораётган иоласи таъсирида меҳр-муҳаббат, имон-эътиқод буюк ишқ биносига талпинади, уни асраб қолиш истагида ўз қўнгил тағazzулини мустаҳкамлаш майлини түйди.

Истиқлол даврида яратилган Ҳусниддин Шариповнинг «Қайнарбулоқ», Ойдин Ҳожиеванинг «Зиёрат», Маҳмуд Тоировнинг «Огоҳ бўл, дунё!» достонларида бугунги ҳаётимизга шукроналик, Ватанга меҳр-муҳаббат туйгулари бадиий ифодасини топган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, сўнгти йиллар ўзбек достонларида замондошимиз тимсоли бор буй-басти, туйгулар ранг-баранглиги илиа гавдалантирилди; «мен»нинг белоён ҳаёлоти, руҳияти тафаккур кенгликларини қамраб олиб, қалб сезимларига вобаста янги маъноларни ифода этмоқда, натижада поэтик тафаккур миқёслари кенгайиб, салмоқли бадиий умумлашмалар кашф қилинмоқда.

## ХОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИНИНГ ЖАНР ВА УСЛУБ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мустақиллик даврида яратилган ҳикояларни ўрганар эканмиз, ўзбек ҳикоянавислиги алоҳида шахслар оламини, уларнинг ўзига хос туйгуларини акс эттириш борасида қатор ютуғларни қўлга киритганлигига амин бўламиз. Тўгри, ҳар бир одамнинг ўзи алоҳида шахс. Айни чогда, у ўзигагина хос оламга, интеллектуал – руҳий ҳолатта эга. Шу жиҳати юксалган сайин инсон ўзига хос хислатларини, ўз индивидуаллигини янада теранроқ, ёрқинроқ акс эттиради. Ўзбек ёзувчилари ана шу ҳаёт ҳақиқатини ўз руҳиятини тафтиш этиб, ўзлигини англашга интиладиган қаҳрамонлар яратиш орқали бадиий ҳақиқатта айлантиришга эришаётганликларини Эркин Аъзам, Хайриддин Султонов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Нурилло

Отахонов, Олим Отахонов, Саломат Бафо, Зулфия Қуролбой қизи яраттаң ҳикоялар орқали кузатиш мумкин.

Инсонни кутилмаган ҳолатларга тушиб қолиши ва аввал сира кечирмаган кечинималарни ҳис қилиш каби мураккаб вазиятларни тасвирилаш Э.Аъзамнинг «Бизнинг тога» ва «Таъзия» ҳикояларига ҳам хос. Ҳикояда болалигидан иззатталаб бўлиб ўсган, ҳаммани ўзи билан ҳисоблашишга мажбур қилишга уринадиган тога образи бирда меҳр, бирда нимкулгу билан тасвириланган. Унинг асл мақсади номаълум ва тушунарсиз, уни тўла-тўқис англаш гоят мушкул. Тоганинг ўзига яраша феъли, мол-ҳоли, яшаш тарзи мавжуд. Шундай бўлса-да, жияни Амир билан бир умр келиша олмайди, унинг аламини ошириш, қолаверса, жиянидан бир погона «юқори» эканини англатиб кўйиш мақсадида қасдма-қасдига күшкли иморат тиклашга уринади.

Кези келганда бор кибр - ҳавосини, жиянига «ракаблик» туйгусини унутиб, «жигарчилик» йўлини тутади. Амирнинг саройига ўт тушганида ўглига атаб қураёттан иморатини ҳам чала қолдириб, жиянининг вайрон бўлган жойини тиклашга киришади, унга ич-ичидан ачиниб меҳрибонлик кўрсатади. Бундай уринларда, ёзувчи ўзбек ҳалқига хос одамийлик, саховат, бағрикенглик каби улуғ фазилатларни маънавий қадрият тарзида миллат онпига, руҳиятига сингиб кетганлигини ҳаққоний гавдалантирган. Воқеа – ҳодисалар силсиласида тога яна шуни англаш етадики, одам қадрини бошқа одамнинг англаши гоят қийин экан, ўз қадрингни ўзгаларга мажбуранг англашиб эса ундан мушкул. Одамлар ҳамиша бир-бирларига суюниб яшайдилар, ўзлари билиб – билмаган ҳолда бир – бирларидан мадад, меҳр – оқибат кутадилар. Фақат бошларига фожеа гушган кезлардагина бу ҳаёт ҳақиқати олдида бош эгадилар, ўзгалар меҳрига зориқишини ҳис қиласидар. Асардаги тога ва жиян муносабатлари айни шу ҳақиқатни ифода қиласиди. Муҳими, ёзувчи ўз қаҳрамонларини «гоя ташувчи» воситага айлантирган, ўзига хос хислатлари фазилат-у нуқсонлари билан ҳаққоний ва табиий

гавдалантиришга эришган. Тоганинг ҳар бир хатти-ҳаракати ўз қиёфаси мантигига мос, табиатидан келиб чиқади. У барчани ва барча ҳодисаларни ўз кўзи билан кўриб, ўзига хос муноҳада қилади.

Ҳодисаларга, одамларга ҳам бошқалар каби эмас, ўзига хос муносабат билдиради. Айнан шу бетакрор жиҳати билан у китобхон қалбидан жой олади. Ёзувчи ўз қаҳрамони орқали атрофдаги одамларни ўзимизга маъқул келиши ё келмаслигига қараб эмас, балки борича, қандай яратилган бўлса шундайлигича, зиддиятли ва мураккаб инсон сифатида қабул қилиш зарурлигини, муҳими, инсонни англаш эканини таъкидлайди. Зотан, бу хусусият миллий мустақиллик даври ўзбек ҳикоячилиги тараққиётини таъминловчи муҳим хусусиятдир. Шуниси ҳам борки, инсонни тушунишга даъват этиш инсонни англаш фалсафасини талаб қилади. Инсонни тасвирлаш орқали эса ана шу ҳаёт фалсафаси яратилади. Зотан, адабий жанр тараққиётининг янги даврида ҳодисаларга ва инсон шахсига ёндошлии тамойилларининг ўзгариб, такомиллашиб бориши табиий ва зарурий жараён ҳисобланади. Аммо, бадиий ижодкинг азалий қонунлари барча даврлар учун ўзгармасдир: ёзувчи воқеанавис эмас, инсоншунос сифатида иш кўриб, инсон қалби ҳақида айтилмаган ҳақиқатларни бадиий кашф этсагина, у яратган асар эстетик қиммат касб этади.

«Таъзия» ҳикоясида ёзувчи Эркин Аъзам давр тазииклари остида ичи бошқа-ю, сурати бошқа, қўрқоқ одамга айланиб қолган инсон фожеасини бутун даҳшати билан тасвирлашга эришган. «Таъзия»<sup>1</sup> ҳикоясида одам ва у тушунган гоя, замона ва унинг йўригига юриш мashaққатлари акс эттирилган.

Ўзини ҳаммадан кўра даҳрийроқ кўрсатишга интиладиган Салим қарорнинг, аслида, художўй ва тақвадорлиги, сирли ҳаёти, номуносиб ўлими каби ҳолатлар асарда ота-бола суҳбатдошлар ҳамда овул кишилари муносабати асносида кўрсатилади. Шуниси борки, гарчи

<sup>1</sup> Аъзам Э. Таъзия.

Салим қарор ҳикоячининг хотираси орқали ўқувчиларга юзма-юз келтирилса-да унга хос жиҳатлар бир мунча таъсирли тасвиrlанган.

Ҳикояда эътиқодини яшириб юришга мажбур бўлган, ичи ва таши бошқа бўлган қурқоқ одам фожеаси анча маҳорат билан чизилган. Мустақиллик йиларида яратилган ҳикоялар орасида Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Жимжитхонага йўл» асари ҳам эътиборга сазовар. Бу асар ўзбек ҳикоячилигида назира сифатида битилган биринчи асардир. Ҳикоя орқали инсон туйгуларига хос жилваларни нозик илгайдиган моҳир ёзувчининг қалб ҳаракатлари сезилиб туради.

«Нускакашнинг меросхўри» ҳикоясида ҳаёти фожеали бурилиш палласини кечираёттан шахснинг мураккаб, таҳликали ҳолати маҳорат билан акс эттирилган. Бадий ижод – бу нусха кўчириш ҳам, яшаш воситаси ҳам эмас, балки юрақдаги дардни ифодалаш эканлиги асардаги мураккаб тақдирли қаҳрамонлар мисолида кўрсатилган.

Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ўз ҳикоялари орқали хилма-хил эпик тафаккур намуналарини яратишга эришаётган истеъододли ижодкорлардан биридир. Унинг «Жажман» номли ҳикоя ва қиссалар тупламига кирган Маҳзунасидаги ўзбек аёли образи миллий қиёфаси фикрлаш тарзи хусусиятлари билан том маънодаги покизалик рамзи оёқ ости қилинаётган, юз ўтирилаётган табиийлик, ҳалоллик, поклик, аёл шаъни, қадру қиммати ҳақида ўйлашга ундаиди.

Эрининг «коллективи» билан зиёфатда учрашган Маҳзуна замонавий аёлларнинг беҳаёларча ўйин тушиши-ю, кап-катта эркакларнинг ёшига номуносиб енгилтакликларини кўриб ҳушидан айрилаёди. Бури Собитовичнинг безбетларча тикилиши, аёлларга ялпоқланиб, такаллуф курсатиши, аёлу эркакларнинг маст-аласт гап сўзлари Маҳзунанинг кўз олдини қоронгулаштиради. «Бу орада у пальтони кийиб улгурди. Маҳзуна чап елкасида қўланса исни тўйди, пальтони кийиб улгурмай, икки кафт икки елкасидан қисиб ушлаганини, бояги қўланса ис пуркаётган оғиз ёногига теккудек

яқынлашиб, «құнғироқлашамиз» деганини әшиитди... Маҳзұна орқасида үлім шарпаси гоядек турғанини, у совуқ бармоқлари билан ҳадемай бұға бошлашини олдиндан билғандай ва тақдирға тан берғандай илкис бұшашиб - құл-оёғидан мадор кетди, бошидан хуши учди»<sup>1</sup>.

Хүш, нима сабабдан Маҳзұна бундай руҳий изтиробни бошдан кечириди? Бошқа аёллар каби бефарқ, лоқайд ҳолда атрофдагиларға сиртдан хұшмуомалалық, такаллуғ күрсатыб, индамай кетаверса бұлмасмиди? Еки зиёфатдагиларнинг үзларини тутишлари ҳали «еш, ҳаёт күрмаган» аёлга ботмадими? Балки Бұри Собитович ёки унинг рафиқаси айттанидай, бундай үтиришларға тез-тез келиб турса, күникиб кетар? Улар каби безбетлашиб, беңдең лұттибозларнинг, андишасиз лаганбардорларнинг бирига айланар? Балки шу маңнода ёши улуг бұлса-да, суюқ онғли раҳбар унга «телефонлашамиз» деган таклифни шипшигандыр? «Үшандагина Маҳзұнанинг миясида яшин чақнагандек бұлды, индамай – нетмай ҳириң-ҳириңглаб қулини унга тутаёттан аёллардан нафратланды, үзини Мақсұджон акасининг панағига олди»... «...шариллаб оқаёттан сув остига бошини, юзини, елкасини, чап ёногини туттунға қадар чидади... ичидан қаттық үқчиқ келди, йұталдин ва чироқ нурида симобдек йилтираб тушаёттан сувға, оппоқ ваннага, оппоқ деворға... оппоқ баданига қараңдан уялиб кафтларини юзига босғанча үксисб-үксис, хұнграб юборди... «Келишгәнмиш!.. Түркінг құрсын, совуқ!.. Суюқ!.. үлганим яхшимасми! Э!..»<sup>2</sup>.

Йұқ, Маҳзұна сингари аёллар ҳаёп пардасидан нарига чиқмайды, улса ҳам үз шағынини, аёллик ор-номусини булғамайды. Агар аксинча ҳолат юз берса-чи? Барча аёллар эркакларға тақлид қилиб кийинса, зиёфатларда хушига келганича чүқиштириб ичса, истаган эркак билан ҳеч бир тортиммай, сескәнмай рақс тушса, бегона эркакка

<sup>1</sup> Ҳуршид Даустмұхаммад. Маҳзұна // "Жажман" ҳикоя ва қыссалар тұплами. -Тошкент, 291-бет.

<sup>2</sup> Үлда асар. 202-бет.

елка тутса, қул чузса ва булаңни «замонавийлик» пардасига ўраб, лоқайд әрга беписанд Хотин бўлиб яшайверса?! Ёзувчи китобхонни хушёр тортирувчи саволларни Маҳзунанинг изтиробли хўнграб йиглашлари тарзида кўндаланг қўйди, унинг аламли ҳаёллари орқали ифода этади. Огоҳ бўл, инсон! ўзлигингни унугта, диёнатдан, поклиқдан юз ўтирма, бу мўътабар тушунчаларни хатлаб ўтма!

Эзгуликни маҳв этишга уринган маҳлуқ – Жажман ҳақидаги ҳикоясида эса ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад узоқ ўтмиш ва бугунги кунни боғловчи нуқталарда туриб тасвир яратганга ўхшайди. Зардўшт бобо билан унинг атрофидаги оламон, текинхўр бало Жажман гўё биз яшайдиган давр иллатларининг, эзгулик ва ёвузликнинг рамзий тимсоллари. ўз кунини ўзи бозор расталарида Жажман пайдо бўлиши билан ўтирик, ваҳима, дод-фарёд юз беради. Кекса Зардўшт бобо юз бераётган ҳодисаларни кузатар, худоларга илтижо қилиб огоҳлик тилар, Жажманнинг хийлалари эса кундан-кун ортар эди.

Ёзувчи рамзлаштириш санъатидан фойдаланиб, ҳалолликка аралашган ҳаромдан қутилиш, унинг оқибатларини даф қилиш нечоглик мушкул эканини рўй-рост тасвиrlайди. Жажманни тутиш ва ўлдиришга чоғланган оламоннинг ҳолати, маҳлуқнинг ўдабуронлиги, Зардўшт бобонинг андуҳли ўй-кечинмалари ҳикояда ниҳоятда таъсирчан манзаралар орқали тасвиrlанган. Минг мashaққат билан бутун бир оламон битта маҳлуқни аранг ўлдири! Аммо оламоннинг ўшишган, йиглашган ҳолдаги севинчи узоққа чўзилмади. «Шу кўзлар, шу нигоҳлар ўнгидага тўзон босилди, босилди ва деворнинг тепасида уранинг оғзиdek қора туйнук кўринди... қандай ҳодиса юз бераёттанига фаҳми етмаган оламон ҳанг-манг бўлганича қотиб турад, бирон зот қилт этишга журъат тополмасди ўзида... Ана шунда қора туйнукдан бир жуфт баҳайбат ҳовуч кўринди... ҳовучлар ичкарига суқилиб кирди-ю, улардан ҳозиргина

базўр, минг бир азобда ўлдирилган Жажманга икки томчи сувдек ухшаш бошқа бир Жажман сакраб ерга тушди»<sup>1</sup>.

Хәётимизга аралашиб, сездириб, сездирмай кириб келаётган Жажманлар – текинхўрлик, бало, офат, харомхўрлик тимсолидир. Улар жуда тезлик билан одамларни ўз домига илнитириб, ўзи каби текинхўр ва харомхўрга айлантириб қуяди. Энг даҳшатлиси, одамлар орасидан уларни қувиб солиш ёки маҳв этиш гоят мушкул. Бу ёвуэлик зурриётлари асрлар, даврлар оша эзгулик фарзандлари билан курашиб, улар орасига ваҳима, ишончсизлик каби турли хил нифоқлар солиб келмоқда. Бутунги кунда эса улар одамларни ҳалол ва харомни ажрата олмайдиган қилиб қўйишгандай. Зардўшт бобо каби «Ҳар дақиқада: Огоҳ бўл, инсон! – дея бонг уриши даркор, чунки бир муддат огоҳликни унугтсан, ўнглаб Жажманлар бизни ҳақ йўлидан адаштириши мумкин!

Демак, шахсликнинг моҳиятини янгича услугуб ва талқинда бериш тенденцияси бутунги насримиз, хусусан, ўзбек ҳикояларида бор буй-бости билан намоён бўлмоқда. Бутунги кун ҳикоялари қаҳрамони ўз-ўзини тафтиш этиб, ўз борлиқини ранг-баранг жиҳатлардан намоён қилмоқда. (Д.Саидованинг «Кунларнинг бирида» ҳикояси қаҳрамони Мунира) ҳаётнинг ўта чигал жумбокларига ўзгача муносабат билдириш, илоҳий-фалсафий ҳақиқатларга қайтиш, «муҳаббатсиз», «тутқун» турмушга куникиш, ўз манфаатларидан юксакроқ инсоний бўрч ҳамда маъсулият олдида, азиз ришталар қаршисида, бинобарин, тақдирга бош этиш, ҳаёт ҳамиша чигалликлар, зиддиятлар, кам-кўстлари», кемтиклари билан ҳаёт эканини тан олиш – ҳикояларда янгича ечимнинг юзага келиши инсонга янгича ёндашув натижаси эканини англаймиз.

Мустақиллик даври ҳикояларини ўрганар эканимиз, Ф.Кафка, А.Камю сингари XX аср жаҳон адабиётининг буюк ёзувчилари ижодидан татьсирланиш, айрим ҳолларда уларга тақлид натижасида

<sup>1</sup> Уша асар. 275-бет.

узбек насида янгича услубдаги ҳикоялар дунёга келаётганилигини кузатамиз. Хусусан, Назар Эшонқулнинг «Муолажа» ҳикояси Кафканинг «Жазо калонияси»ни эсга солади; «Бевақт чалинган бонг», «Истило», «Тобут» ҳикоялари эса ифода тарзи ва талқини жиҳатидан узбек насида янги ҳодиса бўлди. Миллий адабиётдаги бу каби жиҳдий ҳодисаларнинг сабаблари-ю илдизларини қаердан изламоқ керак? – деган саволга адабиётшунос ва мунаққид У.Норматов қўйидаги жавобни берганларида тамомила хақ әдилар: “Миллий адабиётдаги ҳар бир жиҳдий ҳодисанинг сабабини ташки омиллардан эмас, аввало шу милий заминнинг ўзидан, реал воқелиқдан, замона эҳтиёжларидан изламоқ даркор. Абсурд адабиётининг бир муҳим хусусияти шундаки, унда ақл-идрок этиш, тафтиш қилиш устувор, шунинг учун ҳам унда фожиавийлик кучли. Инсон зоти ўзининг ҳақиқий аҳволини англаб етмаса, унинг учун ҳеч қанақа фожиа йўқ. Инсон ўз меҳнатининг маънисиз экани, аҳвол-ҳолати ва ҳаёти абсурдан иборат эканиниянглаб еттан дақиқалардан унинг учун фожиа бошланади. 80-йиллар охири, 90-йилларнинг бошларидағи вазият бизда абсурд адабиётининг абсурд инсон образининг тутилиши учун замин тайёрлади. Етмиш йиллик ваъда, орзу-умидларнинг пучта чиқиши, жаҳонда энг адолатли, баҳтли боқий тузум деб жар солинган тузумнинг истиқболсиз, энг илгор, бирдан-бир тўгри қарашиб саналган марқсча-ленинча таълимотнинг яроқсиз бўлиб чиқиши кўпларни саросимага солиб қўйди. Бу ҳол ҳаётни, бор заковатини шу маънисиз таълимотта, йўлга тиккан, адашган, эндилиқда ақлини таниб мудроқ вужуди уйгонган одамлар учун мислсиз фожиа бўлди. Тўтри, аввалиари, чунончи тургунлик йилларида ҳам совет даври ҳаётининг салбий жиҳатларини, адолатсизлик ва шавқатсизликларини кўрсатувчи, фош этувчи асарлар яратилган эди. Бироқ бутун бошли ижтимоий тузумнинг, шу тузум учун ҳаётини тиккан шахс фаолиятининг бемаънилигини изчил тарзда таг-туғи билан очиб берувчи асарларнинг пайдо бўлиши учун

мана энди шароит етилди. Ҳатто ижодий йұналиши мөхияғ-эътибори билан ҳаётбахш, тасдиқловчи руҳда бұлған ёзувчи, шоирлар бисотида ҳам абсурдни эслатувчи асарлар курина бошлади. А.Ориповнинг “Фожиа”, Э.Воҳидовнинг “Ватан умиди” шеърлари шулар жумласидан. Мурод Мұхаммад Дўстнинг “Лолазор”, Ү.Хошимовнинг “Тушда кечган умрлар”, Ш.Холмирзаевнинг “Олабужи”, О.Мухторянинг “Минг бир қиёфа” ромаларида персонажлар умри фаолиятининг, улар амал қылған ақидаларнинг, яшаган мұхиттің бемағынилигига алоҳида ургу берилған. Бу тамойиллар айниқса Назар Эшонқұл ижодида яққол намоён бұлмоқда<sup>1</sup>. Олимнинг үзбек насирида абсурд тамойили мавжудліги ҳақидағи фикрларини мунозарали деб ҳисоблаган ҳолда бутунғи насрдаги янгича услугбий изланишларни реализм бағридаги янги услугбий йұналиш сифатида баҳолаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Дарҳақиқат, ходисаларга салбий муносабат, инкор руҳи кучли, ҳодисанинг дағшатлы манзарасини кескин, қабарық тарзда чизиб бериш, ходиса мөхиятини бор зиддиятлари билан китобхонға хис құлдираш айнаң ана шундай услугдеги асарларда етакчilik қиласы. Бундай асарларға хос хусусиятларни, фазилатларни тиңға олиш билан бирға улардаги тасвирий бүёклар, үзгармас оғанғ, айрим ҳолларда сержило, ранг-баранг ҳаёт ҳақиқати ва алоҳида инсон дүнёсіні тұла-тұқис гавдалантириб беролмагандай таассурот түғдиради. Шундай бұлса-да, шахс табиатининг айрим жиҳатларинигина қаламға олувчи асарлар билан бир қаторда инсон руҳияти, борлықига хос умумий хусусиятлардан алоҳида чизгиларға үтүвчи тасвир услугбини намоён құлувчи йұналиш инсон руҳиятининг ҳеч бир қолип-у андозаларға түшмайдиган, чегара билмас турфа ҳолатларини бадий кашф этишга уриниш сингари ижодий интилишлар ҳар жиҳатдан құллаб-құвватланишга ва илмий тадқиқу таҳдилға сазовор, деган хulosага

<sup>1</sup> У.Норматов. Умидбахш тамойиллар. Т.: Маңғавият, 2000. – 6-7-бетлар.

олиб келади. Зеро, санъат ва адабиёт равнақини белгиловчи асосий эстетик тамойиллардан бири – ҳаёт ҳодисалари ва инсон шахсини янги томонлардан, ранг-баранг жиҳатлардан кашф этиш ҳисобланади. Ижодкор маҳорати эса ҳаёт ва инсон ҳақида яраттан янги бадиий концепция тимсолида, уни ифодалац тарзида намоён бўлади. Мустақиллик йилларида ҳаётта, инсон шахсига муносабатнинг ўзгарганлиги сабаб анъанавий реализмга мансуб асарлар ифода тарзида, шаклида ҳам қатор янгиликлар, хусусан, модернизм аломатлари кўзга ташланмоқда. Шукур Холмирзаев, Мурод Муҳаммад Дўст, Тогай Мурод яраттан ҳикоя ва қиссалар орқали айни шу хусусиятни кўрамиз. Улар қаторида ёзувчи Назар Эшонқул ижоди шу услубдаги изланишлар ҳамда уларнинг натижаларини, бу йуналиш истиқболларини ўрганишда бой манба бўлиб хизмат қиласди.

Яхши биламизки, сўз санъати ривожида яратилган асарларнинг сони эмас, сифати ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу матьнода бутунги насримизнинг ички ривожида ҳам ҳаёт, инсон ва унинг қалби ҳақидаги ҳақиқатни қашф этиш, янги тасвирий ифодаларни ихтиро қилиш бобида ҳам қатор янги аломатларни кузатиш мумкин. Адабиётдаги ушбу янгилик ва ҳодисалар ёзувчи Назар Эшонқул ҳикояларида ўзгача маъно-мазмун қашф эттан ҳолда намоён бўлаёттанини адабиётшунос олимлар, адабий жамоатчилик ва мунаққидлар аллақачон сезишган.

Професорлар У.Норматов, Н.Худойберганов, К.Йўлдошев, мунаққидлар А.Расулов, Р.Қўчқоров, А.Улуғов, М.Мансур, Б.Ахмедов; ижодкорлардан Хуршид Дўстмуҳаммад ёзувчи яраттан ҳикояларни тадқиқ этувчи мақолалар, илмий тадқиқотлар яраттанилар. «Жаҳон адабиёти» журнали саҳифаларида мазкур муаммо теварагида жиддий баҳс-мунозаралар ҳам бўлиб ўтди. Шундай бўлсада, ижодкорнинг «Шамолни тутиб бўлмайди», «Маймун етаклаган одам», «Ҳаёт тузоги», «Тобут», «Тўзон», Огрик лаззати» каби ҳикояларини ҳар

жиҳатдан илмий-эстетик таҳлил ва тадқиқ қилиш, улар орқали ўзбек ҳикоячилигида гарб модерн адабиётига хос хусусиятларнинг шаклланиши ва ўзига муносиб ўрин эгаллаш жараёнини ўрганиш мумкин. Ёзувчи асарларидағи қаҳрамонларга хос миллийлик, воқеаларнинг сирли тарзда воситалар орқали, баъзан саҳна ортида имо-ишоралар билан кўрсатилиши, энг асосийси, асарларадаги воқеалар «мен» тилидан ҳикоя қилиниши ва доимо ўзини-ўзи тафтишу таҳлил этиб бориши, ўз гуноҳларига иқрорлиги адабиётдаги, наинки миллий мустақиллик даври ўзбек ҳикоячилиги, балки бутунича насримиздаги янгича услубий йўналиш сифатида ўрганишга сазовордир.

Атоқди инглиз адаби Жорж Оруэлл ўзининг 1941 йилда ёзилган «Адабиёт ва тоталитаризм» мақоласида шундай фикр билдиради: «Тоталитаризм бизни бу тасаввуримиз тумандек тарқаб кетишини тан олишга мажбур этәтириб. Тоталитаризм фикр эркинлиги шунақа ҳамла қилдики, буни ҳеч қачон хаёлга келтира олмасдик. Тан олиш керакки, унинг фикрни назорат қилиши фақат таъқиқлаш мақсадлари эмас, балки нималар ҳақида ўйлаш лозимлигини уқтириб туради; шахс қабул қилиши лозим бўлган мафкура яратилади. Унинг ҳис-туйгуларини бошқаришга тиришади ва аҳлоқ намунасини белгилаб беради. Мафкура шахсни иложи борича сунъий мухитта солиш, таққослаш имконидан маҳрум этиш учун ташқи оламдан ажратиб, ураб ташлайди. Тоталитар давлат, албатта, ўз фуқароларининг фикр ва туйгуларини худди уларнинг ҳатти-ҳаракатларини назорат қилгандек назорат остига олишга уринади»<sup>1</sup>.

Адаб мақоласини давом эттириб, ўз олдига «Биз учун мұхими, ана шундай мұхитда адабиёт яшай оладими, деган муаммодир», дея ҳақли савол қўяди ва оддий қилиб «назаримда жавоб лўнда ва аниқ бўлиши лозим: йўқ! Агар тоталитаризм умумбашарий ҳодисага

<sup>1</sup> УзАС, 1996 йил, 16 август.

айланса, узлуксиз давом этса, биз билган адабиёт яшашдан тұхтайди», деган қатый қарорға келған зди.

Инсон ёки бирон жонзор жисман тутқунликка күникиши мүмкін. Бироқ унинг энг инжа түйгүлари, үзига ва фақат үзига тушунарлы үй-хаёллари, орзу-армонларини үзида мужассам эттан, уни асириқдан, дүзохий азоблардан озод, әркін ва баҳтли хис қылдира оладиган фикрдан, орзу қилиш түйгусидан маҳрум қилишса, бунга ҳам чегара ёки девор тиклашса, унда бу – инсоннинг, инсонияттнинг, таназзули. Ж.Оруэлл бунинг натижасини қүйидагича изоҳлайды: «Ахир ижод бу энг аввало түйгү, түйгүни эса абадий назорат қилиш мүмкін змас. Айни дақиқа учун күрсатмаларни тушуниш осон. Лекин қандайдыр қадр-қимматта эга бұлған адабиёт, ёзувчи ёзаёттан нарасаси ҳақонийлиги хис эттан шароитдагина мавжуд бұлади; агар бунга имкон бұлмаса ижодий инстинкт йүқолади. Тұпланған барча тажрибалар күрсатадыки, тоталитаризм үз тарафдорлардан талаб этувчи кескин әхтиросли үзгаришлар психологияк жиҳатдан амалға ошириб бўлмайдиган ишларки, аввало ана шу сабабдан, менимча, биз билган адабиёттнинг, агар дунёning ҳамма жойида тоталитаризм ўрнатиладиган бўлса, куни битади».

Дарвоқе, саробга қурилған имораттнинг қулаши, чўққида қуёш нуридан олтин мисол товланған ялтироқ шишанинг оддий шишалиги ҳаммага аён бўлгач, унга ҳеч кимнинг эътибор бермаслиги тайин. Куч ва ёлгон ваъдалар билан тикланған собиқ Иттифоқ давлати ҳам таназзулга учради. Бу давр адабиёти ҳақида ўз фикрини билдирган профессор Қ.Йұлдошев шундай дейді: «ХХ асрдаги адабиётимизда қиёфасизлик кенг ёйилди. Чунки ундан муайян шахс табиатини ҳар жиҳатдан тасвиrlаш змас, шахсни муайян ижтимоий қатламнинг вакили сифатида күрсатиш талаб этилди. Бадий адабиёт конкрет инсондаги үзига хослик, алоҳидалиқни змас, балки одамнинг қайси бир ижтимоий қатламга мансуб белгиларини экс эттириши керак зди. Шу сабабли адабиётда тип яратишга эътибор камайиб, типик

образларни тасвирилаш, оммадан ажралиб турмайдиган, оломонга сингишиб кетадиган қиёфасиз кимсани экс эттириш тажрибаси көнтейилди. XX асринг қарийб етмиш беш йили адабиётни қолишларга тиқишириш даври бўлди. Натижада адабиётда қиёфасизлик, бир хиллик авж олди»<sup>1</sup>.

Етмиш йил давомида бўгзидан бўтилиб, оёқлари кишанланган адабиёт ҳам барча қолишлардан озод бўлди. Шундан сўнг республикамида маънавий-адабий ҳаётни согломлашириш юзасидан муҳим тадбирлар амалга оширила бошланди.

80-йиллар охирларига, хусусан, истиқлол даврига келиб ахвол тубдан ўзгарди. Етмиш йиллик зугумлардан сўнг бизда ҳам фалсафий-мафкуравий, асос жиҳатдан хилма-хил йўналишга мансуб асарлар пайдо бўла бошлади. Реализм билан баробар деярли барча адабиёт тури, жанрларда диний, руҳоний-исломий талқин устувор асарлар кўпайиб бормоқда. Шахсни фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули сифатида эмас, кўпроқ илоҳий, тугма-табиий, сирли-сеҳрли мавжудот тарзида кўрсатувчи, унинг ижтимоий тарихи, шароиттузум, давлат, сиёsat, мафкурага бўйсунмайдиган гаройиб туйгу, хислатларини онг-идрокидан ташқаридағи англаб етилмаган ҳолатларини бадиий тадқиқ этувчи асарлар ҳам яратилаётir. Омонат, таги пуч гояларга алданган шахс умрининг, меҳнатининг бемаънилигини қабариқ тарзда, кўпинча рамзий-мажозий тимсоллар воситасида кескинлиги-ю фожеаси билан кўрсатувчи асарлар, қаҳрамонлар ҳам яратилмоқда.

Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор», У.Хошимовнинг «Тўщда кечган умр», Ш.Холмирзаевнинг «Олабўжи», О.Мухторнинг «Минг бир қиёфа», «Кўзгу оддидаги одам», Тогай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романларида, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Ором курси», Назар Эшонқулнинг «Маймун етаклагани одам», «Тобут»

<sup>1</sup> Йўлдошев Қ. Кўнгил мулки // Жаҳон адабиёти. – 1998. 1-сон.

ҳикояларидағи персонажлар унда яшаган мұхиттіңг бемаънилигига алоқида ургу беради.

Назар Эшонқұл ижоди билан яқындан танишиб борар экансиз, беихтиёр ёзувчи туғилиб үстен макон, у ернинг одамлари, уларнинг характерлари, үй-фиралари билан танишиб борасиз. Масалан, Назар Эшонқұлнинг «Шамолни тутиб булмайды» ҳикоясида Терсота қишлоғининг номи келтириб үтилади. Бундан ташқари адебининг «Ялпиз ҳиди» туркумидаги «Баҳор гуллари», «Хазонрез» ҳамда «Ялпиз ҳиди» ҳикояларида қишлоқнинг тоза ва бегубор табиати құчогида туғилиб, хашарга келиб яшаёттан асар қаҳрамони Самандар тилемден қишлоқ манзаралари маҳорат билан гавдалантирилады, үкүвчи беихтиёр үзини она-табиатнинг ажралмас бир бұлғы эканлигини англағ боради.

Шуни таъқидаш лозимки, адіб хали талабалик йиллардағек кичик-кичик ҳикоялар, қиссалар машқ этиб турди. Бу эса уннинг адабиёт майдонига кириб бориши ва үз үрнини топишида мұхим ақамият касб этди. Уннинг дастлабки асари «Уруш одамлары» қиссаси ҳисобланиб, у 1986 йилда, яъни Н.Эшонқұлов энди 23 баҳорни қарши олган чоғида «Ёшлик» журналида эълон килинганды. Албатта, мазкур қисса ёзувчининг кейинги асарлари даражасида бұлмаса-да, ёш истеъодднинг адабиёт майдонига янада пухта, мукаммал бир қатор ҳикоя ва қиссалари дунё юзини күра бошлады. Эътиборлisisи, ёзувчининг 1989 йили «Ўзбекстон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинганды дастлабки ҳикояси «Маймун етаклаган одам»нинг чоп этилиши ўзбек насрода унтуилмас воқеа бўлди. ҳикоянинг аввалги даврлар ўзбек ҳикоячилигидан бутунлай фарқ қиласидан ўзгача оҳанг, тарсоват касб эттанилиги, шакл-мазмунининг янгилиги, асар сюжети ва образларнинг янгича талқин ва руҳда намоён бўлганлиги барчани бирдек ҳаяжонга солди. Бу ўзбек адабиётида янги булоқ кўз очганидан дарак берди. Мазкур ҳикоя тўтрасида адабиётшунос, танқидчи У.Норматов қуйидагича фикр билдирган эди:

«80-йилларнинг охирларида адабиётимизда «Маймун етаклаган одам» ҳикояси пайдо булиди. Унда асрга тенгдош, умри асрнинг алгов-далговлари, бемаъни мақсадлар йўлида ўтган, адашган одамнинг фожеавий қисмати бетакрор тарзда ифода этилган эди.

Бу ҳикоя замондош-асрдош образини яратиш йўлидаги етмиш йиллик тажрибаларнинг муайян интихоси айни замонда янги босқичнинг бошланиши бўлди»<sup>1</sup>.

Назар Эшонқул ҳикояларини ўқиган ўқувчи асар қаҳрамонларини шунчаки йўлдан озган, «аҳлоқ нормаларидан чекинган» ёки «улуг мақсадлар йўлида» катта тўсиқларга дуч келган одамлар деб бўлмаслигини англаб етади. Ёзувчининг илк ҳикояси «Маймун етаклаган одам» қаҳрамонини оладиган бўлсақ, у ўз умрини, ҳаётининг бор зakovatини асримизнинг «улуг ишлари»га тиккан, бу борада ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам аямаган, қолаверса жамият ҳам уни меҳнатига яраша сийлаган, нафақага чиққунга қадар турли лавозимларда ишлаган. Уни фақат илоҳий қисмат жазолаган. Хотини ўлиб, фарзандлари нобоп бўлиб чиқсан, қариганда танҳо, қаровсиз, аянчли ҳолга тушиб колган. У иш, принцип деб қариндош-уругидан жудо бўлган, унда дўсту биродарлар ҳам йўқ. Энг ёмони, унинг қалбида қариган чогида бу фоний дунёдан боқий дунёга риҳлат қилиш яқинлашган дамларда руҳан диллашадиган, кўнглига таскин берадиган илоҳий эътиқод йўқ. Бу одам умр бўйи таянган мафкура уни мана шу илоҳий неъматдан, кўнгил хазинасидан маҳрум эттан. Бу асарда қанчадан-қанча одамлар шу тақлит алдовларга учиб, иймон-эътиқодсиз бу дунёдан утиб кетди, деган хулоса келиб чиқади. Ҳикоя қаҳрамони ҳаётини тиккан тузум, жамият, мафкура шитоб билан емирилиб бормоқда. Унга қўшилиб уша кимса бисоти ҳам емирилиб бормоқда. Дунёни ларзага солган инқилобий ўзгаришлар, одамларни чалгиттан, ҳалокат чохига торптган қудратли тузум ва мафкура ўткинчи, куни биттанча ўз-ўзидан тўкилиб, ном-нишонсиз

<sup>1</sup> Норматов У. Бутунги насримиз тамойиллари // Жаҳон адабиёти. – 1997.

йўқолиб кетди. Аммо инсон зотига ато этилган инсоф, виждан, ақл-заковат боқий. Ташқи ва ички тазииклар, шайтон васвасаси ҳар канча йулдан оздирмасин, барибир эртадир-кечдир бу мўътабар хислатлар инсон танида яна қайта тирилади. Уни ўзлигига қайтаради. Гарчи кечикиб бўлса-да, у ўзининг маънисиз ўтган йўлини мардона, шавқатсизларча тафтиш этиб, сўнгги чизган сурати орқали авлодлар учун сабоқ тарзида муҳрлаб қолдиришга эришади.

Ҳикояда муаллиф ёш йигит тилидан сўзлар экан, асар ҳаҳрамонини ёлгонга қурилган мафкура тузогига илингани, авлоднинг гўёки чўлда чанқаган йўловчининг қулогига тепалик ортидан дарёнинг мавжланиши каби эшитилган сасдан маст ҳолда бор ҳолича шу томонга интилган, бироқ тепаликка чиқиб, шовқининг чўлда унган ўт-ўланларни ҳам супуриб ўтаёттан шамоллигини - тёзгач, ҳаётдан, яшащдан хафсаласи пир бўлган, бор умиди сўнган инсон ҳолатини ўзига хос тарзда ифодалай олган. Асар «Бу воқеа уч йиллар олдин бўлган эди»<sup>8</sup> дея сирли тарзда бошланган бўлиб, у халқимизнинг оғзаки ижод намуналари - эртак, афсона ҳикоя қилинаётгандек бир тарзда бошланади.

«Шу кўчадаги уйни ижарага олиб, кўчиб келганимда, чолнинг шарти кетиб, парти қолганди. У кўчанинг муюлишида, мен эгаллаган уйга қўшини ҳовлида яшарди. Уни биринчи марта уйнинг олдидағи эски ўриндиқда чуқур ўйга толган ҳолда кўрган эдим. У қобоқлари солиқ, соқоли қирилмаган, бир пайтлар семиз бўлган, ажинлар тарам-тарам қилиб ташлаган, кўримсиз юзи баджахл маъбудларнинг хайкалига ўхшаб кетар, унга қараган одамнинг юраги нохуш бир хисдан орқага тортар эди. Кўзлари хиссиз ва ифодасиз. Эгнида 50-йилларнинг андозасида тикилган анча салобатли китељ, бақбакаси осилиб турган ҳолда ўйчан ўтиради. Машинадан китобларни катта этақда ташиб киритаётганимда - гўё атрофдаги оламдан энди ҳеч қандай илтифот кутмай қўйгандек, ҳеч нарсанинг қизиги

<sup>8</sup> Эшонкулов Н. Маймун етакларат одам // УзАС газетаси, 1989.

қолмагандек, менга эътиборсиз бир кўз ташлади-да, сўнг яна ўша ҳолатда ерга қараб ўтираверди.

Бу – асар туруни. Ёзувчининг ҳикояни баён қилишдаги мазкур усули ўқувчи нигоҳини асарга янада мустаҳкамроқ михлайди ва уни давомини билишта, асарда таъкидланган чолнинг бу ҳолатда ўтириши, уни ҳаётдан безиш, инсонларга ишончсизлигининг сабабини англашта қизиқиш уйготади. Зоро, бу холат инсон таназзулидангина дарак беради.

Асар воқеалари ривожида йигитнинг чол устахонасига кириши ва у ердаги манзара, албаттa, ҳар кимни хаёл уммонига гарқ қилиши билан аҳамиятлидир.

«Бу ерда ҳар хил кераксиз ашқол-дашқоллар – сунъий гуллар, туваклар, турфа рангдаги ёғочлар, китоблар, олов қўтариб бораёттан йигитнинг йиртиқ сурати, синиб ёттан арzon ганч хайкал, тошдан ясалган турли қуроллар, турлар, занжирлар қалалиб ётар ва бу ердан ҳам шилта хиди келар, айвондан кўра алланечук бесаришта газноққа ўхшаб кетар эди».

Аввало шуни таъкидлаб ўтмоқ жоизки, буюк ҳикоянавис А.П.Чехов айттанидек, «Адабиётда ҳеч бир нарса бекорга ёзилмайди. Агар биринчи кўринишида милтиқ бўлса, шу милтиқ учинчи ёки тўртинчи кўринишида албаттa, отилиши керак, йўқса милтиқ тўгрисида сўзлашнинг хожати йўқ». Эътибор берган бўлсангиз, ёзувчи Н.Эшонқул ҳикоясида ҳам юқорида келтирилган тасвир, сюжет бекорга келтириб ўтилмаган. Назаримда, адид бу деталлар орқали биринчидан йўқлик, зулмат сари юз бураёттан хонадон соҳибининг таназзулини кўрсатаётган бўлса, сунъий гуллар, олов қўтариб бораёттан йигитнинг йиртиқ сурати, синиб ёттан арzon ганч хайкал, тошдан ясалган турли қуроллар, тўрлар, қалалиб ёттан занжирлар мажозий маънода ишлатилган бўлиб, ўша замон мафкурасини олов қўтариб бораётган йигитнинг йиртиқ сурати орқали, синиб ёттан арzon ганч хайкал ва қалалиб ёттан занжирни

эса давр доҳийси ва у қулларга солган занжирнинг қалашиб, шилта ҳидига бурканганилигидан дарак беради. Асар муаллифининг ҳикоянинг яна бир жозиба кашф этишида ўқувчига етказмокчи бўлган фикрни лўнда, имо-ишоралар билан ўхшатиш ва ташбеҳлар орқали тасвирлашга уринганилиги қўйидаги матнда ҳам ўзгача мазмун кашф этган.

«Айвон узун булиб, суратлар чизилган йилларга қараб кўргазмага қўйилгандек териб қўйилган, тўгрироги, бор-йўти 40 га яқин сурат ва эскизлар «1957», «1947», «1937», «1928», «1926» ва ҳаказо тартибда териб қўйилган эди. Суратларни оралаб борар эканман, қандайдир зиналардан чолнинг умр тилсимоти яширинган қўргон томон кўтарилиб бораёттандек хис этдим ўзимни. Охириги, айвоннинг бурчагига осиб қўйилган суратнинг тагига «1921» санаси ёзib қўйилган эди: чол шу йилдан бошлаб расм чиза бошлаганан булса-да, ранглар эркин ва тиниқ эди. Йигитнинг кўзлари тийрак ва ишонч билан порлаб турар, маймуннинг бўйнига солинган кишан тараанг тортилган эди. Расмда чол нима демоқчи бўлганини тущунмасам-да, лекин йигитнинг юзидағи ишончдан хайратта ту shedim; қизгиш ва жавдари бўёқ йигитнинг кўнглидаги хиссиётни тўла акс эттира олган эди. Кейинги суратларда чолнинг қўли анча келишиб, буёқлар тиниқ, ўз ўрнини топган, табиат манзаралари тобора гўзаллашиб бораради. Ранглар ҳам турфа хил эди. Бироқ бир лаҳзада осмону фалакни қоплаган кузги қаргалар каби суратларга қандайдир мавҳумлик ёпирилиб кираёттан эди, бу мавҳумлик суратма-сурат ортиб бориши мени ҳайратта соди.

Мавҳумлик тасвирида ҳам, буёқда ҳам сезиларди. Мен ҳар бир манзарада бошқа ранглар ўрнини қора ранглар олаётганини гувоҳи бўлдим. Ўттизинчи йилларда чизилган суратлар эса яна ҳам мавҳумроқ эди, энди бу йиллардаги суратларни пала-партиш чизган

булса керак, деб ўйлагандим, чунки чолнинг мастьул хизмат даври мана шу йилларга тұғри келарді».

Албатта, бу тасвир воситалари ёзувчидан юксак маҳорат талаб эттани, бу каби сүз ва фикр ўйноқлиги, унинг жозибаси орқали ўқувчи ўша, янги мағкура заминимизга кириб келиши, унинг асар қаҳрамони, каби ўша давр инсонларининг ишончи суратда тасвирланган маймунни қоронғу ўрмондан олиб чиқаёттан йигитнинг күзларида акс эттан қатый вә ишончда ифода этилган. Дарҳақиқат, даврнинг алдоқлари қанча-қанча ёшларни ўзининг совуқ бағрига олди. Бу сюжет ёзувчи Ш.Холмирзаевнинг «Қора камар» асари қаҳрамони Абдулла Набиевнинг ҳам унинг домига тушиши вә бу йүлда учраган ҳар қандай тұсқылы душман билиб, унга қарши курашиши, алaloқибат, маглубияти тасвирини ёдға солади.

Замоннинг совуқ бағри дастлабки йилларда суратдаги маймун етаклаёттан каби қанча-қанча нав-ниҳолларнинг шижиоати, уйгоқ калби тафти таъсирида ўзида бироз илиқлик, ишонч уйгота олди. Бу ёзувчининг «Кейинги суратларда чолнинг құли анча келишиб, бүёқлар тиник, ўз ўрнини топған. Табиат манзаралари тобора гүзаллашиб борарди, ранглар ҳам турфа хил эди» жумласыда ишора килинади. Токи ижодкор унинг айни дамдаги ички кечинмалари, ўй-хаёллари күтариның бұлған дақиқалардагина ҳаёттинг тиник ранглари күзге илғанади. Түшкүн кайфият, ўз-ўзидан амалға оширилаёттан ишлардан қониқмаган, омади чоцмаган, ҳаёттинг машаққат атальмаш тузогига илинган кишининг эса ижодида қора ранглар, мавҳумлик акс эта боради. Бу каби қаҳрамон ҳолатлари ҳам ёзувчи томонидан юксак маҳорат, тасвирлар билан очиб берилған. «Бироқ бир лаҳзада осмону фалакни қоплаган күзги қаргалар каби суратларда қандайдыр мавҳумлик ёпирилиб кираёттанды, бу мавҳумликни суратма-сурат ортиб бориши мени хайратта солды. Мавҳумлик тасвирда ҳам, бүёқда ҳам сезилади. Мен ҳар бир манзарадан бошқа ранглар ўрнини қора ранглар олаёттанини гувоҳи

булдим. Ўттизинчи йилларда чизилган суратлар янада ҳам мавҳумроқ эди. Энди бу йиллардаги суратларни қора ранг буткул қоплаб олганди. Чол суратлари пала-партиш чизган бўлса керак деб ўйлагандим, чунки чолнинг масъул хизмат даври мана шу йилларга тўгри келарди».

Эътибор берган бўлсангиз, ҳалқ оғзаки ижодиёти миф ва эртакларда «Қора» ранг ёвузлик, қабоҳат, қоронгулик, йўқлик салтанати деб таърифланади. Уларда учрайдиган «Қора дев», «Қора ботир» каби тимсоллар қабоҳат ва жаҳолатнинг энг тубан кўриниши мужассам бўлган образларга нисбатан ишлатилади. Н.Эшонқул ҳикоясида ҳам «қора» сўзига кўпроқ ургу берилиши ўша даврнинг зулматта чулғанган пайтларига ишора бўлса ажабмас. Зотан, 30-йиллар қатагонлари, очлик хукмрон бўлган пайтларда масъул лавозимда ишлаш бу қон томган қамчиннинг дастагидан ушлаш, ўша зулматта сирдош, рангдош бўлиш демакдир.

Ҳикояда бу давр суратлари йигит томонидан қўйидагича келтирилади: «...бу йиллардаги суратларда ҳувиллаб қолган қишлоқлар ва қўчалар, эгалари ташлаб кетган уйлар, ўзига чорлаб турган қабристонлар, ўлим иси келиб турган ҳар хил қуроллар, йиглаётган аёллар ва болалар, бийдай далани босиб кетган ўлаксахур қузгуналар, мурдалар ортилган аравалар, панжарали камералар, ёниб ётган қиплоқ, қандайдир қўрқувдан (худди «Помпея»нинг сўнгиги куни) каби) донг қотиб қолган оломон, сирли маҳлуқлар, йиртқич ҳайвонлар, юзларига ҳар хил жондорларнинг ниқобини кийиб олган одамлар (карнавал бўлса керак деб ўйлагандим), базму-жамшид қилиб ўтирган шотирлар, ароқ навлари, турли хил таомлар, ялангоч аёллар, маъсума қизлар, қовжираб қолган гулларнинг суратлари акс этган эди».

Замон ва инсон. «Маймун етаклаган одам» ни ўқиб туриб бу икки тушунча ургасида ўтиб бўлмас улкан жар пайдо бўлганлигини англаб етади киши. Асар янгича руҳда ёзилган бўлиб, ҳаётнинг

бамаънилиги яъни, абсурдан иборатлигини кўрсатиб ўтган. «Абсурд адабиёти назариячиларининг фикрича, абсурд воқелик абсурд инсонни, ва абсурд ижодкорни етиштиради, шунга кўра абсурд асари биринчи навбатда салбий хусусият касб этади»<sup>1</sup>.

Бугунги адабиётимизда тенденцияга айланган «модерн» асарлар ёки унга хос талқинлар катта қизиқиш ўйготмоқда. Бу ходисани айрим адабиётшуносларимиз гарб адабиётининг Ф. Кафка, А. Камю сингари XX аср буюк ёзувчиларининг таъсири ёки уларга тақлид деб аташмоқдалар. Бу гапда жон бор. Сўнгти йилларда ёш ижодкорлар авлоди орасида ўша адилар ижодига қизиқиш бениҳоя кучайди, «модерн» услугидаги айрим асарлар ўзбек тилига айни шу авлод вакиллари томонидан таржима ҳам килинди. Шу каби мисолларга асосланиб, бу тамойилни фақат гарб таъсирига боғлашп, уни тақлидчиликдан иборат деб қарашиб тұгры эмас. Миллий адабиётдаги ҳар бир ходисанинг сабабинги ташқи омиллардан эмас, аввало она заминнинг ўзидан, реал вокелиқдан, замона эхтиёжидан изламоқ даркор. Бу хусусда ёзувчи Н. Эшонқулнинг ўзи шундай фикр билдиради: «Адабиёт ҳеч қачон якка ҳолда тараққий эттан эмас. Жаҳон адабиёти дүнёдаги юзлаб халқларнинг адабиёти, шу жумладан бизнинг ҳам. У бизга бегона адабиёт эмас. Шунинг учун жаҳон адабиёти тушунчасига чўчиб, ҳавотирланиб қарашиб ноўрин. Анъаналар адабиётдан адабиётта ўтади. Кимда нимага эхтиёж бўлса, ўшани олади. Мен ҳам ўз эхтиёжимга яраша олганман. Кимга керак бўлса биздан олади. Мен таъсирини жуда оддий тушунаман, шу сабабли чўчимайман. «Бошқача ёзиш» агар ўзига хос ёзиш бўлса бу муқаррар ходиса. Агар у чираниш, олифтачилик булса, у хеч нарса, хатто тақлид ҳам эмас. Тақлид ҳам тақлид қилинаёттан нарсага мос бўлиши керак. Бўлмаса у карнай бўламан деб чиранган сурнайнинг холига тушади. Гап тақлид ёки таъсирида эмас: гап истеъодода.

<sup>1</sup> XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. - 65-66 бетлар.

Ёзилган асарда истеъдод сезиладими, йуқми? Агар сезилса хавотир ноўрин. У барибир таъсир доирасини ёриб чиқади»<sup>1</sup>.

Ёзувчи хақ. Зоро, адабиёт умумисонийдир. Назар Эшонқул ўз фикрини давом эттириб: «Мен ўта миллий асар Мурод Мұхаммад Дүст қаламига мансуб «Дашту далаларда» ҳикояси ҳам Фолкнернинг «Уоши» и ҳам бирдек қадрли. Буларда мени на хусусийликни, на умумийликни күраман: бу ҳикоялар истеъдод маҳсулі бұлғани учун жозибалидир. Миллийлик чегара эмас. Аксинча белоёнлик ва сұзға зуҳр этилган миллатпарварлықдир», - деб ёзған эди.

Аслида санъатнинг, жумладан адабиёттинг ҳам миллийликдан күра умумисоний хусусияти теранроқ бұлади. У ирқ, дин, тил қаби кишиларни ажратиб турувчи табиий-ижтимоий түсікілардан юксакда туради. Мамлакатлар, сиёсий тузумлар, чегараларни буткул инкор этади. ҳақиқат шуки, ҳозирги гарб қадимги Шарқдан ўрганиб улгайди. Эндилиқда Шарқнинг гарбдан таъсирланишига ҳам табиий ходиса сифатида қараш керак. Ҳаётимиздаги ижтимоий-маънавий бурилишлар туфайли үзгараёттан адабиётимизда гарб адабиёти таъсирида мавжуд анъаналар ижодий янгиланиб бормоқда. Бу үзгариш, айниқса, ходисаларни ифода қилиш тарзида аникроқ сезилмоқда. Хусусан, авваллари воқеаларни қаҳрамон тилидан баён қилишга хушламайроқ қараларди. Бундай усул құлманса, албатта қаҳрамон үзига ён босади, ходисалар холис ёритилмайди, дея тушунилади. «Хатто», «Менинг болалик йилларим...» дея бириңчи шахс тилидан «Үтмишдан эртаклар» сингари ажойиб асар яраттан Абдулла Каҳхордек улуг санъаткор ҳам «Асарнинг бириңчи шахс тилидан ёзиш ижодкорни чеклаб құяди» деб ёшларга маслаҳатлар берган эди» деб хотирлаган ёш адабиётшунос Абдулла Улугов «Аслида эса асарнинг санъат даражасини ходисаларнинг ким тарафидан ҳикоя қилиниши эмас, балки ёзувчининг бадий маҳорати

<sup>1</sup> «Миллий тикшерене» газетаси 1998 йыл, 14-май сөнни.

белгилар экан» деган хақли хуросага келган<sup>1</sup>. Назар Эшонқул асарларидағи қаҳрамонлар ҳаётда одамлараро қандай гапирса, шу тарзда сузлатылмайды. Балки кишилар қандай гапиришни истаса, күнглида қандай үйласа, шу тарзда гапиртирилади. Ёзувчи бу орқали уларнинг тасдиқ ва инкор исканжасидаги «мен»нинг таъсирчан қиёфасини гавдалантиради. Тұгрисини айтмоқ лозим, совет даврида «мен» хусусида бу тарзда чүкүр мулоҳаза юритишга, унинг қалбидаги инкору исёнларни очиб күрсатишига тұсындар мавжуд әди. Азал-азалдан тасдиқ ва инкор исканжасида ўз «мен»ини излаган қаҳрамон күрсатылған асарларгина ҳақиқий санъат намунаси санаалған. Қадим Шарқининг мұмтоз адабиётида ҳам, ҳозирги гарбнинг замонавий адабиётида ҳам шахснинг ўз феъл-авторини тафтишлар ҳаёт моҳиятини, инсон умри маъносини аңглашга әлтадиган йұл эканлити күрсатылған. Н.Эшонқулнинг «Ҳаёл тузоги», «Тобут», «Ялпиз ҳиди» туркумыдаги бир неча ҳикоялари, «Тұзон», «Лаззат ортида қолған юрак», «Огриқ лаззати», «Зулмат салтанатига саёҳат» ҳикояларидаги «Қора китоб», «Тун панжаралари» қиссаларидаги «мен», «Маймун етаклаган одам» ва «Шамолни тутиб бұлмайды» ҳикояларидаги чол ва Байна момо образлари Абдулла Қаҳхор таърифлаган «мен» эмас. Улар құлмиш-қидирмишларига иқрор бўладиган, ўзини тафтишу таҳлил қилиб, азобланадиган, тасдиқ-инкор исканжасида турган қаҳрамонлар.

Бироқ, «Қора китоб» қиссаны, шунингдек, «Ҳаёл тузоги», «Тұзон», «Лаззат ортида қолған юрак», «Зулмат салтанатига саёҳат» ҳикоялари анъянавий асарлар сингари бир киши тақдирни тафсилотлари тавсифидан иборат эмас. Улар мислив әзобда уртанаёттан бор бисотидан, ўзлигидан ажралған дүнёга құл силтаган инсон ички оламининг сұзда чизилған суратидай бўлиб кўринади. Бу сурат буюк рассомлар асарлари сингари қабариқ ва таъсирчандир. Үндан ўз

<sup>1</sup> «Шарі індишеш», 1998 йил, 6-сон.

хотираларини енголган, тақдир сўқмоқларида адашган аламзада одам сўзлаб тургандай кўринади. Бу қаҳрамонлар ўзини-ўзи инкор қилган галаёнларнинг мўъжаз умумлашмаси саналади. «Қора китоб» қиссасида ўз «мен»ини тафтиш қилаётган қаҳрамон ўзига-ўзи... «мени хеч ким ўзимдек суд қилолмайди. Жазо нима у?» деган савол қўяди ва «Шунчаки расмий маросим. Аслида энг олий жазони кўнгилнинг ўзи чиқарди», дейди.

Ҳақиқатан ҳам инсон ўз қилган айбини, хатосини қалбининг туб-тубидан англаб етса, унда инсонга суд томонидан берилган жазонинг виждан олдидаги жазодан ўн чандон, юз чандон енгил эканлигини хис этади. Бу жиҳатни очища, ҳаётнинг, замоннинг турфа ўйинлари, инсоннинг қилмишлари тұғрисида фикр юриттан мазкур асарлар катта аҳамият касб этади.

«Хароба шаҳар сурати» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил, 10 ноябрь) ҳикояси ҳам ёзувчининг маҳорати, истеъдодидан дарак беради. Паришон йигитнинг ўй-хаёллари, фикрлари, ички кечинмалари, ўзлигини anglash йўлидаги машаққатлари баён этилган мазкур ҳикоя инсоният онг-шуурининг нақадар қотиб қолганлиги, унинг ёзувчи Ч.Айтматов «Асрға татигулик кун» асари қаҳрамони Эломон мисоли манқуртга айланиб улгурмаганини ҳароба шаҳар сурати орқали бадиий тимсоллар билан очиб берган. Эътибор берадиган бўлсак, ёзувчи асардаги шаҳар номини Турсория деб атайди ва унинг вайрон бўлишдан аввалги гўзаллигини одамларга уқтиришга, уни қайтадан қуришга чақириб, қуйидагича тасвирлайди: «Турсория мени қанчалик қизиқтирса, бошқаларни шунчалик ажаблантиради. Улар тайинсиз бир рассомнинг фазли-иродаси билан вайрон этилган қандайдир Турсорияни деб ташвиш чекиб юриш сабабини тушунмасдилар ва буни шунчаки олифтагарчилик деб ўйлашар ёхуд гирт сафсатага йўйишарди. Мен уларга Турсория ҳақида, унинг яшил bogлари, зангори осмони, туман қоплаган тош кўчалари, одамзотнинг қудратини намойиш этиш учун қурилган

миноралари, шаҳардан узоқларда ҳам ҳиди уфуриб турадиган худди қизлар каби дуркун ва нафис гуллари, қирмизи тулпорлар миниб юрадиган йигитлари, хаёлдан кўйлак тикиб кийган қизлари, хилол билан бирга хилширайдиган чўглари, сахар чоғлари хўроздаридан ҳам олдин уйғотадиган азонлари ҳамда боланинг кўзлари каби тиниқ ва маъсум дарёлари ҳақида гапириб берар ва буларни Турсория бошқаларнинг ҳам эътиборини тортсан, дея кўпинча ўзим тўқирдим. Бироқ менинг бу тажрибасиз ва тарқоқ қўшиним – болаларча чўпчакларим билан одамларнинг бефаҳмлик ва лоқайдлик деворлари ўраб олган, ҳеч нарса билан забт этиб бўлмас, тошдек қотиб қолган қалб қўргонларини ҳеч қаҷон забт этолмасдим, аксинча, менинг юрагимдан сўзларга қўйилиб чопиб чиққан ҳаяжон ва умид охулари уларнинг бефарқлик кўпчиган кузларининг тойгок қояларидан сакраб ўтолмай, бир-бир қулақ тушарди. Ҳамиша гапларим уларнинг энсасини қотиради».

Бепарволик ва лоқайдлик инсон таназзули. Унинг туйгуларсиз яшashi, кимлигини ва нима учун бу дунёга келганлигини англамаслик, мисоли ҳайвондек фақат қорин гамини, ўз тинчини ўйлаши инсонийликдан йироқлашиш дегани. «Хароба шаҳар сурати» ҳикояси инсониятнинг ўша таназзулига, зулматта сингиш жараёнини кўрсаттанлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Кўп йиллар алдов одамзотни шундай кўйга солди. Уни жирканч маҳлуқдан ажратиб бўлмас ҳолда тарбия қилди. Натижада инсон «Хаёл тузоги» ҳикоясидаги каби одамкушликка ружу қўйди. Ёнида ҳар кун бир-бирини чопиш мақсадида болта олиб юрар ҳолга тушди. Бу унинг касбига айланиб борди. Ёзувчи яна бир ўринда шундай изоҳ беради:

«Уларнинг ҳаммаси менда Турсорияни билмай ўтаёттанликлари учун ҳам бутун умри гафлат ўрмонини саргашта кезиб юрган сарсон одамлардек таассурот қолдиради. Мен уларнинг кўзларида, юзларида гофил ва тушкун яшашга маҳкум этганликларини кўрарамдим. Улар тирикликнинг мангу ва абадий қароқчиларидан қоча-

қоча мана шу лоқайдлик ва танбаллик салтанатидан паноҳ толғандилар ва улар қочиб кирган бошпаналарида үzlари каби омонатлик ва харобалик уфунати анқирди».

Инсоният тарихи ўтмиш даврларидан иборат. Ўтмайдиган даврнинг ўзи йўқ. Бадий тафаккур ҳам шу. У тинимсиз ўзгаради, ўзгаргани сайнин бадий тасвир имкониятлари кенгаяди, тораяди, тинч турмайди. Шу тариқа ҳар қандай миллый-бадий тафаккур биридан кейингисига ўтувчи босқичлар эволюциясидан ташкил топа боради. Ана шу тадрижий давомийлик илгаб олинса, миллый-бадий тафаккурнинг яхлит бир жараён эканлигини тасаввур этиш осон куўади. Мазкур яхлит жараён ичидаги бадий тафаккур эволюцияси босқичларини аниқлаш учун эса қўлланилаётган бадий тасвир воситалари тадрижини ўрганишга тўғри келади. Чунки ижодкор шахс дунёни, инсонни қандай идрок этса, шунга яраша бадий тасвир воситаларида фойдаланади, янгиларини қашф этади.

Асл касби инсоншунослик бўлган адабиёт ҳамма даврларда ҳам инсонни эъзозлаган. Ўзбек реалистик насли бундан мустасно эмас, албатта. Бироқ бугунги давр адабиёти ва санъатининг бош хусусияти инсонпарварварлик туйгусининг ҳар қачонгидан чуқурроқ, кенгроқ ва юксакроқ даражаларга чиқиши билан ифодаланади. 80-йилларнинг аввалида ўзбек ҳикоячилигига худди шундай кўтарилиш кузатилди. Тасвирланаётган қаҳрамонга шахс сифатида эътибор кучайди, яъни инсоннинг шахслик аъмоли бадий тадқиқ обьектига айланади. Инсонпарварварлик, шахспарварликда намоён бўлди. Шахс феноменини тадқиқ этишга уриниш интеллектуал қаҳрамон образларининг яратилишига, шунинг баробарида бадий тасвир воситалари доирасининг кенгайишига олиб келди. Табиий, реалистик миллый бадий тафаккур бундай миқёсга дабдурустдан эришмади, албатта, балки етук шахслик мартабасининг ибтидоси бўлмиш оддий инсоният қадр-қимматни, нафсониятни англашга уринишлардан бошланди. Ёзувчи Н.Эшонқул ҳикояларида эса бу кўриниш ўзига хос

тарзда бўй-баст кўрсатиб бораётир. «Уйгониш бадияти инсонни жўн ва юзаки тушунишдан, уни бир ёқлама талқин этишдан воз кечди»<sup>1</sup>, - деб ёзади филология фанлари номзоди Хуршид Дўстмуҳаммад, - ўзбек ҳикоячилигига бу ўзига хослик насиҳатбозлиқдан қутулишда ўз ифодасини топди. Мисол учун «оқпадарлик – ёмон», ичкиликбозлик, порахўрлик – иллат» сингари «гоя»лар ҳикоялар ўз қадр-қимматини йўқотади. Ишлаб чиқариш мавзусидаги жасоратлар мадҳи ўрнини қаҳрамоннинг шахс сифатидаги камолини излаш тасвири эгаллади. Қаҳрамонларнинг ижобий ёки салбийлигини белгиловчи мезонлар ўзгарди. Қаҳрамон шахси, руҳий олами, шуури тасвирига майилликнинг кучайиши ҳикоянинг сюжет қурилишини, тасвир маромини, конфликтлар табиатини янгилади».

Бу ўзбек адабиёти янгича услубий йўналишнинг кириб келишига турткি берди. Сўнгти йилларда жаҳон модерн адабиёти ва унинг миллий адабиётларга даҳлдорлиги борасидаги мулоҳазалар тез-тез оғизга тушибоқда. Албатта, мазкур фикр бежиз эмас. Гап шундаки, биз юқорида қисман таҳлил этишга харакат қилган Н.Эшонқул ҳикояларида халқнинг теран илдизига эга бўлган, инсон тафаккурининг илк бадиий мевалари ҳисобланган мифлар, унинг тасвир воситалари, анъанавий шакл билан бир қаторда жаҳон адабиётининг модерн оқими ҳам уйғун ҳолда ўзига хос тарзда мужассам бўлди. Адаб насирида даставвал Қодирийнинг ва Чўлоннинг ижодига тақлид; Толстой ва Достоевский асарларидағи мушохада, япон Я.Кавабата, австриялик Ф.Кафка, аргентиналик Х.Кортасар, француз А.Камю, мексикалик Л.Борхес ва К.Фуэнтос тажрибаларининг таъсири сезилишини таъкидлаб, ёзувчи Х.Дўстмуҳаммад ўзининг «Уйгониш жозибаси» мақоласида бу тўгрида фикр билдиаркан қўйидагича таъриф келтиради: «Адабиёт таъсир жуғрофиясининг бу қадар кенгайиб бораётганига жуда табиий ва қонуний ҳол сифатида қарамоқ лозим. Зоро, бу, ўзбек

<sup>1</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1996 йил, 16 февраль.

бадиий тафаккурининг умумбашпарий бадиий тафаккур симфониясига қўшила олишидан, шунга маънавий ҳуқуқ борлигидан далолат беради. Борди-ю, ушбу таъсир тақлид даражасидан нарига ўтмаса ҳикояларимиздаги янгиланишларга катта умидлар bogлаш қийин эди. Ишонч билан айтиши мумкинки, уйгониш даврида яшаётган узбек ҳикоячилиги дунё бадиий тафаккурининг энг илгор тамойиллари хазинасини бойитишга ҳисса қўшмоқда»<sup>1</sup>.

Шу ўринда модернизм атамасига изоҳ бериб ўтмок жоиз. «Модернизм» (французча – modernе – энг янги, замонавий) атамасининг XX аср аввалида гарбий Европада пайдо бўла бошлаган футуризм, экспрессионизм, имажинизм, унанизм каби бадиий оқим ва гуруҳларнинг юзага келиши билан bogлашади<sup>2</sup>. «Модернизм»ни айрим адабиётшунослар аниқ топиб ишлатилган атама эмас, дейишади. Уларнинг фикрича, «модернизм»нинг лугавий маъносидан келиб чиққанда, ҳар қандай давр ўзининг «энг янги», «замонавий» бадиий оқим ва гуруҳларини пайдо қилиши мумкин. Марксча адабиётшуносликда «модернизм» «декаданс» атамаси билан бир маънода қўлланиб келинади. Аслида эса «декаданс» (французча – decadence – тушкунлик) ўтган XIX асрнинг 80-йилларида юзага келган: ўша йиллар Парижда «Декаданс» номли журнал чиқа бошлаган, «декадант» атамаси ҳам айни шу йиллари бўлиб ўтган адабий мунозараларда қўлланилган»<sup>3</sup>. Бу атамаларнинг асосий фарқи шундаки, «декадант»лар ўзларидан олдин ўтган адабий оқимлар билан bogлик ҳолда юзага келган бўлса, «модерн»чилар ўтмиш билан алоқани узиб, янги замонга мос «модерн» санъатини яратишга киришишган. Шу боисдан ҳам «модерн»ни «энг янги», «замонавий»дан кўра кенгроқ маънода, буткул янги, гайрианъанавий, олдингилардан фарқли ҳодиса сифатида олиб қарашиб ўринли.

<sup>1</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1996 йил, 16 февраль.

<sup>2</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1996 йил, 2 февраль.

<sup>3</sup> Шарафуддинов О. Модернизм – жун ҳодиса эмас. // ЎзАС. 2002 йил 7 июн.

«Модернизм» атамаси ҳозирги замон гарб санъатига нисбатан бемалол құлланиб келинади. Бу санъатнинг юзага чиқиши эса, аслида бир-бiri билан алоқада бұлмаган, Европанинг турли мамлакатларида яшаган, ҳар хил міллатта мансуб ёзувчи, шоир, мусаввиrlар томонидан турлы вақtlарда ташкил этилган, уюштирилған, харакатта келтирилған оқимлар, тұғараклар, гурұхларнинг интилишлари самарасидир. Масалан, кубизм Францияда, футуризм Италияда, дадаизм Швецарияда пайдо бўлди. Уларнинг барчасига хос етакчи жиҳатлардан бири гайриреалистик ижод усулидир. Барчасини умумлаштирувчи ягона атама эса «модернизм». Бу атаманинг назарий, умумфалсафий асосларини А.Шопенгауэр, М.Штирнер, С.Керкогъер, Ф.Ницше, А.Бергсон каби файласуфларнинг ижодий мероси билан боғлашади<sup>1</sup>.

Модернизм оқимининг узбек адабиётида кириб келишини шоир Баҳром Рұзимұхаммад қуйидаги изохлади: «Модернизм»ни реализмға қарши қўйиб бўлмайди. Модернизмға реализм сувратидаги социал реализм оқимигина қарши қўйилған. Эндиликда аста-секин адабиёт сиёсатдан ҳоли бўлмоқда. Чунончи, адабиётнинг ўз «сиёсати» мавжуд. Адабиёт инсон рухий олами узра сиёсат юргизади – рух оламидаги жисмлар орасида интизом ўрнатилади. Қадим-қадимдан шундай булиб келган. Сүфийларнинг күнгил парвариши таълимот бежиз кун тартибига чиқмаган бир маҳаллар. Биз шу йўлдан юрмогимиз лозим. Бу йўл маънавиятимизни юксакликка олиб чиқади, бу йўл міллатимиз юрагини, шарқона кечинмаларини боболаримиз маънавиятига омухта этган ҳолда жаҳон илм аҳлига кўз-кўз қиласди».

Дарҳақиқат, шоир таъкидлаганидек, инсон руххӣ ҳолатини тафтиш этувчи, унинг ўзлигини, «мен»ини каашф этишга қаратилған модерн адабиёти Шарқнинг улкан тафаккур құдрати билан яратилған. Бу борада ёзувчи Н.Эшонқул фикр билдирап экан,

<sup>1</sup> Расулов А. Тинч оқер дарё. // ЎзАС. 2003 йил, 9 июл

халқимизнинг қадимий ижод намуналарини юқори баҳолаб: «Туркий халқлар асотир ва эпосининг таъсир кўлами шу даражада кенгки, биз жатто буни тасаввур ҳам қиломаймиз. Агар биз ана шу меросни ўзлаштира олсан, гарб адабиёти нимадан «озуқланган»ини ҳам, чинакам маънодаги адабиёт ўзи нимадан иборат эканлигини ҳам тезда тушуниб етамиз»<sup>2</sup>.

Назар Эшонқул асарларини ўқиб туриб ёзувчи ижодидаги бўгиқ жиҳатлар асосан халқ мифологияси асосида, унинг ўзагидан руҳ олиб яратилганилигига амин бўласан.

«Шамолни тутиб бўлмайди»даги Байна момодек матонатли инсонлар, «Хароба шаҳар сурати»даги паришон йигит, ўз таназзуини сезмаган сайловга номзоди қўйилган шоир, унга қарама-қарши тарзда ўз маглубиятини сеза туриб, бунга кўнинккан профессор, «Хаёл тузоги»даги алдов ва мақсадсизлик устига қурилган бу дунёдан воз кечган Воқиф, инсон миясини таомига айлантирган «Тузон»даги махлукларга уруш очиб, ўзи ҳам унинг домига тушган ёзувчи йигит, «Лаззат ортида қолган юрак»даги каби йўқлик ва номаълумлик, пуч гояларга берилган талабаларнинг ўй-хаёллари, орзу-армонлари, кечинмалари, ҳис-туйгулари акс эттан бир қатор ҳикоялар дунёга келдики, улар Хуршид Дўстмуҳаммаднинг таъбири билан айтганда бутунги «уйгониш бадиятининг» нодир намуналари сирасига киради.

«Ҳар бир миллат ўз уйгониш даврини ўзига хос йўсиnda бошдан кечирган» деб ёзади таниқли бадиятшунос файласуф А.Лосев ва уйгониш бадиятининг бош аломатларидан бири қадимги қадриятларга ташналикнинг кучайиши эканини таъкидлайди. Инсоният тарихидаги энг кўхна қадриятлар табиат қонунларига уйгунлашиб кетиши билан фарқланади. Бу улкан ҳақиқат Н.Эшонқул ҳикояларида ўзига хос тарзда ўз талқинини топди. Айниқса, ўзбек халқи табиатидаги энг

<sup>2</sup> «Миллий тикланиш» газетаси, 1998 йил, 19-май.

қадимий ва энг табиий түйгү киндик қони түкилган она заминга муҳаббат түйгуси ҳисобланади. Н.Эшонқулинг «Озод қушлар», «Маймун етаклаган одам», «Тобут», «Хаёл тузоги» каби күплаб ҳикояларида озод ватаннинг озод соҳиби образлари туркуми яратилди.

Ватанпарварлик ўзбек адабиёти учун янгилик ёки фавқулотда мавзу эмас, лекин шуни айтиш керакки биз назарда тутаётган бугунги давр ўзбек ҳикоячилигига она Ватанга садоқат түйгуси ақл-идрок билан англанган, таҳлилдан ўтказилган интеллектуал салоҳият дарёжасига кутарилди. «Чин Ватан» тушунчаси давр талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта идрок этилди, бу тушунчани ҳар ким ўзича кашф этмай туриб кишини том маънодаги инсонлик мартабасига ҳам, ватанпарварлик салоҳиятига етиша олмаслиги ҳам аён бўлди. Санаб ўтилган Н.Эшонқулининг ҳикояларида психологик таҳлилнинг, ўз-ўзини тафтиш этишининг – муросасиз руҳий коллизия кучлилигининг бош сабабларидан бири ҳам шунда эди.

Ўтмишни, Ватанини, жамиятда юз берадиган ўзгаришларни таҳлилий идрок этиши даражасига кўтарилиши учун сермуноҳада тафаккур зарур. Адиб ҳикояларининг иккинчи кашфиёти ана шунда, яъни тафаккурли кишилар образини яратишга уринища кўринади. Айни пайтда инсон фожеасининг туб илдизи фикрсизликда экани, ўзлигини англамаган баңда на дунёни, на давлатни англамоққа қодир экани теш тегмаган тимсоллар орқали тасвирланади. Шуни таъкидлаш лозимки, қаҳрамон шуурини таҳлил этишга киришган ҳикоянавис замондоши инсон ботинида ҳам ёзувчи «қадами» етмаган худудларнинг мавжудлигини кўра олгани ва уни забт этишга чоғланганлиги билан эътиборлидир. Н.Эшонқул ҳикояларида дунёни, инсонни қайта назардан ўтказар экан, шахс эҳтиёжлари ва манфаатларини биринчи уринга қўяди. Ҳар қандай қадрият шахс манфаати нутқаи назаридан баҳоланади. Бундай ҳоларда инсоннинг, шахснинг энг нозик, энг бокира кечинмалари ҳам тарихий ходиса

аҳамиятига тенг күринади. Зеро, дунёни ва инсонни қайта таҳлил этишга киришган лирик қаҳрамон инсон шуuri ва қалбидаги энг хусусий хилқатларга ҳам тап тортмай кириб бораверади. Бу энг эрка туйгу ва истакларни ошкора қилиш жоизми? Ё ножоиз деб иккиланмайди, балки нима мавжуд экан, ҳаммасини кўрсатишга ҳаракат қиласди. Яъни мавжудми, бас, улар рад этилмайди. Балки бадиий мушоҳада, мулоҳаза мавзуига айлантирилади. Бундан ташқари шуни эътироф этиш керакки, Назар Эшонқул ҳикоялари тили ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унда асар қаҳрамонларининг ижобий ёки салбий қаҳрамон эканлиги ёзувчи тилидан эътироф этилмайди. Аксинча, бу юмушни ўқувчининг ўзига қолдиради, уни мушоҳадага чорлайди. Умуман олганда, асарда кимлар улугланаёттани, қораланаёттани кўпинча бевосита эмас, бавосита ифодаланади. Мажозий, кўчма маъноли тасвирлар таърифу тасифларга тез-тез мурожаат этилиб, уларнинг устуворлиги таъминланади. Энг муҳими, тасвирлардаги мажозлар кўчма маъноли воситалар қаҳрамонларининг бетакрор руҳий дунёсини ёритишга хизмат қиласди. Филология фанлари доктори, профессор Н.Худойберганов ёзувчининг «Ҳаёл тузоги» ҳикояси ҳақида фикр билдирап экан, унинг қўйидаги жиҳатларига ургу бериб ўтади: «Ҳикояни синчилаб ўқиганда, Воқиф ҳақиқатпарвар, чўрткесар, бетта чопар қаламкаш бўлгани учун кўп жойларда қоқилиб-сурилиб, нуқул панд еб юргани, ниҳоят қалби-ю руҳинингмас, балки фақатгина корин эҳтиёжини қондиришдан бошқа иложи қолмагани туфайли ўзининг эмас, бошқаларнинг ихтиёрига кўра амаллаб кун кечирганига алоҳида ургу берилганлигини сезасиз. Унинг хаёл тузогига тушиб қолиши бамисоли ақлдан озгандай юриш-туришлари, ниҳоят қандайдир фожеага дуч келиб, бедарак йўқолиши тасодифий хол эмас...»<sup>1</sup>. Агар ҳикояга эътибор берадиган бўлсангиз, бу жиҳатлар қўйидагича имоишоралар билан ўқувчига етказилган: «Фақат баъзи танишлар

<sup>1</sup> Худойберганов Н. Мехру муҳаббат йўлларида. –Т.: Янги аср авлоди. 2001. 98-99-бетлар.

бедарак кетишдан олдин Воқифнинг қандайдир бино, қон, болта ҳақида гапириб юрганини гира-шира эслашди ва ўша пайтдаёқ ақдан оза бошлаган эди, деган тахминни рўкач қилишди<sup>2</sup> тарзида кўрсатиб ўтилади. Асар ўқувининг мушоҳадага тортади, собиқ тузумнинг жирканч эканлиги, одамкушликни касб қилиб олганини оддий учта сўз – «бино», «қон», «болта» каби бетакрор тимсоллар орқали ўқувчига етказишга ҳаракат қиласиди. Асарда ана шу нарса кўринадики, Воқиф бу тузумнинг жирканчлигини кўра олганлиги боис ҳам у бу ҳаётда қийналади, турли тўсиқларга дучор этилади. Шу жиҳати билан асар ёзувчи Тохир Маликнинг «Шайтанат» асаридағи шоир Асқар Қосим образини, унинг тақдирини эслатади.

Воқеа-ходисаларни, асар моҳиятини турли рамзлар, тимсоллар орқали очиб бериш ёзувчидан юксак маҳорат, истеъдод ва билим талаб қиласиди. Шу жиҳатдан Н.Эшонқул ҳикоялари юксак чуққини забт эттан, десак муболага бўлмайди. Ёзувчининг ўзи бу жиҳатта тўхталар экан, шундай дейди: «Мифлар инсон тафаккурининг илк бадиий мевалари. Оламни рамзлар, тимсоллар орқали тасаввур қилиш бу ижоднинг бошланиши эди. Инсон табиати ташки оламни рамзлар орқали қабул қилишга мослашган. Одам ҳиссиёти ҳар қандай ходисанинг ўзини эмас, унинг рамзини қабул қиласиди. Мифлар яратилган даврда шуури-идрок биринчи ўринда эди ва уларнинг тили ҳам рамзлар тили бўлиб қолди. Бироқ инсоният тараққиёти ақлий идрокни биринчи ўринга олиб чиқди, шуурий ҳиссий идрок онг ости ҳисларига айланди. Фрейд ижодкорлик – айнан ақлий идрокдан эмас, дастлаб ҳиссий, шуурий идрокдан пайдо бўлади, шоирлик ҳиссий идрокнинг онг юзига қалқиб чиқишидир, деб тушунтиради. Шу маънода Фрейд ҳам Юнг, Хайдеган, Фромм

<sup>2</sup> Эшонқулов Н. Ҳаёл тузоги.

ҳам инсон «мен»и мифлар яратилган даврдаги «мен»дан фарқ қилмайди, дейишади»<sup>1</sup>.

Бугунги насрдаги янги жараёнлар, матнавий, шаклий-услубий изланишлар күпроқ Н.Эшонқул ҳикояларида ўзига хос тарзда акс этмоқдаки, у ёзувчи таъкидлаганидек, ўтмиш аждодларимиз яраттан қадимий адабиётдан куч олаёттанд бўлса, ажаб эмас. Бу ёзувчининг илк ҳикояси «Маймун етаклаган одам»даёқ ўз ифодасини топган эди. Мазкур асар замондош, асрдош образини яратиш йўлидаги етмиш йиллик тажрибаларнинг муайян интихоси ва айни замонда янги босқичнинг бошланиши бўлди, дея адабиётшуносларимиз томонидан юқори баҳоланганд эди. Ҳикоя муаллифи Н.Эшонқул кейинги ўн йил мобайнида ёзган талай ҳикояларида асосан ўша асрдаги тояни турли кўринишида давом эттириди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида 1996 июл (30-сони)да эълон қилинган «Шамолни тутиб бўлмайди» ҳикояси эса ўзбек хҳкоячилигига муҳим янгилик бўлди. У жамоатчилик эътиборини ўзига тортди. Ёзувчилар уюшмасининг маҳсус мукофоти билан тақдирланди.

«Ёзувчи мазкур асар қаҳрамони Байна момонинг узоқ давом этган фожеавий, мотамсаро, айни пайтда мардона ҳаёт йўлини ўзига хос йўсин, оҳангда ҳикоя қиласи. Унда момо қисмати билан боғлик ибратли воқеалар, чунончи у билан қишлоқ аҳли, оломон орасидаги зиддият бир-икки деталлар, чизгилар, ихчам лавҳалар орқали эслатилади. Масалан, асардаги қуидаги жумлага эътибор қаратсан: «Байна момо тириклигига, гарчи бу аёлни, эрининг полвонлик лаш-лушлари ва кийим-кечаклари ёттан, ўлгандан сўнг ҳеч қачон ёнмаган, туйнуги шуваб ташланган ана у хужра каби қоронгу, мусибат тўла уйи ичкарисига кирмаган бўлса-да, улар қаҳр ва газабни ситам билан ичига ютиб келгая бу кампирни ҳурмат

<sup>1</sup> Миллий тикланиш 1998. 19 май.

билинг эслашарди»<sup>1</sup>. Мазкур жумланинг ўзиёқ Байна момонинг ҳаёти, унинг аёллик садоқати ҳақида ўқувчига тушунча беради. Инсон яшаёттан хонадоннинг туйниги қачон сувалади, қачонки, унда ҳеч ким яшамаган тақдирда. Ёзувчи шу жумлалар орқали Байна момонинг умри ҳам эри ва ўғли билан бирга сўнганилигига ишора қиласди. Бундан ташқари ҳатто ҳикоядаги энг жиддий тўқнашув-олишув – момонинг эри ва ўғлининг қотили Замон отбоқардан қасос олиши, уни чавақлаб қонли бармоқларидан жудо этиш воқеаси саҳна ортида юз беради. Бу мудҳиш воқеани ҳам муаллиф имо-ишора, деталлар орқали аён этади. Асарни мутолаа қилаёттанды гам-туссага тўла ва айни пайтда мардонавор оғир бир куйни тинглаёттандай бўласиз. Момонинг руҳий ҳолати ва ҳаёти гүё шу куй пардалари орқали тараниум этилади.

Байна момо бир пайтлар фақат қишлоқ эмас, бутун тогли халқнинг обрусини кўтариб ном чиқарган эри Райим полвонни қулоқ дея таъкиб қилиш, мол-мулкини тортиб олиш, сўнг итдай хор килиб отиб ташлашга йўл қўйган ва ўғли билан эрини янги замоннинг эгалари – Замон отбоқарлар ихтиёрига бериб қўйгани учун ҳамқишлоқларини асло кечиролмайди. Унинг руҳий олами ёлгизлиқда ўттан машақкатли ҳаёти ёзувчи томонидан маҳорат билан гавдалантирилади. «Байна момо ўз ёлгизлиги мусибатини ҳаётнинг бадбўй, забун, хор этилган ҳидлари анқиб ёттан йиллар даҳлизидан етаклаб ўтди. Қишлоқдошлари баҳор келиши билан эски яйловларга кўчиб чиқишар ва ер шудгорлар, ҳар ким ўз ташвишига берилиб кетарди. Қишлоққа қолган Байна момо эса бу пайтда ёлгизлик даштини шудгорлар, у ерга ҳар йили Замон отбоқар билан келиб эри ва ўғлини отиб ташлаган оқшомни экар ва сўнг ёлгиз ўзи хосилини ҳам йигиб оларди. Байна момо ҳар кеч кўз ёшлари билан тўлган қайиқда йиллар қоялари орасида қолиб кеттан эри билан ўғлининг илма-тешик бўлган мурдаси ва Замон отбоқарнинг музaffer

<sup>1</sup> УзАС газетаси, 1996, 30-сон.

Қамчиси ёттан қонли халқоб билан тұлған айвонга сүзіб борар, эрталаблари хұл бұлып үйининг олдидаги орадан йиллар үтгач, үйини бузаёттандар қўпориб ташлашта кучлари етмагач, ковлаб олишга мажбур бўлган баланд толга осиб, офтобда қуритарди». Яна бир мисол: «қиши пайтлари гамлаб қўйган үтини етмаган кунлари у кўрпага оёгини тиқданча хотирасига исиниб жон сақларди», «...Унинг шу туриши азоб-уқубатнинг бир тўплам уюмига ўхшарди». Қаҳратонда «хотирасига исиниб жон сақлаш», мотамсаро аёлнинг ҳолатини «азоб-уқубатнинг бир тўплам уюми»га ўхшатиш саҳифаларга чизилган драматик саҳналар, оху фарёдлардан кўра қаҳрамон руҳий ҳолатини аниқроқ ва таъсирчанроқ ифодалаши билан юқори баҳоланди.

Ҳикоя қаҳрамони шу хил изтироб, гам-аламларга қарамай ўз гурурини, шаънини баланд тутади. Бу ҳолат ўқувчига қўйидагича баён этилади: «Байна момо қишлоқдошларига кўз-кўз қилмоқчидай ва бу үйнинг эркаги ва орияти ўлмаган дея таъкидлаёттандай эри ва ўглининг полвонлик яктакларини ҳар ойнинг охирида шусиз ҳам ҳамманинг кўзига тащланиб турадиган үйнинг шапаттайига осиб қўяди».

Филология фанлари доктори, профессор У.Норматов таъкидлаганидек: «Шамолни тутиб бўлмайди» ҳикоясида янгича сюжет тузиш ва руҳий таҳлил йўллари яққол сезилади. Бу асар «Маймун етаклаган одам» каби янги жаҳон адабиётида кенг тарқалган реал ҳаёт ходисаларини мифологик модель асосида гавдалантиришнинг яхши миллий намунасидир»<sup>1</sup>.

Адабиёт – сўз санъати. «Адабиёт, ундағи сўз бамисоли чўт» деб таърифлайди адабиётшунос А.Улугов. Дарҳақиқат, ҳақиқий санъат асари сўзининг қудрати, унинг жозибаси билан дунёга келади. Сўз илоҳий, унга хиёнат қилиб бўлмайди. Ёзувчи Н.Эшонқул яратган ҳикояларга воқеалар талқини важидан эмас, сўзининг салмоги нуқтаи

<sup>1</sup> «Жаҳон адабиёти» журнали, 1997 йил.

назаридан ёндашадиган бұлсак, адібнинг барча ҳикояларидағи сұзлар үкүвчига қаҳрамонларнинг турфа холатини, яшаёттандырылған мұхитини, кечинмаларини мураккаб үзгариш, тебранишлари билан тасаввур этишгә имкон беради. Ҳикояларда «деди-деди» суҳбатлару воқеалар баёни йүгүн. Аксинча, одамни үйлашта үндайдиган, ҳар бир сұзнинг ортидан катта бир манзилу макон, тирик одам тақдиди, уннинг қалби борлигини күришга даъват қылады. Қылайтын мушоҳада талаблик бор»<sup>2</sup>. Биргина «Хаёл тузоги» ҳикоясини олады. Бұлсак, үнде ҳикоя қаҳрамони үзи яшаб қўйган умрни афсус-надомат-ла эслаб шундай дейди: «У пайтлар ҳикматли гаплар айтишни, башпорат қилишни шунчалар севардикки, гуё инсоният келажакка биз қуриб берган хаёл кўпrigидан ўттандек туюлар, ҳар бир нарса бизга порлоқ истиқболимиздан дарап берар, гарчи энди умид гулларимизни узиб ташлаган бұлса ҳам, маъшуқаларимизнинг эшигини тонгтаса пойлаб чиқардик; уни кўришимиз билан хазонликка юз туттан дунёга яшариш фасли кириб келаёттандек кўнгилларимиз нурафшон бўлиб кетар, унга китоблардан иқтибослар келтириб, муҳаббат ва вафо ҳақида эринмаслан сафсата сотардик; кўпинча узун жумлаларимизга маъшуқаларимиз тугул үзимиз ҳам тушунмасдик, лекин вақт бамисоли бир гулу уни багримизга экиб қўйиш жуда ҳам жўн, осондай туюларди ва биз бир куни умримиз гулзорида шундай ҳаёт даврлари бизга чикора эди, биз уни кутиб олишга ва енгишта үзимизни тайёр деб ҳисоблар, руҳимиз ҳам шунчалар тетик ва кўтаринки бўларди. Баъзи-баъзида ўша дўстлар учрашиб қолсак, юзимиздаги умид харобаларини, орзуларимизнинг вайрон бўлган иморатларини бошлиқларимизга ёқиши учун ўрганган шириңсуханлигимизу охарланган кўйлак ҳамда бўйнимизда бўтма илондек осилиб турадиган хушбичим бўйинбогларимиз билан яширганча тезроқ хайрлашиб жўнаб қолады. Бўлганимизни нима билан изоҳлаш мумкин?»

<sup>2</sup> А. Улугов. Ўзгарёттән адабиёт манзаралари. // Шарқ юлдузи. 1998 йил. 4-сон. 138-бет.

Үйлаёттан, уттан күнларни бир-бир ҳаёлдани ўтказиб шарҳлаёттан күнгилда жонланайтган манзараларга эътибор беринг. Умидни – вайрон харобалар, орзулярнинг бузилган иморатлари: Ёзувчи умрининг юзида аксланган афтодахолигини сўз билан мана шундай гап билан гавдалантириб беради. Шунингдек, ҳикояда учрайдиган «Эски танишларимиздан ким билан учрашмай, бепарво елка қисишларга қараб туриб худди ташландик ва хароба гўшадан кечиб кеттандай, улар аллақачон Воқифни унугишганига амин бўлдим», «...йўлимда хайкал янглиг қад кериб турган иномаълумлик ва йўқликка дуч келавердим, шунда кўнглим салтанатига маккор ва айёр жосус мисоли, эктимол Воқифни ҳам мана шу маълумлик ва йўқлик айиқлари ютиб қўйгандир деган бир шубха ўрмалаб кирди» каби бетакрор ўхшатишлару яшириш тимсоллардан иборатлиги ҳикоянинг янада ўқишли бўлишини таъминлаётгандек.

«Хаёл тузоги»да Назар Эшонқул ровийлик қилмайди. Рўй бертаёттан воқеа-ходисаларни бизга таниш ҳикоялардагидек, масалан, «чол инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди ва секин-секин юриб кетди» тарзида баён этмайди. Н.Эшонқул хаёлнинг оддий суҳбатда ифода этиб бўлмайдиган сўзлаб бериб бўлмайдиган кечинмаларини оҳиста ва босиқлик билан сувратлантиради. Сийрат суратини чизган бу сўзлар эса уз домига тортадиган даражада салобатли, рангли қуюк, эътиборталаб».

«Рамз ҳаёлнинг ва ҳаётнинг шартли ифодасидир», – дейди Н.Эшонқул, – Адабиётнинг илоҳий кучи, қудрати шу рамзларнинг қай даражада ифода этилганлигига боғлик, яъни рамзлар инсоннинг тасаввур худудини, гўзалликка эҳтиёжини қондира оладими-йўқми? Инсоннинг гўзаликка бўлган эҳтиёжини фақат илоҳий нарсалар қондира олади. Рамзларга зухур этилган гўзаллик илоҳийдир. Навоийдаги рамзларни, ўхшатишларни ўқисангиз, адабиётни илоҳий куч эканлигини ҳис этасиз. Шарқу гарбдаги шоиру адиллар рамзлардан қай тариқа фойдалана олишига қараб дунё шохсупасидан

жой олганлар. Наср ҳам, назм ҳам асл рамз, метафора, воқеликнинг тимсолидир. Воқеликнинг айнан ўзи гўзал эмас, унинг тимсоли гўзал».

«Ўлик мавсум» ҳикояси ёзувчининг ўз услубини сақлаб қолган ҳолда яратган кейинги қашфиёти бўлди. «Ўлик мавсум» ҳикояси одам учун энг сирли ходиса – ўлим ва ундан кейинги ҳаёт ҳақида фикрлайди. «Ахир одам учун ўлимдан сирлироқ нарса борми дунёда?» ҳикоя: «Биз ўқитувчимизни жуда севардик. Унга бўлган муҳаббатимиз бегараз ва пок эканлигига сира шубҳа қилмасдик»<sup>1</sup>, деб бошланади. Талабалар домлалардан бирининг дарсига жуда қизиқиб колишади. Улар домланинг гап-сўzlари ва шаклу тамоилини бенуқсон деб била бошлашади... Бу орада домланинг шухрати ортгандан ортиб борарди. Домланинг ўз талабаларидан бошқа талабалар ҳам унинг дарсларини тинглашга қатнай бошлашади. «Унинг овозини эзитиш ва сўzlари сангалида яна бир бор эзгиланиш, тафаккур ва ҳаёлот гумбазлари қад кериб турган салтанатларини сайр этиш учун эрталаблари дафтаримизни қўлтиқлаб, ионуштага ҳам келмасдан сабоққа югарар; ...инсониётта ҳаедан келажак сари ҳалоскорлик кемалари ясад бериш учун бирин-кетин, бироқ бир пайтнинг ўзида сабоқхонага йигиларди». Вақт ўтган сари домланинг обрў эътибори ҳам ўсиб борар, у энди ўзи дарс берадиган талабалар ўртасида балки бошқа соҳаларда таълим олаётган талабалар ўртасида ҳам машҳур эди. Домланинг шухрати дақиқа сайн ортади, у энди барча талабалар учун комилликнинг тимсоли бўлиб қолган эди. Дарсларни эшитиш тұгрироги, домлани кўриш истаги билан келган талабаларнинг кўплигидан дарсхоналар торлик қилиб, катта байрам ўtkазиш учун мўлжалланган хона унинг дарс ўтиши учун бўшатиб берилганди. Бошқача айттанда, домланинг дарслари байрамга айланган эди. Улар дарслардан бўш вақтлари ҳам домланинг ихтиёрига ўта бошлади, яъни улар дарслардан бўш

<sup>1</sup> Эшонқул Н. Ўлик мавсум. Ёшлик. 1996. З-сон.

паллаларида ҳам домлага, унинг маърузаларига тақлид қилиб баҳслашишарди. Энг сара талабалар пивохоналарда йигилишиб домланинг маърузаларини таҳлил қилишарди. Уларнинг шоирлари ўз устозларига атаб шеърлар ёзишарди. Шундай кунларнинг бирида, таътилга яқин қолган бир пайтда талабалар домланинг ўз давраларига таклиф қилмоқчи бўлишади. Уларнинг бири домланинг манзилгоҳини қийинчилик билан аниқлаб, уни излаб йўлга тушади. Талаба манзилни тоғиғач хушидан айрилгандаи бўлиб ортга югурибди. Сабаби кўрсатилган манзилгоҳда қабристон жойлашган эди. Эртаси куни бу мудҳиси хабардан ҳамма хабар топади. «Бизга ўлик устозлик қилибди... Биз ўликка муҳаббат қўйибмиз...».

Ҳикоя ҳақидаги илк фикр адабиётшунослар томомнидан айтилди. Бу фикр қўйидагича: «Одамнинг қонини сўрадиган ўликни вампир дейишади. Аммо Назар Эшонқул тасвирилаган вампир пакана эмас, ўта замонавий вампир! У қон сўрмайди. Қон сўриш ўрта асрларда қолиб кеттан. У одамнинг меҳрини, эътиборини, умидини, ишончини, орзу ўйларини суради. Энг даҳшатлиси вақтни, умрини сўради... Лекин ҳикоя шундайки, уни юзта одам ўқиса юз хил фикр билдириши мумкин»<sup>1</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам ҳикояни полифоник асарлар сирасига киритиш мумкин. Шунга кўра ундаги мавжуд рамзлар турлича таҳлил этилиши табиий ҳол. Биз ҳикояда мавжуд рамзларга асосланган ҳолда қўйидагича фикрга келдик. Маълумки, ҳикоя Лотин Америкаси ҳикоячилик мактабларидан, аниқроги, илоҳий реализм оқимидан таъсирланиб яратилган. Лотин Америка адабиёти, жумладан, мазкур оқим ҳам рамзий-мажозий тасвиirlарга таянади. Улардаги рамзлар асос ва манба қилиб эса ўша ҳалқ тарихи маданиятида чуқур из қолдирган воқеа-ҳодиса ҳамда баъзи урф-одатларга майший ва маънавий ҳаётдаги тургун, илоҳийлаштирилган тушунчалар,

<sup>1</sup> Б.Ахмедов «Дунё ниманинг атрофида ойланади». «Миллий тикланиш» газетаси. 1996 йил, 38-сон.

предметлар олинади. Худди шунингдек, Назар Эшонқулнинг «Ўлик мавсум» ҳикояси ҳам мусулмонларда, шу жумладан ўзбекларда мавжуд бўлган ўлимдан кейинги ҳаёт деган тушунча таҳлилидан иборат. Ҳикоя айнан мана шу тушунчага асосланган, ёхуд шу тушунчани образлар ва рамзлар ёрдамида бадиий шаклда жонлантирган. Фикримизча, ўликнинг айни устоз тимсолида тасвир этилиши ҳам далил бўла олади. Талабалар эса ҳақиқат ва моҳият сирларини англашга интилувчилардир. Шу сабабли бўлса керак, ҳикоянинг бирон ерида талабалар қайси соҳани ўрганишаёттанини, устоз эса нимадан дарс берадиганни қайд этилмайди. Зоро, устоз хақ илмини, ҳақиқий ҳаёт сирларини ўргатувчи эди. У айнан шу соҳани талабаларга ўргатарди. Фикримизга қуйидаги парча мисол бўла олиши мумкин:

«Йўқ, - деди ўқитувчимиз бироз писандада оҳангда; у ҳар биримизнинг қалбимиизда ўзининг хайкалини ясад улгурган қиёфасига заҳарханда тус берди. - Тана ўлиб кетаверади. гоя янги авлод билан бирга янтидан туғилаверади. уни кўмиб бўлмайди - уни кўмишган тақдирда ҳам у қабрдан чиқиб яна дунёни бошқараверади. - У шундай деб сирли тиржайди...». Зукко ўқувчи ўқитувчи таъкидлаётган «гоя»нинг нималигини осонлик билан англаб олиши мумкин. «гоя» - бу руҳ. Ҳақиқий ҳаётда яшаш руҳларга насиб этади. Ўқитувчи айтиётган гоянинг янги авлод билан қайта туғилиши инсон фарзандига ато этилиши руҳга бир ишора. Зотан, ҳар бир гўдак дунё юзини кўрар экан унга жон ва руҳ ато этилади. Бу ёлгон дунёда макон ҳам замон ҳам, барча тушунчалар чегараланган. Шундан келиб чиқиб, талабалар, яъни хақ талабалар ўзлари чексиз ишонишни истаган объектни топишлари маҳол эди. Бинобарин, таъкидлаганимиздек бу ёлгон дунёдаги ҳар бир нарса чегараланган. Демакки, унга муҳаббат ҳам чексиз бўлмоги мумкин эмас. Талабалар чексиз севиш учун айнан ўликни танлаганлари ҳам шу боисдан бўлиши мумкин. Чунки, бу ёлгон дунёдан фарқли ўлароқ ҳуқуқий

дунёда ҳеч нарса чек ва чегарага эга эмас. «Ўлик мавсум» ҳикояси Назар Эшонқул ижодининг энг яхши намуналаридан бири бўлиб, ҳикояда тил ҳам, тасвир ҳам, қолаверса равон фалсафий мушоҳада ҳам китобхонда қизикиш уйротади<sup>1</sup>. «Огриқ лаззати» ҳам юқоридаги ҳикоя билан бир журналда босилиб чиқсан.

«Огриқ лаззати»даги йўналиш ҳам «Ўлик мавсум»дагидек рамзий – тахайюмий йўналишdir. Ёзувчи дунё, унинг моҳияти, ундиаги ходисотлар сир синоатини маълум бир тимсоллари ва фалсафий қарашни илгари сурмоқчи бўлади. Ёзувчининг қарашлари, гўёки қоронгу хонани юлдуз қурт билан ёриттани каби аниқ равshan хulosалар шаклида эмас, ўша хulosаларга туртки шаклида берилган. Бинобарин, юлдуз ёриттан хонада кўриш учун кишининг ўзида тийрак кўз бўлмоги лозимлигидек, Назар Эшонқулнинг бу ҳикоясини тушунмоқ учун ўткир ақл лозим. Бироқ бу ҳикоя ўқувчилари чекланган деган фикрни келтириб чиқармаслиги лозим. Зотан, «Ўлик мавсум», «Огриқ лаззати» каби йўналишда яратилган асарлар ўқувчига ҳеч қандай мажбурият юкламайди. Уларда муайян бир фикр илгари сурилмайди, балки ўша фикр томон йўналиш берилади, холос. Мазкур асарлардаги тахайюмий тасвир эртак ва афсоналардагига яқин бўлиб, ўқувчининг асар билан зериқмасдан танишиб чиқишига асос бўлади. Асарни ўқиб, фикр томон йўналишини топган ўқувчининг қандай хulosага келиши мұҳим эмас, мұҳими, у ўзининг ақлий имкониятлари ва тасавурини ишга солади, ҳамда шунга яраша хulosага келади. «Огриқ лаззати» ҳам «Ўлик мавсум» каби талабалар тилидан ҳикоя қилинади. Икки талаба ҳар куни шаҳар ўртасидаги майдонга келиб ғалати томошага гувоҳ булишарди. Бу ерда ўз – ўзини қийнаб лаззатланувчи кишилар ўз санъатларини намойиш қилишарди. Санъаткорлар «танилари чок-чокидан гезарган, азбаройи оғриқ ва азобдан деярли шилниб тушган елкалардаги яғирга қуёш шулаълари тушганда ялтираб кетар,

<sup>1</sup> Б.Аҳмедов. Дунё ниманинг атрофида айланади. // Миллый тикланиши. -1996й, 38-сон.

оёқларини олдинга чўзганча туришга ҳам мадорлари келмай несту забун бўлиб ўтиришарди<sup>1</sup>. Уларнинг бу холатларини томоша қилишга кўплас одамлар тўпланишарди. Томошабинлар ҳаттоки кечалари ҳам майдонга келишар ва чексиз азобланаётган маҳкумларни кўриб баъзан бефарк, баъзан қизиқиш билан оғриқ лаззатидан титраётганларни кузатишарди. Майдондагиларни маҳсус назоратчилар кузатишарди. Бу назоратчиларнинг вазифалари майдондагиларнинг ишорасига кўра уларни қийнаш эди. Асарда азобланаётганлар – маҳкумлар деб аталади». Газеталар ҳар куни маҳкумларнинг янги – янги муваффақиятлари тўгрисида саҳифа-саҳифа мақола, хабарлар беришар, томошабинлар эса эртасига маҳкумлар билан бўладиган янги томошани орзиқиб кутганча тонг оттиришар, сал бўш вақт топиласа, майдонга қараб чопишарди». «Биз шаҳарнинг қайси бурчагига бормайлик, мӯъжизавий санъаткорликка ва уни олқишилаётган муҳлислар оломонига дуч келардик».

Маҳкумлар орасида «тўртинчи» деб аталмиш гаройиб бир маҳкум бор эди. Унинг гаройиблиги ўз санъатини ҳаммадан кўра чиройлироқ ва фидокорона намойиш этиши билан изоҳланарди. Ўша «тўртинчи» уз санъатини энг юқори нуқтага кўтара олишга қодир эди. Бунинг исботи сифатида «тўртинчи» уз юрагини сугурниб олишларига рухсат беради. Бутун оломон «тўртинчи»нинг бу фидокорлигини олқиши билан кутиб олади. Ниҳоят ўша куни етиб келади. «Назоратчилар томошабинларнинг хайқириги остида ишга киришдилар: улар маҳкумнинг юзи майдонга яхши кўриниб туриши учун юракни орқа томондан чиқариб олишга қарор қилдилар». Назоратчилар маҳкум «тўртинчи»нинг кўкрак қафасларини арралар, кесар, чопар эдилар. Бу вақтда маҳбуснинг юзи оғриқ лаззатидан ёришиб кетар, унда табассум жилваланиб турар эди. Бу табассум энг сўнги нафастгача унинг юзини тарк этмай туради. Ниҳоят, назоратчи

<sup>1</sup> Н.Эшоқкул. «Оғриқ лаззати». «Ёшлик» журнали. 1996 йил, 3-сон. (Барча кўчирмалар шу напрадан олинди)

маҳкумнинг юрагини сугуриб олади. Маҳкум «тўртинчи» юзида табассум қотиб қолган куйи гурсиллаб ерга қулайди. Томошабинлар хайратомуз воеа таъсирида териларига сигмай қувонишар, маҳкумнинг жасадини гулларга кўмганча уни олқишлишарди. Назоратчи ҳам «тўртинчи»нинг жасадига таъзим қилганча юракни унинг кўкраги устига қўяди. «Шундагина биз оғриқ фарогатидан сўнг ҳам, ўзимиз турган заминга тушмаганини англадик – у нариги, яъни лаззат юртида қолган эди, унинг жонсиз танаси ҳам санъат асарига айланган ва яшноқ гулларга кўмилиб ётарди».

Ҳикояни ўқиб чиққан ўқувчидаги оғриқ «азоб санъати» бу яшаш, ҳаёт санъатидир деган хulosага келдик. Бинобарин, мазкур санъатни амалга оширувчиларнинг маҳкумлар деб аталиши ҳам фикримизни тасдиқлаши мумкин. Зеро, инсон бу ҳаётда яшашга маҳкум этилган. Яъни у ўзининг инон-ихтиёри билан бу дунёга келган эмас, шунингдек ушбу ҳаётда мавжудлик ҳам унинг истаклари чегарасидан ташқарида. Йирик файласуфлар, мутафаккирлар ҳаётни хамиша ўзлари учун битмас азоб манбаи деб билишган. Балки шу туфайли уларнинг ўй фикрларида, ижодларида бадбинлик руҳи кучли. Аммо бу бадбинлик уларни бутунлай бошқарган десак хато бўлади. Зотан улар яшаган, ижод қилишган ва ҳаётта, яшашга чорлашган. Назар Эшонқулнинг «Оғриқ лаззати» ҳикояси ҳам яшашга чорлайди, азобларга мардонавор бардош беришга ундайди. Асарда тасвир этилган назоратчилар ҳам инсонларни ташкил этади. Зеро, бу дунёда инсонга азоб берувчи, уни қийновчи мавжудот, ҳеч шубҳасиз инсоннинг ўзиdir. Назоратчилар таъбир жоиз бўлса, амалдорларнинг, бюрократ хўжаларнинг тимсолидир. Оғриқ ва азоблар эса дунёни англаш, унинг можиятига етиш тимсолидир.

Бугун инсон онги-шуури ўзгарди. Унинг дунёқараши, муশоҳадаси, ҳаёт тарзи ҳам янгиланди. Бу жараён адабиётда ҳам ўзига хос кўриниш олди. Бадиий тафаккурда юз бераёттан ўзгаришлар ҳикоя тарзига мутлақо янги ислохлар киритди. Бадиий

тасвир воситаларидан фойдаланиш имкони кўпайди. Натижада батафсил тасвир, баён, ҳажмнинг ортиши кузатилди. Ҳикоя сюжети ва тўқимасини воқеа-ҳодисалар эмас, балки тимсоллар, рамзлар, ташбехлар ташкил эта бошлади. Муайян оҳанг, ритмлар уйгунилиги воситаси билан кайфият уйготувчи – мусиқа асарларига монанд ҳикоялар яратила бошлангани ўзбек реалистик насли бинобарин, ўзбек ҳикоячилиги учун янги ходисадир. Бундай изланишлар ўзбек ҳикоячилиги бадиий тафаккурининг юзага келиши, шаклланишида айни жаҳон адабиёти илгор намуналарининг таъсири бекиёслигидан дарак беради.

Демак, ўзбек ҳикоячилиги ўзига хос услублар орқали ривожланмоқда, бу умумбашарий бадиий тафаккур симфониясига қўшила оладиган миллий ва умуминсоний оҳангларга эгалигидан далолат беради. Айни чогда ўзбек ёзувчиларининг модерн адабиёти анъаналаридан фойдаланишлари орқали ўзбек миллий бадиий тафаккури имкониятлари ҳисобига жаҳон адабиёти ҳам бойимоқда. Аниқроги, Шарқ ва гарбнинг уйгун жиҳатлари адабиётда ҳам эстетик уйгунилик кашф этилишига асос бўлди. Назар Эшонқул каби ўзбек ҳикоянавислари ижоди шу жиҳатлари билан адабиётимизда ўз ўрни ва мавқеига эга.

## ЎЗБЕК ҚИССАЛАРИГА ХОС ҚАҲРАМОН ЯРАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Қисса жанри ҳикояга нисбатан бадиий фикр ҳаракати учун кең имкон беради. Ана шу имкониятдан фойдаланган ёзувчилар инсон фожиасининг янгича бадиий талқинини яратишга эришмоқдалар.

Қисса эпик тур жанrlари орасида имкониятлари ҳикояга қараганда кенглиги, шаклининг ранг-баранглиги, мазмунининг кўламдорлиги билан ҳам ажralиб туради. Мана шу хусусиятларига кўра бу жанрни уммонга қиёслаш мумкин. Бадиият олами эса қашфиётлар манбаидир. Хусусан, мустақиллик даврида кўплаб ижодкорлар қиссачилик жанрида баркамол ижод қилмоқдалар: Ш.Бўтаев, М.Бобоев, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Норқобилов, Ш.Ҳамро, Н.Эшонқул яратган асарлар китобхонлар эътиборини жалб қилди. Чунки, бугунги адабиёт – алоҳида, айни чогда турли-туман шахсларнинг туйгулари, қиёфалари акс этган адабиёт сифатида қад ростлаган. Замондошимизнинг ўзи – алоҳида, бетакрор ва яратувчи инсон. Шу маънода, замондошимизни ўз шахсиятининг элчиси, дейиш мумкин. Мустақиллик даври ўзбек қиссаларида ўзбекнинг ўзига хос табиатини, кўнглидаги сезимлар ва майлларини акс эттиришга интилишнинг кучайғанлиги ҳам китобхон эътиборидан четда қолмаяпти. Бундай ўзига хослик қаҳрамон руҳияти тимсолида унинг сурати ва сийрати орқали тасвирланмоқда, бундай услугуб тасвирнинг теранлигини, бадиий нигоҳнинг ўткирлигини тақозо этмоқда.

Айни шундай ҳаракатнинг хайрли самараларидан ёзувчи Шойим Бўтаевнинг “Кунботардаги бог”, “Эски арава”, “Шуродан қолган одамлар”, “Бир кунлик меҳмон” қиссаларидир.

“Кунбатардаги бөг”<sup>1</sup> қиссасыда ёзувчи қайнарбулоқ бағридаги Яқкәтепа қишлоғи одамлари ҳаётини қаламга олған. Соддалик, самимият, урф-одатлар ва аңъаналарга содиқлик, инсонпарварлық, гамхұрлық каби хусусиятлар уларға хос.

Улгай эна билан Руқия бибининг ҳаёт тарзи, хатти-ҳаракатлари, үй-кечинмалари ана шу муқаддас әзгуликлар руҳига әврилган. Руқия келинбиби сал нарсага дув-дув ёш тұқаверадиган күнгли бұш аёл бұлса, Улгай эна не-не ҳаёт синовларига дош беріб, сүңг қояға айланған, бардошли, меҳрли инсон. Руқия келинбибига Улгай эна учтұрт ҳовали наридаги құшни. Аммо уларни, Руқия бибининг үгиллари Элёр билан Илесни меҳр-мухаббат, оқибат ришталари боялаб туради. Руқиянинг гоҳ үзи, гоҳ үгиллари кампирнинг иссиқ-совугидан хабар олиб туришади. Кампир эса ёлғизгина үғли – шаҳарда рассомлиқка үқиёттан Тұхтасинини күтиб яшайды, әшикка термулиб, уннинг қишлоққа, она бағрига қайтишини интизорлық билан кутади. Ота-боболаридан қолған ёлғиз ёдгорлық – ана шу боянның құшқұллаб ёлғизига тұтқазса, үглиниң болалари бояда яйраб үсса, уни обод қилишса... кампирнинг ягона орзуси шу.

Асада Руқия бибининг тошбагир эри Сафаров, Улгай энанинг тезроқ үлиб, богини үзиники қилиб олиш хаёлидаги Нұсьмон қириши, тұтрасыз, имонли Гулмурод билан бригадир, манфаат йүлида ҳар қандай әзгулик ва ҳалолликни босиб-янчыб үтадиган раис, Носир чүтири, ҳайит мalla сингари хилма-хил қиёфадаги инсонлар образлари яратылған. Улар бир бутун қишлоқ ҳаётини, шу заминнинг дарду құвончларини акс эттиришга хизмат қылғанлар. “Нұсьмонжон, узумлардан олиб кетавер, ўрикларни қоқиб-териб ол. Манга индама. Бу бояда күп яхши одамларни күрганман. Шарофат ача, Карим бобо, Хотам бобо, Кумуш момо... ҳар бири бир олам эди, дунёдай кенг эди. Энди улар тупроқни табарруқ қилиб ётишибди. Боққа келганимда эса улар тирилишади, күз олдимда пайдо бўлишади, мен билан

<sup>1</sup> Бұтаев Ш. Күтбатардаги бөг. Қиссалар ва ҳикоялар. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриети, 1997.

сүхбатлашиб, дилимга мадад беришади...”<sup>1</sup> – дея Улгай эна неча марта айтди.

Нұймон қыртиш эса юрагини пармалаёттан нарасдан құтилмади, хәёлида шу үй: “ұзимга бұлсın, ұзимға! Богда ұзимнинг үйим бұлса, девор урсам, кимнинг боги, деб сұрашса, Нұймонники, дейишса...”

Ота-боболаримизнинг кенглиги, борини әл-жартыни деб билишлари оқибатида одамлар үртасида меҳр-оқибат шу bog каби илдиз отиб, қудратлы күчта айланғандир, балки богнинг мевалари орқали авлоддардан авлодларга шу ззгу түйгү күчиб үттандир, ривоятлар, ҳикматлар инсон боласини ззгулик сари етаклаб борғандыр? Асаддаги Улгай энанинг қабристонга салом беріб кириб бориши, Тошмозор ҳақидаги ривоятларни эслаши китобхонга ҳам ҳаяжонли кечинмаларни юқтиради. ҳамма тупроқ – бир тупроқ. Аммо қай улуг хис кичкина тепаликни юртта айлантирган? Қай улуг түйгү – одамларнинг виждон, имон, оқибат томирларини заминга боллаган?! Китобхон Улгай эна тимсолида она юртта меҳр қўйган, томирлари она заминга чатишиб кеттап улуг айни чогда оддий ва камтарин инсонларни тасаввур қиласи. Улгай эна каби bog ҳам яхши одамга үхшайди, минг йилда дунёга бир келади. Дараҳтлар одамларнинг қолган умрини яшайди, шунинг учун дараҳтларгаям, одамларгаям, она заминга ҳам меҳр керак! – дея бонг ургинг келади.

Ёзувчининг “Бир кунлик меҳмон”<sup>2</sup> қиссасида ҳам тог одамларининг ҳаёти тасвиrlанган. Воқеалар собиқ курсдошлардан Сайднинг қишлоққа, Холмұмин хонадонига меҳмон бўлиб бориши билан бошланади. Қишлоқ ҳаёти, одамлари Сайднинг нигоҳи орқали кузатилади. Воқеаларга энг биринчи Дўхтир бова кириб келади. Қишлоқда кимнинг үйига меҳмон келса, қўни-қўшни, ёру биродарларга хабар берилади, бир неча соатдан кейин меҳмон

<sup>1</sup> Бұтаев Ш. Күтботардаги bog. Қиссалар ва ҳикоялар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриети, 1997. – 40-бет.

<sup>2</sup> Бұтаев Ш. Ҳаёт. Қиссалар Бир кунлик меҳмон . – Т.: Шарқ, 1997. – 445 б.

“құлма-құл” бұлиб кетади. Дүхтири бова қишлоқнинг аптекачиси. Мәҳмөн келганда қишлоқ аҳли биринчи “катталар”га хабар беради. Холмумин Дүхтири бовага хабар бердиргач, улар учовлашиб, яланглиқда дам оладилар, “анови”дан отишиб, яйрашади, кечгә томон мәҳмөнни түйга таклиф қилишади. Түй тасвири орқали ёзувчи урғодатларга муносабат масаласини ёритишга ҳаракат қиласы. Түйдан кейинги уришиш-дүппослашувларда күёвга зиён етмасин, деб уни тепага, шохсупага ўтказилгани, келинни эҳтиётлаб, чимилдиқда сақлашгани, элнинг “катталари”: раиснинг мувовини, бригадир, омбор мудири ва бошқалар ўтирган хона тасвири, ҳар бир шахс қиёфасини чизиб берувчи тасвирлар мәҳмөн нигоҳи орқали гавдалантирилган. Шаҳардан келган артистларнинг маънисиз құшиқларини писанд қымай, эл ҳурматлаган ҳофизларни құшиқ айтишга чорлаш, полвонларнинг енгилтаклики ор билиб, сукут сақлашлари, Абдужалил тоганинг даврани сеҳрлаган овози тог одамлари ҳәстидан билиниб-билинмай узоқлашаёттан анъанаалар, табиийлик, бегуборлик ҳақида ўйлатади. ҳофизлар устидан пул сочилганда “замонавий артистлар” териб олади, улар эса магрур юриб түйхонадан узоқлашадилар. Ана шу манзара тасвири ҳақиқий истеъодиди Оллоҳ инъом этиши, буни англай олган истеъодиди соҳиби эса ўз истеъодиди мевасини халқига ҳеч бир манфаатни күзламай тортиқ этиши лозимлигини ўз эътиқодига айлантиради. Бундай имон згаси бўлмаганлар эса ҳамма нарсани пуллайдилар. Саид воқеаларни кузатар экан, ўз айблари ё нуқсонларини бекитиш учун “ниқоб” топадилар, шу ниқобни кийиб, ҳақиқий башараларини бемаъни, қиммати йўқ матоҳдай ҳис қиласы: неча йиллардан бери бир бўлимда ишлайди, эрта кетади, қош қорайғанда қайтади. Хўш, ундан, у умрини тиккан ишидан кимга нима наф тегаяпти? Унинг ўзи ким? Нега ҳеч қачон ичига, ичидаги тўлиб ёттан ҳасратларига қулоқ тутмади? Одам – кар – қингир ишларга ичида бўлаётган галаёнларга қулоқ тутмайди; одам – кўр – ичидаги даҳшатли манзараларни ҳеч

вақт күролмайды, одам – шол – ўз ичига боролмай, кераксиз жойларда такаббурона одимлаб юраверади.

Сұпининг уйига ўт кетди. Ут үчирувчи машиналар етиб келди, қишлоқ аҳли ҳам құлдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қылды. Аммо сұпининг бор хонумони ёниб кул бұлды. Айтишларича, у келини билан тил бириктириб соддадил чүпонга туҳмат қылған ва подадан ұмарған; икки мәрдикор йигиттә туҳмат қилиб, уларнинг ҳаққига хиёнат қылған, улар “уйинг күйсін”, – деб қаргаганлар. Энг қизиги, қишлоқнинг ўртасында катта чинор аввал құшлар учун шаҳар бұлған экан. Уч-тұрт йил один икки олаңакка пайдо бўлиб, тинмай қагиллабди. Ҳамманинг жонига теггач, болалар рогатка билан иккаласини уриб туширишибди. Кундан-күн негадир қушларнинг сайрашлари ҳам камая бошлабди. Бир куни чинордан каттакон илон сирғалиб тушаёттанды одамлар күриб қолиб, тошбүрон қилиб уни үлдиришибди. Олаңаккалар илондан хабар беришганини одамлар кейин англаб етишибди.

Инсонлар аслида табиатнинг бир бұлаги, афсуски, буни доим ҳам ёдда тутмаймиз. Үзлигимизга, одамларга қылған хиёнатимиз, Она ерга, Она табиатта ҳам хиёнатдир! Саидмурод шуларни англаған ҳолда уйғонади, кетишига иштиёқ сезади, йұлға отланади. У энди англаған ҳаёт йұлға ошиқар эди.

“Бир күнлик меҳмон” қиссаси бизни ҳаёт ҳодисалари замиридаги ҳақиқатларни идрок этишига йұллайды, үзимиз узоқлашаёттан табиийлікка, зэгуликка қайтишига чорлайды.

Қисса воқеалари айрим ўринларда яхлит композицион бутунликни ҳосил қымагандай тасаввур уйғотади, маст-аласт ҳолдаги Холмұмин билан Дұхтир бованинг жиiddий фалсафий фикр-мулоҳаза юритишлиари кишини ишонтирмайды, асосий воқеаларнинг муаллиф тилидан ұқыя қилиниши эса бир қадар китобхонни зериктиради.

“Эски арава қиссаси”даги воқеалар эса аксинча, бири-иккінчисига boglaniib, воқеалар ривожини таъминлаган,

қаҳрамонлар ҳам шу ҳодисалар ичида ўзлигини намоён қиласи. Энг диққатта сазовор жойи шундаки, Гоголнинг "Улик жонлар"идаги Павел Иванович Чичиков билан унинг ҳамтвоқлари "у асардан бу асарга ўтиб олишган". Чичиковни ҳайрон қолдириб, Селифан Ўзбекистондан меҳмонлар келганини айтади. Петрушка билан бирга уша ёққа кетмоқчилигини айттанды Чичиковнинг газаби қайнайды: - Вой ифлослар-эй, в-ой лаънатилар-эй! - деди бўғриқсанча. Сизлар кимга керак бўлиб қолибсизлар? Сиз ароқхўрлар, сиз маймунларга, сиз дангаса - ишёқмасларга жа-а бировнинг кўзи учуб турибди экандада..."<sup>1</sup>

Хуллас, уша машҳур "Улик жонлар"нинг хўжайини Чичиков ўз эски аравасида ҳамтвоқлари билан уни қучоқ очиб кутадиган ўзбекистонга йўл олади. Бу ерда уларни нон ва туз билан кутиб олишади. Қучоқ очиб кутиб олганлардан бири калтабақий, оғзидан саримсоқ ҳиди анқиб турувчи Нишонбой Ҳурзамонович эди.

Очигини айттанды, у саримсоқни хушламас, аммо меҳмонларга маънан яқинликни, фикран ҳамфирликни ифодалаш мақсадида саримсоқ ҳидини таратиб юради.

Қиссада Нишонбой Ҳурзамонович ётларга бош эгиб, мутелигини ҳеч уялмай намойиш этувчи лаганбардор, ўзлигини йўқотган билимсиз лўтгивоз бошлиқ сифатида тасвиранади. У хатто Павел Ивановичнинг ким эканлигини, нима муддаоси борлигини ҳам аниқ билмайди.

У шошилинч мажлис чақиради. Аслида меҳмоннинг ким эканлигини билиб олмоқчи эди. Аммо сўз очишига ҳеч ким журъат этмади.

" - Павел Ивановичнинг юртимизга ташриф буюришлари бизнинг ҳал бўлмаёттан кўпдан-кўп муаммоларимизни ечиб

<sup>1</sup> Бутаев Ш. Кунботардаги боб. Қиссалар ва ҳикоялар. -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти , 1997. - 63-бет.

юборишга хизмат қиласы, - деди Нишонбой Ҳурзамонович.  
Қарсаклар бұлды.

- Дұстлик ришталарини янада мустақам болгайверамиз, - деди  
Нишонбой Ҳурзамонович. Күчли қарсаклар бұлды.”<sup>1</sup>

Ёзувчи мамлакатимизға эски аравасида кириб келиб, кутилмаган  
иззат ҳурматта сазовор бұлған, обрұ-эътибор қозониб, хатто тұрга  
үтқазилған Чичиковлар, Собакевичлар тимсолида ароқхұр, мияси  
бұм-бұш, еб-ичишиңнина ўйловчи чүчқасиғат махлуқларни  
гавдалантирар экан, улар құлиға ўз юртини, наинки юртини - борини  
топширишга тайёр мансабпарастларни тасвирлайды. Улар ёнидан жой  
олған “Ёнқозиқ” - рухоний худониям, пайғамбарларни ҳам  
Нишонбой Ҳурзамонович бир күз қирини ташлаши билан керакли  
йұлға хизмат қылдирауверади.

Дәхқончилік ишлари бүйіча маслағатчи Кошкарев ўз  
режаларини қуйидаги баён қиласы: Оврупо тупроқлари билан Осиё  
тупроқларини аралаштириб, янги, серунум тупроқ ҳосил қиласы!

Кошкарев ўз режаларидан лоғ ургунча, Чичиков қочиб қолади,  
қолғанлар эса пинақка кетишағы.

Асарнинг бошланиши, воқеалари қанчалик гайритабиий бұлса,  
якуни ҳам шүнчалық кутилмаган тарзда содир бұлади. Хүш, ёзувчи  
яраттан бадий умумлашма қандай маңынан ифода этади?

Миллатларни тутатыб, ягона “рус халқини яратиш”, юртларни  
янчыб, ягона иттифоқ ҳудудини юзага келтиришга интилған собиқ  
тоталитар тузум сиесати ва мағкурасини, режаларини онғызыларча  
қабул қиласы Нишонбой Ҳурзамоновлардан хатто Чичиковлар -  
“ұлык жонлар” ҳам қочиб, дүзахни афзал билиштеги ушбу қиссада  
сероқшын, қабариқ тасвир услуги орқали бадий ифодаланғанки, бу  
хусусияттар шубхасиз, қисса жанри имкониятларининг кенглигини  
намоён қиласы. Айни чогда, эпик тафаккур тарзи ҳам серқаттам,

<sup>1</sup> Бұтаев Ш. Қунботардаги бог. Қиссалар ва ҳикоялар. -Т.: Адабиёт ва санъат нашриети , 1997. - 76-бет.

сероҳанглиги билан ажратиб туради, салмоқли бадий умумлашмаларни ҳаракатлантириши билан диккатимизни тортади: китобхон асар воқеаларини кузатиб, шуни идрок этадики, мустақил, озод, эркин ҳаётни ўзлигимизни англаш, ўзимиздаги муте туйгуларни қўпориш, ўзгаларга қуллуқ қилиб яшаш тарзидан воз кечиш, том маънодаги мустақил фикрлашга эришиш орқалигина забт этишимиз мумкин. Ўзлигини англаган, ўз қадр-қимматини, гурурини англаган халқнингина бошқа халқлар ё миллатлар ҳурмат қиласди. Ватанимиз ва миллатимизни мазах қилишларига йўл қўймаслик учун энг аввал мутелик психологиясини яншиб, ўзлигимизни англашимиз лозим! Шундагина “Эски аравалар”га кунимиз қолмайди.

Ёзувчи Ш.Бўтаев “Шўродан қолган одамлар” қиссасида халқимиз онгида мутелик психологиясини илдиз оттирган жамият ва у етиштирган одамлар қиёфасини руҳий таҳдил усулидан фойдаланиб очиб берган. Айни шу усуlda “Шўродан қолган одамлар”<sup>1</sup> қиссасидаги амаки қиёфасини жонлантиришга эришганки, натижада, китобхон қаҳрамонларнинг ўзига хос дунёсига дуч келади. Асар воқеалари давомида қондош ака-укаларнинг бир-биридан узоқлашиб, ётлашиб кетиши оқибатида улар дунёсида содир бўлган маънавий-руҳий бузилишлар ҳақдоний тасвирланган. Ёзувчи уларни гўё зимдан кузатади ва барча хатти-ҳаракатлари, кечинмаларини табиийлигича ифодалайди.

Қисса қаҳрамонларининг номлари уларнинг лақаблари билан айтилади. Қиссадаги Аканинг исми бирор ўринда тилга олинмайди. Асарда Амаки, Назоратчи, Гўрков каби қаҳрамонлар ҳам бор-ки, уларнинг тимсолида китобхон яқин ўтмиш кишиларининг қиёфасини кўради. Тошмурод алам аччигида ҳамда бемехрлиги туфайли Амакининг бузогини ўтирглаб қамалади. қишлоқ одамларининг бу воқеага ўзига хос муносабати орқали уларнинг ички дунёси экс эттирилган:

<sup>1</sup> Бутаев Ш. Қиссалар. – Т., 2000. – 314-бет.

“Құни-құшнилардан ҳеч қайсиси үгілардан негадир нафратланишмас, қайтага уларга ичлари ачишиб, ох-воҳ қилишар, эзилишар, гүёки үтирангандар эмас, үтирлattанлар айбдордек: гүёки пашшадек нарсани филдек қилиб мелисагача күтариб борган амакидан ёзгиришарди; чунки, амаки дағвосидан воз кечса ҳам, мелисалар воз кечмаслиги олдида бир жондор хуни ҳеч нарса әмаслигини айтишарди. ҳеч бирининг гуноҳи йўқ, дейишарди; ҳамма гуноҳ уларни үтирикка мажбур қилганларда, дейишарди-ю, бу мажбур қилганлар ким экан, деган саволга жўяли жавоб айтишолмасди; ҳаммасиниям назарида, у катта куч кўзга кўринмас, у қандайдир узоқда, жуда узоқда бўлиб туюлар, у ҳаммани кўриб-билиб, ҳол-аҳволидан хабардор бўлиши керак ҳолда ҳеч кимни кўрмайттанлиги, ҳеч кимнинг ҳол-аҳволидан хабар олмаёттандиги одамларни ажаблантиради, холос”.<sup>2</sup>

Бу келтирилган парчадан соддадил қишлоқ одамларининг руҳиятини ҳис қилиш мумкин.

Қиссада Назоратчи образи гоят чуқур бадий таҳлил этилган, чунки у шўродан қолган одамларнинг типик вакили, манқуртта айланаётган нотавон кимса:

“Мэлс назоратчининг исми эди. Ўз номини эшитиб у галати бўлиб кетди. Бу номни у ўзига йигирма ёшида, аскарлиқда эканлигида танлаган эди. Кейин қулогига аzon айтиб қўйилган исмини ана шу ном билан алиштириб олмоқчи бўлганини командирларига айттанида, улар бу шоввоз аскарнинг топқирлигига; замон билан билла-билла нафас ола билишига қойил қолишиб, уни муборакбод этишганди. Уни ана шу ном билан аташиб, шу ном билан янги ҳужжат олиб беришганди. Ҳужжатни полк командирининг шахсан ўзи топширган, полкнинг барча зобит аскарлари олдида уни табриклаб, қучоқлаб упганди. Одамда собит эътиқод бўлса, йигирма ёшида ҳам исмини ўзгартира олади, деганди. Кейин полк оркестри

<sup>2</sup> Бўтаев. Ш. ҳаёт. ғиссалар. -Т.: Шарқ, 2000. - 235-бет.

жўрлигида батальонлар, роталар, взводлар шаҳдам қадамлар билан «Широка страна моя родная...» деган қўшиқни айтиб ўтишган, назоратчининг қалби қувончга, кўзи ёшларга тўлиб полк командирининг қабатида турганди”<sup>1</sup>.

Бундан кўринадики, Назоратчининг онгида шўро даврининг зўравонлик, ўзгаларни муте қилиш гояси чуқур илдиз оттан. У ушбу онг билан яшаб келаяпти. Қамоқхона бошлиги ҳам шўро даврининг мустабид сиёсатини зўрлик билан ўзгаларга сингдираётган кимса. У Тошмурод назоратчининг ўгли эканлитини билади, аммо унга заррача ачинмайди, хатти-ҳаракатлари билан тош қалбини ошкор этиб қўяди:

“Иккинчидан, – давом этди бошлиқ ҳамон бош бармогини букиб тураркан, – конвойнинг айттанларидан чиқилмасин, унинг назоратисиз ҳеч қаерга борилмасин, претензия билдирилмасин, унинг сенга қариndoш, яъни ота эканлиги сунистеъмол қилинмасин. Учинчидан, – бош бармогини қаттиқроқ букиб олди, – аҳоли орасида учраган одам билан ҳар хил мавзуларда гаплашиб кетилавермайди. Тўртинчидан, – бошлиқнинг бош бармоги қийналганидан қасирлаб кетди, – уч суткадан бирон соат ҳам кечикилмасин”<sup>2</sup>.

Бу мешчанлашиб кеттан бир зиёлиномо одамнинг қиёфасидир. Ёзувчи шу қиёфани ичдан ва сиртдан ёритиб, бу тип одамларнинг маънавий ҳаётимизга етказаётган зарарини рўйи-рост очиб берган. Қиссадаги воқеалар кечагина кўз олдимиизда содир булган. Шунинг учун ҳам китобхон асар қаҳрамонларининг фожиалари, кечмишлари, изтиробларини чуқур ҳис қиласди, тушунади. Асар қаҳрамонлари ўзлигини унугтган, кечаги кундан бехабар, гариб кимсалардир. Ёзувчи ана шу гариблик моҳиятини ёритишга бор маҳоратини сафарбар эттан. Адабиётшунос олим Абдугафур Расулов бу ҳақда шундай деб ёзган эди: “Шойим Бўтаев шўро одамларини, кечаги кунни чуқурроқ ўргана борди, руҳий-маънавий таназзул сирларини аниқлашга

<sup>1</sup> Бўтаев Ш. Ҳаёт. Қиссалар. –Т.: Шарқ, 2000. - 408-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. - 412-413-бетлар.

интилди. Имон-эътиқод, файз-тароват, мурод-мақсаддиллик қалби уйғоқ, таваллуд тоңган күнгиллардагина бұлар экан. Шуро мавкураси, сиёсати инсонийликнинг жон томири – яраттанни таниған, унга талпинган, ундангина құрқан күнгилларга тажовуз қилди. Масжиду мадрасалар бузыб ташланды, яроқсиз ҳолга келтирилди; имому уламолар, ахли илм маҳв этилди. Минглаб қишлоқлардан, Кенту шаҳарлардан имон күтарилиб, файз кета бошлади. “Шуродан қолган одамлар” қиссасида мана шундай қишлоқлардан бири тасвиrlанған<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, ёзуучи тасвиrlаган ҳаёт ҳақиқати шуки, етмиш ийлдан күпроқ ҳукм сурған шуро мафкураси виждонсиз, имонсиз кишиларнинг күпайишига хизмат қылғанligини китобхон чуқур ҳис қиласы. Ш.Бұтаев үз қиссаларида кечаги кунимиз етиштирган бундай тошбагир кишиларнинг қиёfasини маҳорат билан чизиб берган, улар туфайли маънавий ҳаётимизга етказилған талофотлар, руҳий изтироблар ва фалокатларнинг сабаблари-ю оқибатларини эпиклик талабига күра кенг күламда тадқиқу таҳлил қилишга әришган.

Сүнгти йилларда яратылған қиссаларнинг күпчилигига тимсолларнинг атай индивидуаллаштирилмаганлиги ва тилнинг аллегорик-киноявийлиги хосдир. Бу қиссаларга хос умумийлик уларда ёзуучилар алоқида инсон қиёfasини чизишден күра қиёfasиз ижтимой қатлам, «мен»сиз одамларни тасвиrlаш асносида оммавий қиёfasизлик оқибатларини ёритишига, күпчиликнинг маънавий таназзулини давр фожиаси сифагида акс эттирганликларida күринади.

Эркін Аъзамнинг “Шоирнинг түйи” ва “Чапаклар ва чалпаклар мамлакати” тарзида номланған иккى қиссасиға назар ташласак. «Шоирнинг түйи»<sup>2</sup> қиссаси қатагон қилинған буюк шоир ҳақида битилған асар. Аммо унда аниқ бир шоир исми тиңға олинмайды. Қатагон қилинған ва эндилікда түйи үтказилаёттан шоир – Оташқал

<sup>1</sup> Расулов А. Таваллуд топаёттан күнгил муждалари Ш.Бұтаевнинг “Хаёт” китобига езилған сүнгти сүз. –Т.: Шарқ, 2000. - 433-бет.

<sup>2</sup> Аъзам Э. Кечикаёттан одам. Қиссалар – Т.: Шарқ, 2002. - 311-бет.

шоир, унинг рақиби бўлган шоир – Оқсоқол шоир. Улар ёшлиқда талашишган соҳибжамол – Мовий кўз дилбар ёки Алвастихоним, Оқсоқол шоирнинг фатвоси билан юрадиган олим – Ажойиб домла. Ювиндиҳўрларнинг барчасига раҳнамо аёл – Мафкурахоним. Яна Тепакал, Заҳматкаш, Машшуқаҳоним, Фан арбоби, Жиянбека, Темирйўлчи, Ёш шоир, Мусоғир каби образлар қиссадан урин олган. Ёзувчи бутун бошли бир миллат, унинг зиёлилари орасидан ҳеч кимга от қўймайди. Чунки от “мен”ни, ўзликни талаб килади. Шоир айтмоқчи: «ном номусга эгадир». Қиссанинг кўпчилик қаҳрамонларига эса айнан номус дегандан нишона йўқ. Шахслик йўқолган, одам қулга, халқ оломонга айланган жойда от эмас, сифат муҳим бўлиб қолади. Шахслигидан айрилган от – одам ўз ҳосиласи – сифатга айланади. Қисса ўқилганда китобхонда қиёфасидан ажралган, отини йўқоттан, бир-бирининг юзига қараб ёлғон гапирадиган, талантли фарзандларини қобилиятсизларга қурбон қилиб, уларга бўйсунадиган оммага нафрат ҳисси пайдо бўлади.

Эркин Аъзамнинг маҳорати шундаки, у ташқаридан қараганда ҳаммаси ҳам қиёфасиз бўлган қаҳрамонларнинг ҳар бирига хос жиҳатларни гоят усталик билан акс эттира олган. Мана шу жиҳат уларнинг қиёфасиз қиёфасини кўрсатишга хизмат қилган. Чунончи, Оқсоқол шоир қанчалар худбин, олчоқ бўлмасин қачондир иқтидорли бўлгани ва қачонлардир йирик одам бўлганлиги сабаб ўз кўнглида ҳақиқатни тан олади. Унинг даврдоши бўлган Ажойиб домлада бундай туйгу мутлақо йўқ. У – фақат манфаатни, ҳар бир гапи, хатти-ҳаракатидан фойда чиқаришнигина ўйладидиган, хижолат бўлишдан маҳрум туйгусиз бир кимса. Оташ қалб билан бирга ўқиганмиз деб даъво қилган, аслида, шоирнинг отини ҳам тузукроқ эслай олмайдиган Фан арбоби – турли баҳонада ўзини кўз-кўз қилиб, эътиборга тушиш илинжидаги фойдаҳўр кимса. Мафкурахоним ўзи мутасадди саналган соҳалардаги муаммоларни ҳал қилиш бобида

мутлақо авом бұлса-да, сиёсий манбаатни илгаш, ҳақ гапни айтадиганларнинг йўлини тусиши борасида устомон.

Муаллиф одамларни эмас, балки уларнинг яхши-ёмон хатти-ҳаракатларини тасвирилаш йўли билан уларнинг инсоний қиёфаларини намоён эта олган.

Фожиа билан кулги омухта бўлиб кетган бу асарнинг ўқишилигини, юқумлиигини таъминлаган асосий омил ровийнинг тилидир. Э.Аъзам тилнинг товланиш имкониятларини гоят пухта билади. Уни инсон табиатининг энг яширин, ички жиҳатларини ҳам оча биладиган тарзда ишлатади.

Э.Аъзамнинг “Чапаклар ва чалпаклар мамлакати” қиссаси<sup>1</sup> кечаги кунимизни, ушандаги сезимларимизни тафтиш этиши жиҳатидан эътиборга лойиқдир. Асарда Бўриё номли афсонавий мамлакатнинг афсонавий бўлмаган ҳаёти журналист Бахтиёр ва икки кишилик «делегация раҳбари» - Эркин образлари нигоҳи орқали акс эттирилган.

Бўриёning доҳийси Хон Ман Мен, унинг иниси ва ёрдамчиси Хон Мен Манинг раҳбарлигида “нурофшон келажак” сари дадил бораёттан тилсиз – забонсиз халк, унинг маънавиятини парчалаш билан шугулланаёттан қудратли ёлгончилик машинаси – мафкура қиссада жуда эсда қоларли килиб ҳажвий йўсинада тасвириланган. Асардаги ҳажвий йуналиш қаҳрамонлар табиатидан эмас, муаллифнинг муносабат тарзидан келиб чиқади-ки, бу хол тилимизнинг кулги имкониятларидан усталик билан фойдаланиш натижасидир.

Қиссада Товарищ Як, Майда Хон, Хон Ман Мен, Хон Ман Николай Федорович, Бахтиёр, Саида сингари образлар акс эттирилган бұлса-да, уларнинг бирортаси индивидуаллаштирилмаган. Чунки муаллифнинг мақсади ёлғон эътиқодлар асосида яшаган мустабид мамлакат аҳлида ўзликнинг маҳв этилиб, қиёфасизланиш

<sup>1</sup> Аъзам Э. Пакананинг ошиқ кунгли. Қисса ва ҳикоялар – Т.: Маънавият, 2001. - 108-бет.

жараёнини бутун муреккаблиги ва даҳшати билан тасвирилаш эди. Айтиш жоизки, ёзувчи бунинг уддасидан чиқсан.

Демак, мустақиллик йилларида яратилган ўзбек қиссаларига хос етакчи тамойилларидан яна бири бу анъанавий реализм йўналишидан бир оз фарқ қилувчи ижтимоий ҳаёт оқимининг шахс табиати, руҳиятига таъсирини бадиий тадқиқ ва таҳлил қилишдаги янгича ёндашув орқали намоён бўлмоқда. Ёзувчилар ижтимоий ҳаётта муаммолари ёки матънавий-ахлоқий ё маиший ҳаётта оид муаммоларни кўтариб, уларнинг инсон ҳаётига, руҳиятига таъсирини бадиий тадқиқ этишдан кўра одамлар қисматининг фожий нуқталарини тадқиқ қилишга бор имкониятларини сафарбар этактилар ва ўзига хос бадиий кашфиётлар яратмоқдалар.

Ҳаёт ҳодисалари ва инсон руҳиятини холис кузатиш, тафтиш этиш орқали ёзувчилар давримизнинг муҳим жараёnlари моҳиятини ёритишга эришмоқдалар, ёхуд ўтмиш давр – мустабид тузум ва унинг мафкураси етказган фожиаларни инсонлар онгу тафаккури ҳамда руҳдаги инқизозга, зиддиятта болграб ёритмоқдалар. Демак, насримиз ўз тараққиётининг янги даврини давом эттироқда. Маърифатли жамиятдаги инсон ҳақидаги ҳақиқатни айтиш, замондошимиз қиёфасининг “концептуал инсон”дан фарқли қирраларини тасвирилаш, юксак миллий ва умуминсоний қадрияtlарни эъзозлашга даъват руҳи мустақиллик даври ўзбек қиссаларига хос муҳим эстетик хусусиятдир. Танқидчи Абдулла Улугов ўзининг «Дардман дил илтижолари» мақоласида: “Руҳимизнинг ҳеч бир қонун, фармойишларга сигишмайдиган қувонч, қайгудек турфа бисотлари бисёр. Эндилиқда эса истеъдодли ижодкорларимиз ана шу изоҳсиз олам рангларини чизишга интилишмоқда. Улар муродлантираётган манзараларда инсоннинг ҳар лаҳзада минг бир қиёфа касб этадиган

безовта ички олами намоён бўляпти", - деб ёзганида бис тилга олган тамойил ҳақида сўз юриттан эди.<sup>1</sup>

Тўгри, ўтқир Ҳошимов, Шукур Ҳолмираев, Ҳайридин Султонов, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Омон Мухтор каби ўз истеъдодини анъанавий реализм услубида намоён эттан адилар ўзбек насрода талайгина. Айни пайтда, айнан шу ижодкөрлар яратган қаҳрамонлар қисмати, шахсияти, руҳияти тасвири-ю таҳлилида кўплаб рамзий ишоралар, киноя-кесатиқлар, баъзан юмор ё сатира унсурларидан фойдаланиш каби хусусиятлар кўзга ташланадики, бу китобхонни ўйга толдиради, манзаралар тасвирига сингдирилган ранг-баранг маънолар магзини чақишига ундаиди. Хусусан, ёш қаламкаш Сайд Анварнинг "Уч кун хўроз бўлганим" номли қиссаси адабиётимиздаги машҳур юмористик персонажларни ёдга туширади. Муҳиддиннинг шумлиги орқасида бемаҳал қичқирган хўроз товуши туфайли қишлоқда юз берган қизиқ ҳангомалар, соддадил қишлоқ одамларининг бемаҳал уйгониб, кундалик машгулотларини бошлаб юборишлари натижасида ноқулай – кулгили аҳволга тушиб қолишлари; икки бева қария: Рассоқ бува билан Лоҳила хола ўртасидаги муносабатлар, Муҳиддиннинг улар орасида "поочталиқ" қилиши каби ходисалар юмористик лавҳаларда чизилган. Бундай ўринлар китобхонда завқ-шавқ, кулгу уйготади.

Воқеалар Муҳиддин тилидан кулгили тарзда, шўх-шодон ҳикоя қилинади. Кулгу орқали қаҳрамон ўз-ўзини ва ўзгаларни "фош қиласди". Бу асар ҳақида адабиётшунос олим ва танқидчи У.Норматов қўйидаги асосли фикрларни билдирган эдилар: "Муҳиддин ичак узди кулгилар орқали фақат ўзгаларни эмас, ўзини ҳам "фош этиш"дан тап тортмаган, ўз ожиззиклари, шумликлари, гоҳо қалтис "туноҳдари" қанчалар қимматга тушганлигини тортинмай айтади, ифодалайди. Бу нарса асарга янада ўзгача файз, илиқлик, самимият баҳш этади...

<sup>1</sup> Улугқов А. Дағдман дил илтижолари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1993 – 26 февр.

Биргина истак шуки, санъатда, адабиётда ноёб соҳа-ҳажвчилик бошида турган, кулги тили билан сўзлаш истеъдодини илк асаридаёқ кўз-кўз қила олган бу укамиз бундан буён ҳажвий характерларнинг кўламдорлиги, мазмуннинг теранлиги, илмий ибора билан айтадиган бўлсак, қаҳрамонларнинг концептуаллиги устида бош қотирса, шунда у ҳажвий насримизни янги босқичга кўтара оладиган асарлар яратадиган олишга шубҳа йўқ...”<sup>2</sup>.

Айнан шундай мулоҳазани ёш ҳамда истеъодоли ёзувчи Абдунаби Абдиевнинг “Тилсим” қиссаси ҳақида ҳам билдириш мумкин. Адид ижтимоий воқеликни тасдиқлаш йўлидан эмас, балки анъанавий реализимга хос услугуни янги жиҳатдан бойиттанлиги асарда инсон кўнглини бор жозибаси, ранг-баранглиги, зиддиятлари билан тасвирлашга эришганлигига кўринади. Айнан шу хусусият унинг келажак ижодига катта умид уйғотади. Зоро, бадий асарнинг қимматини мавзунинг долзарблиги, мавсумийлиги ёки “уткир муаммо”си белгиламайди. Муҳими, ҳар иккала ёш қаламкаш ана шу эстетик тамойилни яхши билган ҳолда қалам тебратганлар. Ҳозирги ёки умуман ҳаёт ҳодисаларига шунчаки муносабат билдириш, ниманидир тасдиқлаш ёки инкор қилиш каби мақсадни ҳам белгилаган эмаслар. Аксинча, бу ижодкорлар ўзбек насрига хос анъаналарни ўзлаштирган ҳолда бадий сўз санъатининг асл табиати ва руҳиятининг сирли қатламларини янгича услубда очишига интилаганлар. Улар яраттан асарларнинг шакли, сюжет тузилиши, ифода тарзи ҳам узига хос. Бундай хусусиятлар анъанавий реализимга хос аниқ замон ва макон тушунчасининг мавжудлигини; ҳаёт ҳодисаларини изчил баён этиш, қаҳрамон руҳиятини урф бўлган реализм мантиқи асосида очиш; ҳаёт ҳодисалари ва инсонлар характерини бор тафсилотлари билан кенг тавсифлашга уриниш, реал ҳаёт ҳодисалари гирдобидаги инсон руҳиятини таҳлил қилиш

<sup>2</sup> Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Т.: Маънавият, 2000. – 50-51-бетлар.

каби 70-80-йиллар ўзбек насрига хос хусусиятлар билан омухтадай тасаввур беради. Аммо, мустақиллик даврида яратилган аксари қиссалар марказида воқеалардан кўра кўпроқ қаҳрамонлар, уларнинг онги, хаёлоти, руҳияти, борлиги бор кўлами ва турфа ранглари билан тасвирланган. Инсон онги ва дунёсининг бетакрор, зиддиятли жараёнлари ҳаётнинг ўзидағи каби гавдалантирилган. Натижада, хаёлот, руҳият билан реаллик уйгунлашиб, шарқона миллий руҳни, ҳаёт фалсафасини ифода қилган. Бундай ижобий жанрий-услубий изланиш ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланиши ва ўрганилиши лозим. Қолаверса, яккаҳоким мафқура, ягона соцреализм талаблари аллақачон рад этилган, демократик жамиятнинг ижодкор, яратувчи ва мустақил фикр-кишисига бўлган ҳозирги кунлардаги эҳтиёжи бадиий ижоднинг эскирмайдиган қонунлари ҳамон яшаёттанлигидан дарак беради: бадиий асар қимматини унинг қайси йўналишда яратилганлиги эмас, балки чинакам санъат асари даражасига кўтарилиган ё кўтарилимаганлигини белгиловчи хусусиятлари, фазилатлари белгилайди. “Соф анъанавий реализм” йўлида ижод қилган П.Қодиров, О.Ёқубов, ў.Хошимов каби ўнлаб санъаткор адиллар яратган ижодий мактабда униб, ўсиб, вояга етган ўзбек насрининг янги авлоди улар услубидан сабоқ олиб, бой анъаналарини, жаҳон адабиётининг тажрибаларини ижодий ўзлаштириб, илгор услубий йўналишлар яраттан адабий меросдан баҳра олиб, қалам тебратмоқдалар.

Демак, ўзбек насрининг қиссачилик жанри ҳам мазмун ҳам шакл жиҳатдан изланиш, янгиланиш жараёнини бошдан кечирмоқда, янги бадиий қашfiётлар яратилишига имкон бермоқда. Бор гап ижодкорлар маҳоратида, сўз санъатининг сеҳрли қудратини ишга кола билишларида: миллат дарди, ўй-хаёллари, орзу-тилаклари, изтиробу қувончларини, курашчан руҳини, гўзал ҳислатларини намоён этувчи бадиий бақувват асарлар яратса олишларида! Бу

тамойил шубҳасиз, мустақиллик даври ўзбек қиссачилигининг етакчи тамоилии бўлиб қолади.

Бутунги кун қиссалари қаҳрамони ўз-ўзини тафтиш этиб, ўз борлигини ранг-баранг жиҳатларидан намоён қилмоқда. Ҳаётнинг ута чигал жумбоқларига қайтиш, “муҳаббатсиз”, “тутқун” турмушга кўниши, ўз манфаатларидан юксакроқ инсоний бурч ҳамда масъулият олдида, азиз ришталар қаршисида, бинобарин ўзи ишонган эзгулик, поклик, самимий туйгуларга бош эгиш; ҳаёт ҳамиша чигалликлари, зиддиятлари, кам-кўстлари, кемтиклари билан ҳаёт эканини тан олиш – янгича ечимнинг юзага келиши ўзбек қиссаларидан инсонга янгича ёндашув тамоилии ўрин эгаллаганлигини англатади.

Ёзувчи Назар Эшонқулнинг “Момоқўшиқ” қиссаси қаҳрамони Муazzзам китобхонда айнаи шундай тасаввур уйғотади. Қишлоққа шахта терими хашарига келган бир гуруҳ “санъат аҳли” дараҳтзорлар оралаб айланиб юриб, қамиш чайла қаршисидан чиқиб қолишиади. “Чайла билан дараҳтзор оралиги йигирма қадам ҳам чиқмас, супада уларга орқа ўтириб, сўта ситтанча қандайдир қиз қўшиқ айтарди. Қизнинг овози тиник, хатто жуда тиник, таъсирчан, ширали ва мароқли эди. У қўшиқнинг энг юқори пардасини ҳам қийналмай, зўрланмай, табиий ва самимий куйларди... Бу жуда гўзал манзара эди, буни фақат уста рассомларнинг суратларидағина кўриш мумкин, бироқ энг зўр мусаввир ҳам унинг қўшигига бўёқ тополмаган бўларди. қизнинг овозида бани дунё ўзаро уйгунлашиб жаранглар, гўё ҳаёл ҳам, гўзаллик ҳам, орзу ҳам қизнинг қиёфасига кириб қўшиқ айтарди. Қўшиқни тинглаётган одам баҳорни, яшарин фаслини, солланиб турган гулларни, шабададан тўкилай-тўкилай деяётган қизғалдоқ баргидаги шудрингни, туман қоплаб олган бояни, варрак учираётган болаларни, юксак-юксакларда парвоз қиладиган жилваланаётган болалик хаёlinи кўз олдига келтириш мумкин эди. Болалик каби гўзал, тиник ва орзуманд бу овоз қуёшнинг иссиқ

тафтидек ўз оҳанги билан одамни эритиб юборар, күнгилга ёқимли шабададай эсиб кирарди...”<sup>1</sup>.

Ана шу түйгуларни хис қылган Шамси Салоҳ тунд, бироз олифтароқ, жимжима нарсага уч, бироз кибирлироқ, ҳамма нарсанинг тўзал бўлишини истовчи ва ҳамиша шунга интиувчи, ҳашамли ва жилвали нарсаларни севувчи, ҳар бир манзаранинг ниҳоятда зебо томонларини кўра оловчи, нафис ташбеҳларга устаси фаранг, яшashi ва кийинишида ҳам ўта зиёлилик барқ уриб турувчи киши эди; у ҳаётта ҳам, теварак-атрофга ҳам мана шу зиёлилик “кўзойнаги” билан қарапди. У Муаззамни уч кундан сўнг ўша қамиш чайла олдида учратди. Ёзувчи Муаззам билан китобхонни қўйидагича таниширади: “...у эндиғина йигирма бирга кирган, муаллимлар билим юртини тутатган, лекин орада бола бўлиб қолгани ва Отакулни совхознинг чеккасига биригадир қилиб тайинланганларни учун ишга ўрнаша олмаган, мана икки йилдан бери олти-етти ойи шу ерда, кўримсиз чайлада ўтар эди. У бир оз мустарликка мойил, таъсирчан, анча зийрак келинчак эди. Отакул ҳафталаб уйга бормай, шийпонда ётиб қолавергач, иссиқ-совугидан хабар олиб туриш учун у мактабда дарс бериш истагини ҳам ташлаб, мана шу чайлага кўчиб келган эди. Бу йил боласи уч яшар бўлиб қолгани туфайли уни қишлоққа, қайнонасининг қўлига ташлаб келган, ўзи эса эри билан беш ойдан бери далада эди. Хўш, у ҳақда яна нима дейиш мумкин, дарвоқе, у ростдан ҳам жуда сулув эди”<sup>2</sup>. Муаззамнинг сулувлигини қайта-қайта таъкидлаган ёзувчи “у сулув жувонларга ато этадиган барча фазилатга эга эди – ўта содда ва кўнгли бўш эди, вужудидан қишлоқ кесагининг иси келиб турарди”, – дея таърифу тавсифни тутатган. Аммо “вужудидан қишлоқ кесагининг иси келиб туриши” муаллифнинг сулув жувон ҳақидаги аввалги нозик таърифларини бир қадар дагаллаштирмайдими? Агар чуқурроқ фикр қилинса, бу ўринда

<sup>1</sup> Эшонқул Н. Уфқ ортидаги қуёш . Киссалар “Момоқушик” / Тўплам. . – Т., 1994. - 29-30-бетлар.

<sup>2</sup> Эшонқул Н Уфқ ортидаги қуёш . Киссалар “Момоқушик” / Тўплам. – Т., 1994. - 30-бет.

ёувучи аёлнинг сулувлиги устига ундан она замин иси келиб туриши янада ёқимли, тароватли кайфият уйготишини, билъакс, сулувлик моҳиятини ҳам аёлнинг айни она замин иси-ю рангларига мостабий гўзаллиги ташкил этишини татькидлаш мақсадида қўллаганлигига амин бўламиз. Афсуски, чўкаётган тун, қизарган шафақ, туралай айтиб, сигир согаётган сулув аёл, дала узра югуриб юрган кузги шабада... булар ҳаммаси нақадар уйгун, нақадар гўзал ва бетакрор эдики, Шамси Салоҳ буларнинг барига ёт, бегона одам эди. Шу боис Момо қўшиқ ҳам, бу манзара, атрофдаги табиий гўзаллик – бари уники эмас эди, унинг тасаввурига зид ўта жўн ва содда, айни чогда гўзал эди! Шамси Салоҳ уни ҳайратта солган гўзаллик ана шу жўнлик, соддалик, самимиликка уйгун эканини идрок эта олмайди. Муazzзам унинг назарида бошқа дунё ва бошқа ҳаёт учун тугилгандаи эди. Чайлада ҳамма нарса бетартиб сочилиб ётар, у одам яшайдиган жойдан кўра кўпроқ товуқ катагига ўхшарди, бу ерда ҳамма нарса қўпол, кўримсиз, хунук эди. У мана шу қора турмушнинг баҳтсиз асоратини излаб Муazzзамнинг кўзларига тикилди, бироқ бу кўзлар Шамси Салоҳга номаълум бўлган баҳтдан яйраб турар, ўзидан баҳтсизлик излаётган совуқ кўзларга ял-ял яшинаб боқарди. Шамси Салоҳ қанчалик уринмасин, бу кўзларнинг сирларини англай олмади, бу жувон нигоҳлари ортидаги баҳтсизлик аломатларининг асл сабабларини идрок эта олмади. “У ўз баҳтсизлигини одамлардан усталик билан яширишга уриняпти”, – деб ўйлади. “Ҳа, у баҳтсиз, аммо унга бу оғир ва заҳматли шароитдан қутилиб, ўз баҳтини топиш йўлини кўрсатиш керак”, – деб ўйлади ва Муazzзамни шаҳарга олиб кетиш режаларини тузди. Гўё бу аёлнинг чинакам баҳтта эришишида Шамси Салоҳ каби тушунган, қўли узун, санъатни, истеъодни қадрига етадиган ҳомий зарурдай.

“– Мен сизни ўқитиш учун ҳамма нарсани гаплашиб қўйдим. Сиз фақат борсангиз бўлди – қўлингизни совуқ сувга урмайсиз. Фақат овозингизни парвариш қилиш билан машгул бўласиз; ўқийсиз,

урганасиз, әңг муҳими – яхши, билимдон, дарди катта одамлар ичида бұласиз... Бу ерда эса – мана бу даға, мана бу пахта, мана бу чанғ-губор, анави чайла, чивинлар, сассиқ сув, исқирт қозон, ҳар йили олди-кети үйланмай түгилаверадиган касалванд ва чувринди болалар, жоҳил одамлар, таппилар, тезаклар орасыда хор бұласиз. Бу ерда на илму фанни, на санъатни, на құшиқни тушунишади; ҳаммалари ота боболаридан қолған катақларда итдай турмуш кечиришади. Бу ерда хор-зор бұласиз.

– Мени кечириң, сизни анча уринтиридим... Бизнинг ҳам елкамизга бир күн офтоб тегар, биз үқимасақ, болаларимиз үқир, ҳар қалай, ҳамиша шундай қолоқ бұлиб қолмасмиз. Агар қўлингиздан келса, ана қишлоғимизда қанча баҳтиқаро аёллар бор, ўшаларга ёрдам беринг... Менинг илдизим шу ерда! Шу одамлар орасыда, мен бошқа жойда қўкармайман<sup>1</sup>.

Шамси Салоҳ бу аёлни эридан, түгилгандан бери яшаб келаёттан, жоҳиллити-ю қолоқлиги билан бирга қадрдан бўлиб қолған одамлардан, ҳатто ҳар бир кесагигача оёгининг ҳидига ўрнашиб кеттан бу далалардан ажратиб бўлмаслигини ич-ичидан ҳис қиласи. Қаршисидағи йиглаёттан аёлга ўхшащ бепоён далалар билан шу аёл ўртасида қандайдир, ўзи тушунмайдиган мутаносиблик борлигини ҳис этди; ўзининг қуруқ, баландпарвоз, пуч гаплари билан Муazzамлар ҳаётини, юрган ташвишларини енгиллаштира олмаслигини ичдан тан олди, бўтизи ачишди, оддийгина ҳақиқатни англагандай бўлди: бод кўркам ва сўлим бўлиши учун битта дараҳтни эмас, бутун богни обод қилиш керак! Ана шу бадиий умумлашма Муazzам ва Шамси Салоҳ образларининг ўзига хос бадиий талқини воситасида яратилган. Бинобарин, санъат ва адабиёт равнақини белгиловчи асосий эстетик тамойилларидан бири – ҳаёт ҳодисалари ва инсон шахсини янги томонлардан кашф этиш ҳисобланади. “Момоқушиқ”даги қаҳрамонлар фақат шу жиҳати билангина диққатта

<sup>1</sup> Эшонқул Н. Уғқ ортидаги қуёш . Қиссалар. “Момоқушиқ” / Тұплам. . – Т., 1994. – 32-бет.

сазовор эмас, балки асарда қalamга олинган манзаралар, хилма-хил одамлар беихтиёр ёзувчи туғилиб усган макон ҳақида, у ернинг багри кенг, дагал, аммо сода ва самимий одамлари ҳақида тұла тасаввур беради, қишлоқ манзаралари маҳорат билан гавдалантириладики, китобхон беихтиёр үзини она заминнинг ажралмас бўллаги эканини англаб боради.

Назар Эшонқулнинг "Уруш одамлари" қиссаси 1986 йилда, яъни ёзувчи эндиғина йигирма уч баҳорни қаршилаган чогида "Ёшлик" журналида эълон қилинган эди. 1989 йилда бу асар гафур гулом номли Адабиёт ва санъат нашириётида алоҳида асар сифатида нашр қилинди<sup>1</sup>. Бу қиссада ҳам ёзувчи "Шамолни тутиб бўлмайди" ҳикоясидаги каби Терсота қишлоғи ҳаётини қalamга олган. Воқеалар қирқ тўртинчи йил декабрининг бошларида Нормат полvonнинг бир оёғидан айрилиб урущдан қайтиши ҳақидаги хабар билан бошланади.

Ёзувчи Нормат полvonнинг қиёфасини қўйидагича гавдалантирган: "Нормат полvonни кўриш учун келган қишлоқдошлари ўзлари тасаввур қилган норгул, барваста, умрида олишиб кўрмаган, лекин суюги йирик бўлгани учун полvon деб ном олган, қишлоқнинг олди чавандозларидан бири, қоматидан куч ёғилиб турган, ўттиздан энди ошган Нормат полvonни эмас, озиб, мушаклари шалвираб, буйин томирларида ажинлар пайдо булиб, яра излари қолган, ҳали дориларнинг бадбўй ҳиди кетмаган, кўринишидан элликлардан ошган, сочлари оқара бошлаган, ўзлари эшиттан урушнинг тирик гувоҳини кўрдилар. Қишлоқдошлари унинг юзидағи заҳдликка, куйган қулоқларининг орти ола-кула бўлиб қолган бўйинларига ва тез-тез сарак сарак силкиниб турадиган бошига ҳеч кўнига олмадилар"

Воқеалар тугуни Норматнинг қишлоқдошлари юзидағи ачиниш аломатини ҳис қилишидан ва хотинини жимгина кузатиб, ундан тўрт йиллик айрилиқ асоратини илгамаганлигидан юзата келади. Норматта

<sup>1</sup> Эшонқул Н. Уруш одамлари. – Т.: Адабиёт ва санъат нашириёти, 1989. 19-бет.

ҳамма нарсадан ҳам хотинининг тундлиги ёқмайди ва бу ҳолатнинг сабабини руҳан излашга тушади. Ёзувчи урушли ҳаётнинг "қон сачраган" муҳитини, кўнгли бўш, соддадил инсонларни дийдаси қаттиқ, ёвузашибган одамга айлантирган ҳаёт тарзини бирин-кетин китобхон кўз ўнгидаги жонлантира бошлайди. Охир-оқибат, руҳан мажруҳ уруш одамлари қисмати ўзлари каби аянчли ва фожиали тарзда гавдаланади.

Ёзувчи воқеалар оқимига моҳирлик билан урушсиз юрт ахтарган қўнгиротликлар ҳақидаги ривоятни киритиб ўтганки, бу ривоят асарга хос эпик тафаккур миқёсини таъминлашга хизмат қилган. Бойхуннинг ўлими олдидағи васияти шундай бўлган экан: "Агар урушсиз юртни топмасаларинг, унда ака укага, дўст дўстга, хотин эрга, одамлар бир-бирларига хиёнат қиласидиган, бир-бирини алдайдиган бўлиб қоладилар. Қаерда қон оқса, ўша ерда хиёнат кўп содир бўлади, баҳт у ердан юз ўгиради, одамлар яшаш илмини эмас, бир-бирини ўлдириш илмини ўргана бошлайдилар, сув ўрнига қон ичадиган маҳлукқа айланадилар. Уруш – ер юзидағи ҳамма эзгу нарсани қуритади, сизларни ер юзидан супуриб ташлайди, сизлар жоҳил ва адашган уруш одамларига айланаб қоласизлар. Шу сабабли сизлар урушсиз юртни топинглар, урушни ораларингдан ҳайданглар, тотув яшашга урганинглар". Асар воқеалари давомида китобхон бу ҳукм-хуносанинг қай даражада улкан ҳаётий асосга эга эканини "уруш одамлари" тақдирли мисолида англааб етади.

Нормат Бухор зовларидан ўтиб, қотнинг устидаги дарага борганда ям-яшил тог арчалари, тиниқ булоқ суви қарписида тинч ҳаётта қайттанига ишонди. "Энди бу тинчлигимни ҳеч нарсага алишмайман, хотинимни ҳеч ҳам ўкситмайман, одамларнинг кўнглини оламан, мана шу тоглар ҳурмати, хотинимни ҳам, мени интизорлик билан кутиб олган одамларни ҳам бошимда кўтариб юраман. Бир умр уларнинг иззатини қиласман, менинг учун энди уруш, қон, ўлим деган нарсалар тугади", – деб ўйлаган эди. Уруш

азоблари, қон ҳиди ва порох дудлари бэздирган қалби таниш ҳам эски, қадрдан ҳаётта ташналик билан кириб келаёттган паллада унинг дўсти ҳотам чавандоз урушдан қочиб, тогда юргани ҳақидаги хабар тарқалади. Раис, Нормат полвон ва бир неча ҳарбийлар унинг изидан тог томон кетадилар. Яна урушнинг қонли панжалари Нормат қалбини, наинки қалби, балки бутун борлигини, вужудини тилка-пора қиласди. Дўстининг очиқ қолган, даҳшат акс эттан кўзларини кўрганда у ўзини тамом унутади.

Анзиратнинг совуқ муомаласи аслида Норматдан "қора хат" олган аёл учун фавқулодда, худди момоқалдироқдай урушдан қайтиб келган эр олдидағи талмовсираш эмас эди. Унинг урушдан қайтиши Анзиратнинг ҳаётида кескин бурилиш ясади. У эрини худди аввалгидаи кутиб олишга, аввалгидаи муомала қилишга қанчалик уринмасин, буни уддасидан чиқолмасди. Эри келганда, болалари отаси бағрига отилянда бу одам учун ўзининг ҳаром эканлигини, энди ўзи учун чинакам баҳт ҳаром эканини аниқ ҳис қиласди. Аммо, болаларининг чулдираши, уйида эркакнинг борлиги унда яна яшашга иштиёқ уйготди. Энг даҳшатлиси ҳали олдинда эканини кўнгли ва онги билан англаб турса-да, муаллақ яшашга кўнди.

Ёзувчи Анзират билан Нормат образларини тасвиrlаща руҳият таҳлили ва тасвирини ўринли қўллаган. Аммо Мирзақул раиснинг инсоний қиёфасини очишда кўпроқ баён қилишга, тавсифлашга, ҳодисаларни муаллиф нутқи орқали ёритишга кенг ўрин берганки, натижада, унинг қалб ҳаракатларини, ички дунёсидаги ҳолатларни тўла ҳис қилиб, англаб ололмаймиз.

Асарадаги яна бир ўзига хос образ - бу Бийди момо ҳисобланади. Момо бутун Терсота қишилогининг кайвона кампира, бу ерда бир нарса унинг иштирокисиз бўлмасди. Бухор полвон вофотидан кейин бошига тушган мусибатлар уни метиндай тоблаган, қаддини янада тик қилиб қўйган эди. Кейинги мусибатлар кампирнинг ана шгу адл қоматини буқди, аммо руҳини буқолмади.

Ҳаётнинг адосиз мусибатлари қолдирған жароҳатлардан қаттиқлашган дийдаси алпдай баҳодир ўғилларидан айрилганда яна қаттиқлашди, акс ҳолда у бу мусибатларни күтаролмасди.

Бийди момо нафақат оиласининг ёки авлодининг, балки бутун уруги ва қишилогининг ор-номуси тимсоли сифатида гавдаланади. У барчадан ўз бурчини масъулият билан адо этишин талаб қилади, ор-номусни, виждонни, азалий урф-одатларни ҳар нарсадан устун қўяди, уларга ўзи ҳамиша итоат этади. Шу боис у Анзират қилган гуноҳни сира кечирмайди, унинг "сири"ни охиригача очишга аҳд қилади, ёлгон мулозаматдан аччиқ ҳақиқатни афзал билади. Номус, орият, шаън ва турур олдида у меҳр-шавқат-у кечирим туйгуларини яқинига ҳам йўлатмайди. Нормат полвонни эса уруш ва у келтирган мусибатлар эзib ташлаган, урушдан олдинги ориятли Нормат полвонни синдириб ташлаган эди.

" - Менда гапинг борми?! - деб сўради Бийди момо, унинг остонаяда қақдайиб турганини кўриб.

- Ҳа, нима бўлди?..

Нормат баттар бошини эгди:

- Амма, - деди синиқ овозда бошини кўтартмай, - мен... мен уйга қайтсамми, деб эдим... Бўлар иш бўлди... Энди нима фойда... шунга бизди орага тушиб яраштириб қўйсангиз.

- А?! - Бийди момо қулогига ишонмагандай қайтиб сўради. - қайтасан?! Уша бузуқининг олдига-я?! Нима? Орият борми сенда... Эркакмисан ўзи?!

- Амма! - унга илтижоли тикилди Нормат. - Мен болаларимди тирик етим бўп қолишини истамайман... Уша ёқлардан ҳам шу қора кўзларди деб қайтдим. Энди уларнинг хор бўлиб юришини истамайман. Кўйинг эски гапларди. Келинингиз адашган бўлса ўзидан кўрсин! Худодан топсин... бироқ болаларда нима айб?!<sup>1</sup>! Бу каби диалоглар орқали ҳам ёзувчи қаҳрамонлар руҳиятини бутун

<sup>1</sup> Эшонқул Н. Уруш одамлари. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 - 23-бет.

мураккаблиги билан ифодалашга эришган. Айниңса, асардаги табиат тасвири берилған лавҳалар асарға хос эпик тафаккур оқанғига ўзгача ёрқин ва ёқимли оқанғларни жо эттан. Мана бир мисол: “Ниҳоят құнғирот зелига баҳор кириб келди. У минг хил ноз, минг хил карашма билан уруш одамларининг юрагига яшаш ва яшариш ишқини солди. Уларни эркалади, соchlарини силади, адирларни қип-қизил лолаларга тұлдирди, бутун борлықа гүзәллик гиламини ёйди. Қирларни баҳт тиллари – майсалар қоплади. Жанжалкаш, асабий булиб қолған одамларнинг димогини эркалади, уларни қирларға етаклаб чиқди, күzlаридан үпди”<sup>2</sup>.

Шу үринде табиий савол күндаланғ бўлади: қандай бадий мақсадга кўра асарнинг фожиали, аламли воқеалари ичида маълум тұхтам, “нафас ростлаш”га ўхшаш ҳолат пайдо қилиш учун бир неча бор баҳор манзараларидан фойдаланган? Ёзувчи қаҳрамон дүнёсидағы ўзгаришларни ёрқинроқ ҳис қылдириш мақсадида, айниңса, Норматнинг юрагида, баданида занглаб қолған уруш хотираларини, жароҳатларини поклашга уринаёттанини рамзлаштириб, таъсирчан тасвиrlашга интилғанки, сўзсиз бунинг уддасидан чиққан.

Яна шуни алоҳида таъкидаш лозимки, бугунги ўзбек насира, хусусан қиссачилиқда ёзувчилар шеъриятта ва драматургияга хос айрим жанр үнсурларидан руҳият тасвири ёки пейзаж тасвирида фойдаланаётирлар. Нормат қалбида яширган интим туйгуларни очиш воситасида ёзувчи “уруш одамлари” бирикмасининг оқант, кўпмаъниолилигини таъминлашга эришган, айни чогда, лиризм үнсурлари орқали уруш инсонлар руҳиятини қанчалик майиб-мажруҳ этмасин, яраттан ато эттан инсоний бокира туйгуларни ўлдириш ва буткул яксон этиш мумкин эмаслигини эпиклик талаблари асосида

<sup>2</sup> Эшонқул Н. Ўша асар. – 26-бет.

ҳаққоний тасвирилашга эришган ёзувчининг маҳоратидан намуна келтирамиз:

“... Яна баҳор келади. Олам баҳорнинг шавқига тұлади. қирларда худди олдингидек уруш билан иши йүк, урушдан құрқмайдиган лолалар очилади. Ер пишади. Ер етилади. Қир-адирларни чигирткалар чириллаши уйготади... ухлатади. Нормат юрагидаги ҳислар қайтадан тирила бошлаганини, үзида яратиш құввати пайдо бұлаёттанини сезди. Бу – ұша афсонадаги Ер одамларидан, бобоси Бойхундан қолған Ерга бұлған Мұхаббат эканини оғриқ ва роҳат билан түйді. Унинг күлфат, азоб, изтироб, құрқув, шубҳа ва иккиланиш әзіб ташлаган қалбіда умид уйгона бошлади”<sup>1</sup>.

Шу тариқа ёзувчи уруш номи билан англанадиган йиртқичлик, зулм ва ёввойилик, зулмат ва фожиа бутун дүнёсінни ағдар-тұнтар қилиб “уруш одамлари”га айлантирган аввалги пок, мәжнатсевар, гурурли, ориятли, мард, инсонийлик бутун вужудидан барқ уриб турған одамларнинг уруш янчыб ташлаган қысматларини рухий коллизиялар орқали драматик шиіддат зарбига монаңд оқаңглар орқали таъсирчан ифодалашға эришган. Ҳар қандай шароитда ҳам уруш одамлари қалбіда нобуд бўлмаган инсоний түйгу – Она заминга муҳаббат уларни яна ҳаётта қайтарганини, яшашга, үзлигига қайтишга чорлаганини ҳаққоний тасвирилаган. Асарнинг бу хусусиятлари эпик тафаккур тарзининг кўпоҳанглигини, бадий умумлашмаларнинг салмолини тайин эттан.

Хулоса қилиб айтганда, биз таҳлил қилған асарларнинг жанр хусусиятларига таяниб қуйидагиларни таъкидлаш жоиз:

– ўзбек қиссанавислари алоҳида шахслар оламини, уларнинг ўзига хос түйгуларини, интим оламини табиийлигича, бор зиддиятлари билан ҳаққоний тасвирилашга ҳаракат қилмоқдалар. Натижада узбек қиссачилигига инсонни янги жиҳатлардан англаш

<sup>1</sup> Эшонқұл Н. Уруш одамлари – Т.: Адабиёт ва санъат национальны, 1989. - 29-бет.

тенденцияси қарор топди. Ўзбек ёзувчилари ўз руҳиятини тафтиш этиб, ўзлигини англашга интилган қаҳрамонлар ҳаёт ҳодисалари ва одамларга ҳам ўзига хос муносабатда бўлишлари табиий ҳол эканини диққат марказида тутган ҳолда зиддиятли ва мураккаб инсонлар образини яратишга эришдилар;

- инсонни тасвирлаш орқали инсонни англашнинг ўзига хос фалсафаси ҳам яратилади. Ўзбек қиссанавислари жанр тараққиётининг янги даврида ҳодисаларга ва инсон шахсига янги жиҳатлардан ёндашиб билан бирга реал ҳаёт ҳодисалари мантиқига, характерлар моҳиятига мос мифлар ва афсона-ю ривоятлардан фойдаланиб, уларнинг маъно-мазмунига сингдирилган ҳаётий фалсафасини тасвирланадиган ҳодисалар моҳиятига уйгуналаштириш воситасида эпик тафаккурнинг сермаъно сероҳанглигини, мазмуннинг кўламдорлигини таъминлаганлар. Натижада бадиий фикр ҳаракати учун кенг мақон яратилган, жанр имкониятлари янада кенгайган;

- ёзувчилар айрим сўзлар ёки сўз бирикмаларининг кўпмаънолилик ё кўпоҳанглилик хусусиятидан ("Момоқўшиқ" ва "Уруш одамлари" сўз бирикмаларининг ўзи уч хил маънода қўлланган) маҳорат билан фойдаланиб, асар қаҳрамонлари дунёсининг, руҳиятининг яширин нуқталарига етиб бора олганлар ва инсон дунёсидаги фожиаларни бутун даҳшати билан ичдан ёритишига эришганлар;

- қисса эпик тур жанрлари орасида ҳикояга қараганда мазмунининг кўламдорлиги билан ажralиб туради. Ўзбек қиссаларида ўзбекнинг ўзига хос табиатини, кўнглидаги сезимлар ва майлларни табиийлигича тасвирлашга интилиш кучайганлигини Ш.Бўтаевнинг "Кунботардаги бог", "Бир кунлик меҳмон" сингари қиссалари мисолида аниқ кузатиш мумкин. Тогликларнинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, орзу-интилишлари бугунги кунда барча инсонлар учун ниҳоятда зарур, аммо билиниб-билинмай

узоқлашилаёттан анъаналар, табиийлик, аждодлар хотираси ва мероси ҳақида ўйлатади, эзгуликка қайтишга чорлайди;

- “Эски арава”, “Шуродан қолган одамлар” сингари қиссалар таҳлилидан шундай хуносага келиш мумкинки, мустақил, озод ва эркин ҳаётни ўзлигимизни англаш, ўзимиздаги муте туйгуларни күпориш, ўзгаларга қуллуқ қилиб яшаш тарзидан воз кечиш, том маънодаги мустақил фикрлашга эришиш орқалигина забт этишимиз мумкин. Зеро, ўзлигини анлаган, ўз қадр-қимматини, гурурини тұла ҳимоя қила оладиган халқнегина ўзға халқтар ҳұрмат қиласы; Узбек қиссалари бу каби салмоқлы бадий умумлашмаларни ҳаракатлантириб туриши билан ажралиб туради;

- ҳаёт ҳодисалари ва инсон рухиятини холис кузатиш ҳамда бадий тадқиқу таҳлил қилиш орқали ёзувчилар ўтмишдаги мустабид тузум ва унинг мағкураси етказған фожиаларни инсонлар дүнёсідаги инқирозга, зиддиятта болғаб ёритмоқдалар. Натижада инсоннинг ҳар лаҳзада минг бир қиёфа касб этувчи ранго-ранг ички олами намоён бўлмоқда. Натижада, хаёлот билан рухият, ҳаётий ҳодисалар билан инсон борлиги узвийлиқда, бор кўлами ва турфа ранглари или тасвириланмоқда, шарқона миллий руҳни, ўзига хос ҳаёт фалсафасини ифода қилмоқда.

Назар Эшонқулнинг “Хаёл тузоги”, “Тобут”, “Ялпиз ҳиди” туркумидаги бир неча ҳикоялари, “Тўзон”, “Лаззат ортида қолган юрак”, “Огриқ лаззати”, “Зулмат салтанатига саёҳат” ҳикояларидағи ва “Қора китоб”, “Тун панжаралари” қиссаларидағи “мен”, “Маймун етаклаган одам” ва “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикояларидағи чол ва Байна момо образлари Абдулла Каҳдор таърифлаган “мен” эмас. Улар қилмиш-қиодирмисшларига иқрор бўладиган, ўзини тафтишу таҳлил қилиб, азобланадиган, тасдиқ-инкор исканжасида турган қаҳрамонлардир.

“Ўзгараёттан адабиётимизнинг ҳозирги ҳолатидан қаноатланмаёттан Назар Эшонқулнинг “Қора китоб” қиссасида ана

шундай “мен”нинг эркин намунаси яратилган, - дея хулоса беради А.Улугов ўзининг “Ўзгараёттан адабиёт манзаралари” мақоласида, - мазкур асар ҳодисаларни рамзлаштириш даражаси, инсон ишонч-эътиқодининг ўзгаришлар жараёнини образли гавдалантириши, изтироб ичидағи қаҳрамон руҳий дүнёсини таъсирчан қиёс, чогиштирумалар билан фалсафий тадқиқ этиши жиҳатидан адабиётимизнинг ўзига хос ҳодисаси саналади. Чунки қаҳрамон иқори, тавба-тазарруси, изҳори сифатида битилган ушбу қисса, аввало, ифода тарзи, жозибали тили билан диққатни жалб килади.”<sup>1</sup> Тұгри, асар аңғанавий баён усулида ёзилгандай күринади. Бирок, “Қора китоб” қиссаси, шунингдек, “Хаёл тузоги”, «Тұзон», “Лаззат ортида қолған юрак”, “Зулмат салтанатига саёҳат” ҳикоялари аңғанавий асарлар сингари бир киши тақдири тафсилотлари тавсифидан иборат әмас. Улар мисалынан азобда ўртанаёттан, бор бисотидан, ўзлигидан ажралған, дүнёга құл силтаган инсон ички оламининг сұзда чизилган суратидай бўлиб күринади. Бу сурат буюк рассомлар асарлари сингари қабариқ ва таъсирчандир. Үндан ўз хотираларини енголган, тақдир сұқмокларида адашган аламзада одам сұзлаб турғандай күринади. Бу қаҳрамонлар ўзини-ўзи инкор қилған галаёнларнинг мұйжаз умумлашмаси саналади. “Қора китоб” қиссасида ўз “мен”ини тафтиш қилаётган қаҳрамон ўзига-ўзи...“мени хеч ким ўзимдек суд қилолмайды. Жазо нима у?” деган савол құяди ва “Шунчаки расмий маросим. Аслида энг олий жазони күнгилнинг ўзи чиқаради”, - дейді.<sup>2</sup>

Ҳақиқатан ҳам инсон ўз қилған айбини, хатосини қалбининг туб-тубидан англағ етса, үнда инсонга суд томонидан берилған жазонинг вијдон олдидаги жазодан ўн чандон, юз чандон енгил эканлигини ҳис этади. Айни шу жиҳатни очища, ҳаётнинг,

<sup>1</sup> Улутқов А. Ўзгараёттан адабиёт манзаралари // Шарқ юлдузи. - 1998. - 4-сон. - Б. 138-139.

<sup>2</sup> Эшонқұл Н. Маймун етаклаган одам. Қисса ва ҳикоялар. -Т.: Янги аспр авлоди, 2004. - 48-бет.

замоннинг турфа ўйинлари, инсоннинг қилмишлари тұгрисида фикр юриттан мазкур асар алоҳида ажамиятта эга.

Асарнинг сарлавҳасиёқ унинг бадий тафаккурига сингишган рамзий маънога ургу беради. Одам Ато билан Момо ҳавонинг тавқи-лаънатта учраган наслининг ҳаётини асар қаҳрамони лаънатта маҳкум этилғанларнинг ҳаёт китобига ўхшатади. Аммо у шунчаки ҳаёт китоби эмас, балки “Қора китоб”. Ёзувчи китобнинг қоралиги маъносини ёритишга киришади, қаҳрамон ўз ҳаётини суҳбатдошига гүё “үқиб бера бошлайды”. Қаҳрамон портрети қисқа штрихлар билан чизилади: “...юзимга қарасангиз, дарров сезасиз, куйган чарм дейсиз. Юзим эмас, юрагим куйиб кеттган, куйган ковушга ўхшаб қолган. Ўзим ҳам мисоли гижимлаб ташланган қоғозман. Ҳаёт мени гижимлаб ташлади, биродар. гижимлаб-гижимлаб, сүңг мана шу хиёбонга отиб юборди... Құлларимга қаранг, кимнинг құлларига ўхшайды?.. Қотилнинг құлларига ўхшайды.” Күз ўнгимизда ўз қиёfasини қоронгулиқда намоён эта бошлаган кимса гавдалана бошлайды. Коронгулик ичидан гүё унинг чүнг темирдай қора танаси, юzlари янада қорайиб, ялтираб күриниб турғандай... У ўз-ўзини намоён этища, ўзлигини англатышда давом этади: “Қаранг, ер ҳиди келиб қолді. Мен ёмғирдан кейин шу ҳидни яхши күраман. Тақсиrim, кечалари менинг тушимга жалалар кириб чиқади. У ойлаб, ийлаб ёғаётган бұлади – ҳамма ёқ сувга тұлиб кетади, шаҳарлар сел остида қолади, ер юзи гарқоб бұлади. Бу гуноҳ сөллари, тақсиrim, гуноҳ ёмғирлари, бу ёмғир ҳар кеча мени бир марта чүктириб ўлдиради ва мен яраттан олдида тавба қила бошлайман”<sup>2</sup>.

Қаршимиздаги тимсолни англашда давом этамиз: барча инсонлардаги каби инсоний түйгулар унда мавжуд экан-ку, акс ҳолда у она замин исини түйиши, бундан ҳаяжонга тушиши мумкин эмасди. Қолаверса, ўз гуноҳларини англаш ва яраттан қаршисида

<sup>2</sup> Эшонқұл Н. Маймұн стаклаган одам. Қисса жаңылар. -Т.: Янги аср авлоди, 2004. - 48-49-беллар.

тавба қилиш учун маънавий куч-қудрат талаб қилинади. Демак, қаршимиздаги одам ана шундай даражани забт эттан. Аммо унинг бу қадар маҳзунлиги, эзилиши, изтиробининг сабаблари нимада? Ҳатто тушиларида тим қора лойқа сувга ботиб, неча бор чукиб чиркин хазонга айланиб қолишининг боиси нимада? У ўзида на ният, на истиқбол қолганини тилга олди. Масжидга бориб, тавба қилгани, аммо гуноҳларига иқрор бўла туриб яна гуноҳга, оғир гуноҳга боттанини: Қизини бўтиб ўлдирганини тан олиши қандай маънони ифода қиласди? Ўттиз йил гўзал ва тотли нарсалар ҳақида уйлашга вақти бўлмаган бу кимсанинг сийратига назар ташланг: у ўттиз йил қон ва нажасга беланиб яшашни, баданларидан нажас ва қон ҳиди анқиб турадиган кимсанни тасаввур қила оласизми? Ёзувчи айни шу одамнинг қора ҳаётига оид китобни ўқишга ва ундаги ҳодисалар маъносини ўқишга бизни йўлламаяптими?

Ҳа, айни шундай ҳолатни туямиз: ақл-идроқдан маҳрум, телба ва ёвуз махлуқлар ичида яшаган одамларнинг руҳиятида ҳам ҳайвоний ҳирс, ҳайвоний кайфиятнинг уйгониши табиий. "На гўзаллик, на ишонч, на эзгулик қолди! Биз ҳар қандай гўзалликни ҳам ҳирсимизни қондирувчи восита сифатида баҳолашга кўнишиб қолдик... Мен инсоннинг улуглиги, эзгу ва гўзал фазилатлар, ота ва фарзанд бурчи, оила тотувлиги, жамият ва инсон муносабати, ахлоқ ва муҳаббат ҳақида қирқ икки йил маъруза ўқидим, энди ўйласам, қирқ икки йил одамларни алдабман", - дея иқрор бўлади у. ўз сўzlари ва орзулари, хаёлдаги гўзаллик ҳақидаги сафсаталари одамларни алдашгагина хизмат қилганигини, охир-оқибат унинг ўзи ҳам ёлгонликлар ва ёвузликларни ниқоблашга хизмат қилганигини англаш – буюк фожиа! Ёвуз куч хукмронлик қилса-ю, ҳамма нарса, ҳатто гўзаллик тимсоли бўлмиш санъат ҳам унга хизмат қилса-чи? Унда ҳаммаёқда ёвузлик яратилади, ҳатто инсоннинг ўзи шу ёвузликнинг ижодкорига айланади!

Асарда чол вужудидаги ёвузлиқдан дунёга келган ўтилларининг шу тахлит ёвузлик ижодкорлари га айланишлари ҳақоний ва таъсирчан манзараларда гавдалантирилган. Инсон боласи ижод эттан ёвузликлар ҳатто яраттани лол қолдиради! Ана шуни англаб еттан ота ўша ёвузлик зурриётини вужудида ўстираёттан, ёвузлик онаси булмиш қизини бўғиб ўлдиради. Ўгиллари эса ўзлари эътиқод қўйган ёвузлик домига гарқ буладилар. Ёвузлик улардан ҳар бирининг қалбига жойлашиб олган эди. Ана шу ёвузлик тимсоллари: чўққисоқол, чолнинг ўзи, унинг фарзандлари... Гоҳо улардан ҳар бири ўзини, бир-бирининг ким эканини англашга уринадилар, аммо охир-оқибат қора ранг қуюқлашган қоронгулик қаърида сингишиб, яхлит бир қиёфага бирлашадилар, шайтон болаларига айланадилар!

“Отам ким ўзи? Менинг қонимда кимнинг қони оқаяпти? Нега уни кўрсам қалбим қувончу шодликларга тўлади? Нега у ўз отам, раҳнамомдай туюлади, нега уни кўрсам унга қул бўлгим келади, этакларини ўпгим, унга хуш ёқиш учун итдай ҳургим, ялтоқлангим келади?” – каби ўзлигини тафтиш этувчи саволлар ҳам аста-секин барҳам топиб, ҳар бирининг вужудида ёвузликка тобелик қарор топади. Аммо, асбоб бузилса, уни тузатиш учун устага олиб боришади. Қалби бузилган, шайтон шогирдига балки шайтоннинг зурриётига ё қулига айланган инсонни тузатиш кимнинг қулидан келади? Иблис билан бир тўшакда ухлаб ётган ушбу дунёни-чи? “Қора китоб”ни ўқиган китобхон қалби қора китоб кўчаларидан ўттандаги тасаввурлари, туйгулари галаёнига тўлиб-тошади. Бу галаён “Муолажа”ни ўқиганда янада кучаяди. Қаршимиздаги учта касалнинг дарди, уларни бу дарддан фориг қилиш учун қўлланган ажабтовур муолажалар ҳақида сўзлаб бераёттан мулоим чеҳрали профессор ҳикояси инсон онгу шуури ёвузлик яратишга нечогли устаси фаранг эканига яна бир карра ишонтиради ва лол қолдиради! Заррача ачиниш ҳиссисдан бебаҳра, дийдаси тош, номигина инсон бўлмиш одамсимон маҳлуклар “шифохонаси”, у ерда амалга оширилган

муолажалар, бундай муолажадан кутиласидиган натижалар инсонни қулликка маҳкум этишни бош муддао қилиб белгилаган ёвуз тузумни тұла идрок этишимиз учун етарли. Эңдигина “муолажа” бошлашта киришилаёттан палладаги барзанги қиёфаси бетоб эрки ва ҳақ-хуқуқи учун курашаёттан инсонларни букиш, иродасини синдириш нечогли қийин, айни чогда осон эканини намоён қиласы. Профессор сүзлари билан айттанды, бу иштің “ибтидоій” усулда амалға оширилады. Натижада, үн күнлар ичида у калтакни күрса елкасини ушлайдиган, үзини олиб қочадиган, сүнг ҳар хивчин түшганды доддай бошлайдиган бўлади. Иккинчи босқичда савалаш терининг қип-қизил гўшти чиқиб қолгунча давом этади. Сўнг зах, совуқ хонада сақлангач, беморнинг яралари обдон газак олади. Учинчи давр энг оғир давр: савалаш яна давом эттирилади, касал фарёд қиласы, хаёлидаги орзулари, “дунёси” аста-секин парчалана бошлайди. Кейинги муолажалар касални хушёр тортириади, энди у калтакка ўрганиб қолади, хатто калтак хумор ҳам қилиб туради. Шовқин муолажасидан ҳам фойдаланилади, яъни кучли фарёд овозларини тинимсиз эшлиши касални фарёд чекишга ундейди. Шундан кейингина, у учинчи касал каби үзини яхши ҳис қила бошлайди, у каби фақат қуллуқ қиласы ва қориндан бошқа гамни туймайди.

Манзарага диққат қилинг: аввалги қатъиятли, бош этмайдиган инсон ваҳшийлик, ёвуздик қамчиси остида үзлигидан айрилди, фақат ейиш-ишиш ҳақида ўйлайдиган махлукқа айланди!

Тоталитар тузумнинг мазмун мөхиятини фош этувчи ушбу манзаралар инсон қадри-ю, ҳақ-хуқуқлари муттасил топталган шароитда, инсон қадри сариқ чақалик қиммат касб этмайдиган, адолат поймол қилинган, ёвуздик ҳукмрон мұхит манзарасини ҳақоний гавдалантириб турибди. Бу тузум қамчисини туттандар ҳам, уни яраттан назариётчилар – мағкура ижодкорлари ҳам энг ёвуз кимсалардир. Улар одамларнинг фарёдидан ҳузурланувчи, мана шу лаззатсиз яшай олмайдиган ёвуз махлукнинг ўзи. Хивчин, тош

ётқизилган йүлак, темир эшиклар: тер, қон ва йириң иси, хатто даҳлиздаги ботаёттан қуёш тасвири – бадий деталларнинг бари разолатта тула ёвуз мұхит, жаҳолат ботқогига боттган тузум ҳәётининг ички мазмунини тұла идрок этишимизга ёрдам беради. Хароба күринишида қурилаёттан янги шифохона иншоотлари ундаги беморлар рухиятини ифода этади. Сүкротона қиёфаси, миқти жуссаси, одамға доимо илиқ ва синовчан тикилиб турадыған профессор маҳобатли ёвузылкни “усти ялтироқ” шаклда тутиб турған жамият бугуни ва келажагининг яратувчиларидан бири. У яраттан бино улкан ва баҳайбат. Хатто қуёш ҳам бутун шаҳарчаны ёритишига энди ожизлик қилишини билгандай шифтта томон чекинмоқда; гүмбаздаги осиглиқ соат тұхтаб қолған; оёқ остидаги қазонлар худди мұолажа қилинаёттан қасалларнинг мунгли инграшидек овоз беради. Ҳеч шубҳасиз бу – ҳалокатта маҳкүм тузумнинг қиёфаси! Ёзувчи маҳорати шундаки, у мазкур қиёфа ортини бор даҳшати, мазмун моҳияти ила гавдалантириб бера олған.

“Қора китоб” тымсолига уйғунлик қасб эттан айни шу макон ичидеги рамзлар, образлар инсониятни ҳалокатта олиб борувчи зулм ва зұравонлик, ёвузылк ва қабоқат ҳукмронлигига қарши курашға дағыват этади. Зотан, ҳар қандай курашни инсон әнг аввало үз дүнёсіни тозартишдан бошламоги лозим. Ёвуз түйгулардан қутилиш эса осонлик билан юз бермайди.

Инсоният тарихи бунга ёрқин мисол бўлади. Даврлар бири иккинчисидан ўзмоқчидай шитоб билан ҳаракат қиласи, тинимсиз ўзгаради. Бадий тафаккур ҳам шундай. Ўзгарғани сайин бадий тасвир имкониятлари ҳам гоҳ кенгаяди, гоҳ тораяди, тинч турмайди. Шу тариқа ҳар қандай миллий-бадий тафаккур биридан кейингисига ўтувчи босқичлар эволюциясидан ташкил топа боради. Ана шу тадрижий давомийлик илгаб олинса, миллий-бадий тафаккурнинг яхлит бир жараён эканлигини тасаввур этиш осон күчади. Мазкур яхлит жараён ичидеги бадий тафаккур эволюцияси

босқичларини аниқлаш учун эса құлланилаёттан бадий тасвир воситалари тадрижини үрганишга тұғри келади. Чунки ижодкор шахс дүнёни, инсонни қаңдай идрок этса, шунга яраша бадий тасвир воситаларидан фойдаланади, янгиларини кашф этади.

Асл касби инсоншунослик бұлған адабиёт ҳамма даврларда ҳам инсонни эъзозлаган. Ўзбек реалистик насри бундан мустасно эмас, албатта. Бироқ, бугунги давр адабиёти ва санъатининг бош хусусияти инсонпарварлык түйгүсининг ҳар қачонгидан чуқурроқ, кенгроқ ва юксакроқ даражаларға чиқиши билан ифодаланади. 80-йилларнинг аввалида ўзбек қиссачилигидә худди шундай күтарилиш кузатылған. Тасвирланаёттан қаҳрамонга шахс сифатида эътибор кучайди, яъни инсоннинг шахслик аъмоли бадий тадқиқ объектига айланып бошлади. Инсонпарварлык, шахспарварлықда намоён бұлды. Шахс феноменини тадқиқ әгишга уриниш интеллектуал қаҳрамон образларининг яратилишига, шунинг баробарида бадий тасвир воситалари доирасининг көнтәйишига олиб келди. Табиий, реалистик миллий бадий тафаккур бундай миқёсга дабдурустдан эришмади, албатта, балки етук шахслик мартабасининг ибтидоси бұлмиш одий инсоният қадр-қимматни, нафсониятни англашга уринишлардан бошланды. Ёзувчи Назар Эшонқұл қиссаларыда бу күриниш ўзига хос тарзда бүй-баст күрсатып бораёттир. «Уйғониш бадиияти инсонни жүн ва юзаки тушунишдан, уни бир ёқлама талқын этишдан воз кечди»<sup>1</sup>, – деб ёзади филология фанлари номзоди Хуршид Дұстмұхаммад, – ўзбек қиссачилигидә бу ўзига хослик насиҳатбозлиқдан қутилишда ўз ифодасини топди. Мисол учун «оқпадарлик – ёмон», ичкиликбозлик, пораҳүрлик – иллат» сингари «гоя»ларни тарғиб этувчи қиссалар ўз қадр-қимматини йүқтеди. Ишлаб чиқариш мавзусидаги жасоратлар мадхи ўрнини қаҳрамоннинг шахс сифатидаги камолини излаш тасвири әгаллади. қаҳрамонларнинг ижобий ёки салбийлигини белгиловчи мезонлар узгарди. Қаҳрамон шахси, руҳий олами, шуури

<sup>1</sup> Дұстмұхаммад Х. Уйғониш жозибаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1996. – 16 февр.

тасвирига мойилликнинг кучайиши ҳикоя ва қиссаларнинг сюжет қурилишини, тасвир маромини, зиддиятлар табиатини янгилади".

Бу хусусиятлар ўзбек адабиётига модерн оқимининг кириб келишига турткى бўлди. Сўнгти йилларда жаҳон модерн адабиёти ва унинг миллий адабиётларга дахлдорлиги борасидаги мулоҳазалар тез-тез оғизга тушмоқда. Албатта, мазкур фикр бежиз эмас. Гап шундаки, биз юқорида қисман таҳлил этишга ҳаракат қилган Назар Эшонқул асарларида ҳалқнинг теран илдизига эга бўлган, инсон тафаккурининг илк бадиий мевалари ҳисобланган мифлар, унинг тасвир воситалари, анъанавий шакл билан бир қаторда жаҳон адабиётининг модерн оқими ҳам уйгун ҳолда ўзига хос тарзда мужассам бўлганлигини кузатдик. Х.Дўстмуҳаммад «Уйгониш жозибаси» мақоласида бу тўгрида фикр билдиаркан, қуйидагича таърифни келтиради: «Адабиёт таъсир жутрофиясининг бу қадар қенгайиб бораёттанига жуда табиий ва қонуний ҳол сифатида қарамоқ лозим. Зоро, бу ўзбек бадиий тафаккурининг умумбашарий бадиий тафаккур симфониясига қушила олишидан, шунга маънавий ҳуқуқи борлигидан далолат беради. Борди-ю, ушбу таъсир тақлид даражасидан нарига ўтмаса, ҳикояларимиздаги янгиланишларга катта умидлар болглаш қийин эди. Ишонч билан айтиш мумкинки, уйгониш даврида яшаётган ўзбек ҳикоячилиги дунё бадиий тафаккурининг энг илгор тамойиллари хазинасини бойитишга ҳисса қўшмоқда».<sup>1</sup>

Шу ўринда модернизм атамасига изоҳ бериб ўтмоқ жоиз. "Модернизм" (французча – *moderne* – энг янги, замонавий) атамасининг XX аср аввалида гарбий Европада пайдо бўла бошлаган футуризм, экспрессионизм, имажинизм, унанизм каби бадиий оқим ва гуруҳларнинг юзага келиши билан болжашади.<sup>2</sup> "Модернизм"ни айрим адабиётшунослар аниқ топиб ишлатилган атама эмас, дейишади. Уларнинг фикрича, "модернизм"нинг лугавий маъносидан

<sup>1</sup> Узбекистон адабиёти ва санъати. – 1996. – 16 февр.

<sup>2</sup> Узбекистон адабиёти ва санъати. – 1996. – 2 февр.

келиб чиққанда, ҳар қандай давр ўзининг “энг янги”, “замонавий” бадиий оқим ва гурухларини пайдо қилиши мумкин. Марксча адабиётшуносликда “модернизм” “декаданс” атамаси билан бир маънода қўлланиб келинган. Аслида эса “декаданс” (французча – *dekadence* – тушкунлик) утган XIX асрнинг 80-йилларида юзага келган: ўша йиллар Парижда “Декаданс”номли журнал чиқа бошлаган, “декадант” атамаси ҳам айни шу йиллари бўлиб утган адабий мунозараларда кенг қўлланилган. Бу атамаларнинг асосий фарқи шундаки, “декадант”лар ўзларидан оддин утган адабий оқимлар билан боглиқ ҳолда юзага келган бўлса, “модерн”чилар утмиш билан алоқани узиб, янги замонга мос “модерн” санъатини яратишга киришишган. Шу боисдан ҳам “модерн”ни “энг янги”, “замонавий”дан кўра кенгроқ маънода, буткул янги, гайрианъянавий, олдингилардан фарқли ҳодиса сифатида талқин этишган ва адабий термин сифатида қўллашган.<sup>3</sup>

“Модернизм” атамаси ҳозирги замон гарб санъатшунослигига бемалол қўлланиб келинади. Бу оқим гарб санъатининг юзага чиққишида, аслида бир-бири билан алоқада бўлмаган, Европанинг турли мамлакатларида яшаган, ҳар хил миллатта мансуб ёзувчи, шоир, мусаввирлар томонидан турли вақтларда ташкил этилган, ўюштирилган, ҳаракатта келтирилган оқимлар, тўтараклар, гурухларнинг интилишлари самарасидир. Масалан, кубизм Францияда, футуризм Италияда, дадаизм Швейцарияда пайдо бўлган. Уларнинг барчасига хос етакчи жиҳатлардан бири гайриреалистик ижод усулидир. Барчасини умумлаштирувчи ягона атама эса «модернизм». Бу атаманинг назарий, умумфалсафий асосларини А.Шопенгауэр, М.Штирнер, С.Керкогъер, Ф. Ницше, А.Бергсон каби файласуфларнинг ижодий мероси билан буглашади.

<sup>3</sup> Шарафиддинов О. Модернизм жўн ҳодиса эмас // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2002. – 7 июнь.

Модернизм оқимига хос айрим тасвир ва талкин элементларининг ўзбек адабиётига кириб келишини шоир Баҳром Рӯзимуҳаммад қўйидагича изоҳлади: “Модернизмни реализмга қарши қўйиб бўлмайди. Модернизмга реализм сувратидаги социал реализм оқимигина қарши қўйилган. Эндилиқда аста-секин адабиёт сиёсатдан ҳоли бўлмоқда. Чунончи, адабиётнинг ўз «сиёсати» мавжуд. Адабиёт инсон руҳий олами узра сиёсат юргизади – руҳ оламидаги жисмлар орасида интизом ўрнатади. Қадим-қадимдан шундай бўлиб келган. Сўфийларнинг кўнгил парвариши таълимоти бежиз кун тартибига чиқмаган бир маҳаллар. Биз шу йўлдан юрмогимиз лозим. Бу йўл маънавиятимизни юксакликка олиб чиқади, бу йўл миллатимиз юрагини, шарқона кечинмаларини боболаримиз маънавиятига омухта эттан ҳолда жаҳон илм аҳлига кўз-кўз қиласди”<sup>1</sup>.

Дарҳакиқат, шоир таъкидлаганидек, инсон руҳий ҳолатини тафтиш этувчи, унинг ўзлигини, “мен”ини қашф этишга қаратилган ва бутунги кунда модерн адабиёти деб номланётган услубий йўналиш Шарқнинг улкан тафаккур қудрати билан яратилганлигига ишонч ҳосил қиласми. Бу ҳақда ёзувчи Назар Эшонқул фикр билдирав экан, ҳалқимизнинг қадимиий ижод намуналарини юқори баҳолаб: “Туркий ҳалқлар асотир ва эпосининг таъсир кўлами шу дараражада кенгки, биз ҳатто буни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Агар биз ана шу меросни ўзлаштира олсак, гарб адабиёти нимадан «озуқланган»ини ҳам, чинакам маънодаги адабиёт ўзи нимадан иборат эканлигини ҳам тезда тушуниб етамиз”,<sup>2</sup> – дейди.

Дарвоқе, Назар Эшонқул асарларини ўқиб туриб ёзувчи ижодидаги бўртиқ жиҳатлар айнан ҳалқ мифологияси асосида, унинг ўзагидан руҳ олиб яратилганлигига амин бўласми. “Шамолни тутиб

<sup>1</sup> Рӯзимуҳаммад Б. Назарияга бефарқ қарайпмизми? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2001. – 7 дек.

<sup>2</sup> Эшонқул Н. Ёшлар насли ўз йўлидан боради // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2000. – 4 авг.

бўлмайди"даги Байна момодек матонатли инсонлар, "Хароба шаҳар сурати"даги паришон йигит, ўз таназзулини сезмаган сайловга номзоди қўйилган шоир, унга қарама-қарши тарзда ўз мағлубиятини сеза туриб, бунга кўнинккан профессор, "Хаёл тузоги"даги алдов ва мақсадсизлик устига қурилган бу дунёдан воз кечган Воқиф, инсон миясини таомига айлантирган "Тўзон"даги маҳлуқларга уруш очиб, ўзи ҳам унинг домига тушган ёзувчи йигит, "Лаззат ортида қолган юрак"даги каби йўқлик ва номаълумлик, пуч гояларга берилган талабаларнинг ўй-хаёллари, орзу-армонлари, кечинмалари, ҳистийгулари акс эттан бир қатор ҳикоялар дунёга келдики, улар Хуршид Дўстмуҳаммаднинг таъбири билан айтганда бугунги "уйгониш бадииятининг" нодир намуналари сирасига киради.

"Ҳар бир миллат ўз уйгониш даврини ўзига хос йўсиңда бошдан кечирган", - деб ёзади таникли бадииятшунос файласуф А.Лосев ва уйгониш бадииятининг бош аломатларидан бири қадимги қадриятларга ташналикнинг кучайиши эканини таъкидлайди.<sup>1</sup> Инсоният тарихидаги энг кўхна қадриятлар табиат қонунларига уйгунлашиб кетиши билан фарқланади. Бу умкан ҳақиқат Назар Эшонқул яратган қиссалар ва ҳикояларда ўзига хос талқинини топди. Айниқса, ўзбек ҳалқи табиатидаги энг қадимий ва энг табиий туйгу киндиқ қони тўкилган она заминга муҳаббат туйгуси ҳисобланади. Биламизки, Назар Эшонқулинг "Озод қушлар", "Маймун етаклаган одам", "Тобут", "Хаёл тузоги" каби қўплаб асарларида айнан озод ватаннинг озод соҳиби образлари туркуми яратилган эди.

Ватан мавзусига муносабат ўзбек адабиёти учун янгилик ёки фавқулода ҳодиса эмас, лекин шуни айтиш керакки, биз назарда тугаёттан бугунги давр ўзбек қиссачилигида она Ватанга садоқат туйгуси ақл-идрок билан англашган, таҳлилдан ўтказилган интеллектуал салоҳият даражасига қўтарилди. Ватан тушунчаси давр талабларидан келиб чиқсан ҳолда қайта идрок этилди, бу тушунчани

<sup>1</sup> Лосев А.Ф. Сочинение Т.1. – М., 1968. – С. 70.

ҳар ким үзича кашф этмай туриб кишини том маънодаги инсонлик мартабасига ҳам, ватанларварлик салоҳиятига ҳам етиша олмаслиги аён бўлди. Санаб ўтилган Назар Эшонқул асарларига хос психологик таҳлилнинг, ўз-ўзини тафтиш этишининг – муросасиз руҳий коллизия кучлилигининг бош сабабларидан бири ҳам шунда деб ўйлаймиз.

Утмишни, Ватанини, жамиятда юз берадиган узгаришларни таҳлилий идрок этиши даражасига кўтарилиши учун сермушоҳада тафаккур зарур. Адид асарларининг иккинчи кашфиёти ана шунда, яъни тафаккурли кишилар образини яратишга уринишда кўринади. Айни пайтда, инсон фожиасининг туб илдизи фикрсизликда экани, ўзлигини англамаган бандга на дунёни, на давлатни англамоққа қодир экани теша тегмаган тимсоллар орқали тасвиранади. Шуни таъкидлаш лозимки, қаҳрамон шуурини таҳдил этишга киришган ижодкор замондош инсон ботинида ҳам ёзувчи "қадами" етмаган ҳудудларнинг мавжудлигини кўра олгани ва уни забт этишга чоғланганлиги билан эътиборлидир. Назар Эшонқул қиссаларида дунёни, инсонни қайта назардан ўтказар экан, шахс эҳтиёжлари ва манфаатларини биринчи ўринга қўяди. Ҳар қандай қадрият шахс манфаати нуқтаи назаридан баҳоланади. Бундай ҳолларда инсоннинг, шахснинг энг нозик, энг бокира кечинмалари ҳам тарихий ҳодиса аҳамиятига тенг кўринади. Зоро, дунёни ва инсонни қайта таҳдил этишга киришган лирик қаҳрамон ипсои шуури ва қалбидаги энг хусусий хилқатларга ҳам тап тортмай кириб бораверади. Бу энг эрка туйгу ва истакларни ошкора қилиш жоизми? Ёзувчи ҳам шоир каби ножоиз деб иккilanмайди, балки қандай туйгу мавжуд экан, ҳаммасини сездиришга ҳаракат қиласи, яъни мавжуд кечинмаларни, изтиробларни бадиий мушоҳада ва мулоҳаза мавзууга айлантиради. Бундан ташқари шуни эътироф этиш керакки, Назар Эшонқул қиссалари тили ўзига хослиги билан ажralиб туради: асар қаҳрамонларининг ижобий ёки салбий қаҳрамон эканлиги ёзувчи тилидан эътироф этилмайди. Аксинча, ёзувчи бу юмушни ўқувчининг

ўзига қолдиради, уни мушоҳадага чорлайди. Умуман олганда, асарда кимлар улугланаёттани, қораланаёттани кўпинча бевосита эмас бавосита ифодаланади. Мажозий, кўчма маъноли тасвирлар, татрифу тасвифларга тез-тез мурожаат этилиб, уларнинг устуворлиги таъминланади. Энг муҳими, тасвирлардаги мажозлар, кўчма маъноли бирикмалар қаҳрамонларниг бетакрор руҳий дунёсини ёритишга хизмат қилган.

Воқеа-ҳодисаларни, асар моҳиятини турли рамзлар, тимсоллар орқали очиб бериш ёзувчидан юксак маҳорат, истеъод ва билим талаб қиласди. Шу жиҳатдан Назар Эшонқул яратган ҳикоя ва қиссалар юксак чўққини забт этган, десак муболага бўлмайди. Ёзувчининг ўзи бу жиҳатта тўхталар экан, шундай дейди: “Мифлар инсон тафаккурининг илк бадиий мевалари. Оlamни рамзлар, тимсоллар орқали тасаввур қилиш бу ижоднинг бошланиши эди. Инсон табиати ташки оламни рамзлар орқали қабул қилишга мослашган. Одам ҳиссиёти ҳар қандай ҳодисанинг ўзини эмас унинг рамзини қабул қиласди. Мифлар яратилган даврда ҳиссий шуур-идрок биринчи ўринда эди ва уларнинг тили ҳам рамзлар тили бўлиб қолди. Бироқ инсоният тараққиёти ақлий идрокни биринчи ўринга олиб чиқди, шуурий ҳиссий идрок онг ости ҳисларига айланди. Фрейд ижодкорлик – айнан ақлий идроқдан эмас, дастлаб ҳиссий, шуурий идроқдан пайдо бўлади, шоирлик ҳиссий идрокнинг онг юзига қалқиб чиқишидир, деб тушунтиради. Шу маънода Фрейд ҳам Юнг, Хайдеган, Фромм ҳам инсон “мен”и мифлар яратилган даврдаги «мен»дан фарқ қилмайди, дейишади”<sup>1</sup>.

Бутунги насрдаги янги жараёнлар, маънавий, шаклий-услубий изланишлар кўпроқ Назар Эшонқул яратадиган қиссалар ва ҳикояларда ўзига хос тарзда акс этмоқдаки, у ёзувчи таъкидлаганидек, ўтмиш аждодларимиз яратган қадимий адабиётдан куч олаётган бўлса, ажаб эмас.

<sup>1</sup> Эшонқул Н. Ўйғониш тарафдуди // Узбекистон адабиёти ва санъати – 1992. – 18 сент

Адабиёт – сўз санъати. “Зеро, ундаги сўз бамисоли чўтдири”. ҳақиқий санъат асари сўзниң қудрати, унинг жозибаси билан дунёга келади. Сўз илоҳий, унга хиёнат қилиб бўлмайди. Ёзувчи Назар Эшонқул яратган қиссаларга воқеалар талқини важидан эмас, сўзниң салмоги нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, адабининг барча асарларидағи сўзлар ўқувчига қаҳрамонларнинг турфа ҳолатини, яшаётган муҳитини, кечинмаларини мураккаб ўзгариш, тебранишлари билан тасаввур этишга имкон беришни таъкидлашга тўғри келади. Қиссаларда “деди-деди” сұхбатлару воқеалар баёни йўқ. Аксинча, одамни ўйлашга ундаидиган, ҳар бир сўзниң ортидан катта бир манзилу макон, тирик одам тақдиди, улар яшаган, ижод қилишган ва ҳаётга, яшашга чорлашган. Назар Эшонқулнинг “Огриқ лаззати” ҳикояси ҳам яшашга чорлайди, азобларга мардонавор бардош беришга ундаиди. Асарда тасвир этилган назоратчилар ҳам инсонларни ташкил этади. Зеро, бу дунёда инсонга азоб берувчи, уни қийновчи мавжудот, ҳеч шубҳасиз инсоннинг ўзидир. Назоратчилар таъбир жоиз бўлса, амалдорларнинг, бюрократ хўжаларнинг тимсолидир. Огриқ ва азоблар эса дунёни англаш, унинг моҳиятига этиш тимсолидир.

Бугун инсон онги-шуури ўзгарди. Унинг дунёқраши, мушоҳадаси, хаёт тарзи ҳам янгиланди. Бу жараён адабиётда ҳам ўзига хос кўриниш олди. Бадиий тафаккурда юз бераёттан ўзгаришлар ҳикоя тарзига мутлақо янги ислоҳлар киритди. Бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш имкони кўпайди. Натижада, батафсил тасвир, баён ҳажмининг ортиши кузатилди. ҳикоя сюжети ва тўқимасини воқеа-ҳодисалар эмас, балки бадиий тимсоллар, рамзлар, ташбеҳлар ташкил эта бошлади. Муайян оҳанг, ритмлар уйгунлиги воситаси билан кайфият уйғотувчи – мусиқа асарларига монанд асарлар яратила бошлангани ўзбек реалистик насли бинобарин, ўзбек қиссачилиги учун янги ҳодисадир. Бундай изланишлар ўзбек қиссачилиги бадиий тафаккурининг юзага келиши,

шаклланишида айни жаҳон адабиёти илгор намуналарининг таъсири бекиёслигидан дарак беради.

Демак, ўзбек қиссачилиги ўзига хос услублар орқали ривожланмоқда, бу ўзбек насрининг умумбашарий бадиий тафаккур симфониясига қўшила оладиган миллий ва умуминсоний оҳангларга эгалигидан далолат беради. Айни чогда, ўзбек ёзувчиларининг модерн адабиёти анъаналаридан фойдаланишлари орқали ўзбек миллий бадиий тафаккури имкониятлари ҳисобига жаҳон адабиёти ҳам бойиб бораётганлигини кўрсатади. Аниқроги, Шарқ ва гарбнинг уйгун жиҳатлари адабиётда ҳам эстетик уйгунилк кашф этилишига асос бўлди. Миллий қадриятлар билан умуминсоний қадриятлар уйгунилгидан юзага келган ўзбек қиссаларига хос эпик тафаккур тарзи эса янги ҳаётий қаҳрамонларининг бадиий кашф этилишига таъсир кўрсатди. Айни шу хусусият қиссачиликка хос етакчи тараққиёт тенденциясига айланди.

Бадиият эҳтиросли фикрдан туғилади, ижодкор эса ўз тасаввуридаги гўзалликни бадиий кашф этади – яратади.

Аммо, фожиадан гўзаллик яратиш мумкинми? Фожиавийликка бурканган ҳаёт ҳодисаларидан гўзаллик аломатларини излаш мантиқсизлик эмасми? Бу саволларга ёзувчи Назар Эшонқулнинг “Тун панжаралари”<sup>1</sup> номли қиссасидан жавоб топиш мумкин. “Она бола беўхшов қилиб ёзилган «Ф» ҳарфига қуйиб қўйгандай ухшайди, гуё «Ф» ҳарфига улардан андоза олишгандай. Улар менга ухшаб бирорвга фойдаси тегмаёттани ва умуман тегмаслиги ҳақида эзилиб ўйлаб ўтирумайдилар, лекин чироқни белгиланган вақтдан ортиқчароқ ёқиб юборсанг, бошингда туриб олиб, қаргадай қагиллашни жуда яхши билишади. Уйда ифлос, бесаришта бир ҳолат ҳукм суради, менинг улар билан ҳагто қўшилиб чой ичгим ҳам келмайди; нодонлик ва ялқовлик ўтириб олган юзларига қараб, тоқат қилиб туролмайман. Шу сабабли улар мени ёмон кўришади – умуман улар тушиликдан

<sup>1</sup> Эшонқул Н. Тун панжаралари // Ёш куч. – 2004. – 6-сон. – Б. 16-19.

бошқа яна нимани яхши кўришаркан?". "Мен бу аёлнинг эшикни ёпмай ҳам оғирлигидан майишиб кетган сим тўшакда хур-хур ухлаб ёттанини кўрсам ҳамиша кўз одимга ботқоқда ҳузур қилиб ёттан семиз чўчқа келади"<sup>1</sup>.

Фақат ейиш-ичиш ҳирсига тобе одамларнинг лоқайд, фикрсиз, ҳиссиз ҳаётини ёзувчи ботқоқликка ўхшатади. Ботқоқлик – бу мақсадсизлик, эзгу ҳиссизлик, идроксизлик, фаҳмсизлик, бефарқлик... ўша ботқоқлик ўз устидаги умидсиз одамларни ўз комига тортиши аниқ. Нима учун одамлар қоронгулиқдан ёки қоронгу туидан қўрқишида? Қоронгу тун ҳам инсон умрининг бир қисми-ку? Аслида ҳаётимиз қоронгу, қўрқинчли, жирканя гафлат тунига айланышидан қўрқиши керак! Ёзувчи бизга ана шу тунни тасаввур қилдиради, унинг бутун даҳшатини ҳис қиласиз: «Атрофимизга гафлат туни чўккан. Ичимиздан чиқаёттан ҳид эса гафлат мосликларининг ҳидидир. Ҳафсаласизлик ва қўрқоқлик – булар гафлат тунининг ҳибсхоналари. Биз эса маҳбусмиз. Ҳаёлимиз – ҳибсхонамиз. Бу ҳибсхоналарнинг туйнукларига умидсизлик панжаралари ўрнатилган. Ҳудди адашган кўршапалакдек биз бу ҳибсхона деворлари аро сору-сор учиб юрамиз, эҳтимол, шунинг учун ҳам бу арзиҳолни «тун панжаралари» деб атагандирман? Бу панжаралар метиндай мустаҳкам, миямизга тун пичоқлари қадалиб турибди...

Мен исмсиз одамман, кимки бу тунда яшаётган бўлса, у исмсиз. Исми бор одамнинг қандай бўлишидан қатъий назар, ўтмиши ва келажаги бўлади, недандир умиди бўлади. Исмли одам исми номидан жангта киради. Хўш, мен кимнинг номидан гапирай? Кимнинг номидан?! Исмим йўқ менинг! Пайти келиб, менга кимнидир уйготиш бахти мұяссар бўлса, мен ундан аввало "исминг нима?" – деб сўраган бўлардим. Исмсиз одам эса уйгонмайди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Эшонкул Н. Тун панжаралари // Ёш куч. – 2004. – 6-сон. –Б. 17.

<sup>2</sup> Эшонкул Н. Тун панжаралари // Ёш куч. – 2004. – 6-сон. – 17-бет.

Ҳамма бало шундаки, лоқайдлик, фикрсизлик учтүрт одамнингтина фожиаси эмас, балки бу иллат ўша учтүртлардан юзага келувчи юзлаб, минглаб одамларни мудроқлик қаърига тортувчи муджиш кўланка. Агар инсон жисмида завқ, умид, тилак сингари ёргулук аломатлари яшаса, шунинг ўзи тириклик белгиси. Ёрутлик сўнгтан жисм ҳалокатта маҳкум.

Ёзувчи туннинг белги – аломатларига рамзийлик воситасида ана шу каби фалсафий-ҳаётний, мушоҳадаталаб маъноларни жойлаган. Тасаввуримиздаги тун ўзига хос белги сифатлари орқали кўз ўнгимизда намоён бўлади, аммо ёзувчи бизнинг тасаввуримизга ҳис қилинмаган, хали англамаган бадиий умумлашмаларни сиддиришига эришади. Аникроги, тасаввуримиз миёсларининг кенгайишита таъсири кўрсатади, туннинг янги маъноларини, белги-хусусиятларини кашф этади! Туннинг муаззамлигини, бепоён, қудратли, сеҳрли, маъюс ёки жозибали эканини ҳар ким ўзига хос тарзда идрок этади, ҳис қиласи. Қисса қаҳрамонлари: "Тун – менинг умрим", – дейди. Зоро, умримизнинг тунлари чексиз – чегарасиз эмас, уларнинг "темир панжаралар"и бор. Ёзувчи "фикр уйини" воситасида (тун панжаралари – оддий тасаввур; "юрагим зим-зиё чоҳга ўхшайди, мен айтиб берганларим эса бу чошгоҳнинг панжаралари" – кўчим ҳосил қилиш орқали тасаввурга янги маъноларни жойлаш; "ҳаётни кашф қилганинг сайин ўзингга ўзинг панжара қуриб борасан" – ҳаёт ҳақиқатини метафора усулида кашф этиш, тасаввурнинг олий нуқтаси!) ана шуни ҳис қилиб, бу ҳақиқатнинг моҳиятини англашимиз учун ўз тасаввурларини рамзий буёқларга, шайтон, тун, Сулаймон, кампир ва унинг қизи сингари рамзий образларга кўчириб ифода этмоқда. Щуни идрок этамизки, тасаввуримиз тулшори метин панжаралардан хатлаб ўтиб, бизни юксакликка, хаёлотнинг тубсиз осмонига элта олади. Ўша юксакликдан қарасанг, "...сендан токи уфққача қип-қизил водий ястаниб ётиби. Водийда худди ўтиб

бўлмас чўқи каби савол аломатлари қад кериб турибди, улардан ҳар бирининг тагида биттадан одам бош қўйганча ўлиб ётиди – гўё бутун умрларнинг хуласаси шудек, гўё бу ўзлари босиб ўтган йўлнинг рамзидек. Ўнгда ҳам, чапда ҳам шу манзара – савол харсанглари ва уларга бош қўйиб ётган жасадлар билан тўлган қилиқизил водий. гарбдан ҳам, жанубдан ҳам, шарқдан ҳам, шимолдан ҳам одамлар бу ажр водийсига қараб бошларини қуий согланча секин кириб келяпти. Уларнинг бўйинларига осилган савол қўнгироқлари чор-атрофга мотам бонгидек мудҳиш садо таратиб турибди. Бу нима? Шуми дунё?! Нега у бунчалик тушуниксиз ва аянчли?!”<sup>1</sup>.

Асардан келтирилган ушбу парча орқали ҳаёт ҳақиқатини тасаввуримизга сидира бошлаймиз: инсон ҳаёти давомида хилма-хил саволларга жавоб излайди. Юрг равнақи, ҳалқ фаровонлиги йўлида улкан орзу-мақсадлар учун курашиб яшаган инсонлар ҳаёгини ёзувчи “қилиқизил водийда савол харсангларига бош қўйиб ётганлар” тимсолига жойлаган. Ҳар икки дунёда улар энг мушкул саволларга жавоб бериш масъулиятини олган буюк инсонлардир. Аммо инсоният рўбару келган саволларнинг охирни йўқ, қанчадан-қанча умрлар уларга жавоб излаб ўтган, ҳатто охиратда ҳам ечилмаган муаммолар савол аломатига айланиб, одамлар бўйнига илинган. Манзарага эътибор қилинг: “Ҳар тарафдан одамлар ажр водийсига қараб бошларини қуий солиб кириб келяпти. Уларнинг бўйинларига осилган савол қўнгироқлари чор-атрофга мотам бонгидек мудҳиш садо таратиб турибди. Шахсан мен ўз тасаввуримга шуларни сидира олдим: ечилмаган муаммолар ёки ҳаёти давомида ҳеч бир эзгу иш қилмаган, лоақал биргина саволга жонини койитиб, озгина эзилиб жавоб топишга эришмаган одамлар бўйнидаги қарз – савол қўнгироқчалари мотам бонгидек атрофга садо таратиб турибди., яъни «машҳарда улар яратган қаршисида, унинг ҳақ саволларига қай

<sup>1</sup> Эшонқул Н. Тун панжаралари // Ёш куч. – 2004. - б-сон. – 18-бет.

тарзда жавоб беришларини билмай бўйинлари эгик, уларнинг аросатда ўтган маънисиз ҳаётлари ҳақида бўйинларидағи қўнгироқчалар сўзламоқда..."

Ёзувчи шу тариқа рамз тимсол; (савол харсанглари, савол қўнгироқчалари), ранг-рамз; (қора тун шанжаралари, қип-қизил водий)дан фойдаланиб тасаввуримиз миқёсларини кенгайтиришга эришган, ҳис қилиб тасаввур эттанларимиздан эса янги маънолар, кўламли бадиий умумлашмалар кашф этишга эришган. Бинобарин, ёзувчининг ўзи таъкидлаганидек, "тасаввур – идрок, заковат ҳидидир. Бу ҳид ҳамманинг ҳам димогида уф уравермайди". Биз эса бу ис чинакам истеъдод ҳароратидан тараалгувчи ҳид десак, муболага бўлмайди.

Чинакам истеъдод эгаси фожиавийликни тасвиirlар экан, унинг акси – эзгуликни, гўзаллик тантанасини улуглашга эришади.

Ёзувчининг ўзига хос тасаввурлар дунёсига сингиб кетган гўзаллик аломатларини "Озод қушлар"<sup>1</sup> номли ҳикоясидаги «Сен» ва «У» орқали янада ёрқинроқ ҳис қилиш мумкин. Ҳикоя қўйидаги тарзда бошланади: "ХХ аср мўъжизалар асли эканлигига сен ҳам ишонардинг. Сен ҳам бу асрдан мўъжиза кутиб яшардинг... Сен мўъжизасиз ҳам баҳтли эдинг. Ер юзидағи миллионларча одамлардек осойишта ҳаёт кечирардинг. Ҳар ҳафтанинг сўнггида ўртоқларинг билан чойхоналарга, истироҳат боғларига бораардинг. У ердан кайфиятинг кўтарилиб, баҳри дилинг очилиб қайтардинг. Бироқ негадир ўз ҳаётингни ўзгартирадиган, шавқу завқ олиб келадиган мўъжиза кутиб яшардинг"<sup>2</sup>.

Ҳа, қандайдир гайриоддий мўъжиза юз бериб, барча орзу-истаклари бир зумда амалга ошиб қолишини истайдиган одамлардан кўра мўъжизани ўз қўлларим, ўз кураш – интилишларим, заҳматли меҳнатим, азоб-уқубатларим билан яратаман, дегувчилар озлиги айни

<sup>1</sup> Эшонқул Н. Озод қушлар // Ёш куч. – 2004. – 6-7-сонлар. – Б. 17-20.

<sup>2</sup> Эшонқул Н. Озод қушлар // Ёш куч. – 2004. – 6-7-сонлар. – 17-бет.

ҳақиқат. Ҳаётини ўша саробга тұла шириң орзу-умид билан үтказувчилар эса сон-мингта. Фақат бу сароб ҳаёллар пардасини ҳаётимиәзда рүй бергувчи жиғдий ҳодисаларгина тұзитиши мүмкін. Ҳикоя қаҳрамони ҳам ўзига тегишли мұъжазгина уйидан айрилғач, ўша кичик кулба унинг ватани бұлғанлигини антлаб етади, ўша ўзиники бұлған ватан қадрини ҳис қиласы, ёлғизлик, ватансизлик оғриқдарини кечиради.

“Сен бу ватансиз қушларға қараб нималарни үйлаган зәнинг? Балким сен уларнинг бежирим ва кескир қанотларига қараб озод қушлар ҳақида үйлагандирсан? Балки уларға боқиб Ватан ҳақида үйлагандирсан? Балки түйгүларнинг кантарларға айлантириб, узоқ-узоқтарға учирив юбормоқчи бұлғандирсан? Балки сен ҳеч қушларға қараб, үйсиз фақат ўзинг эмаслигингни, оламда миллионлаб үйсиз ва ватансизлар борлыгини үйлаб, ўзингни овунтиргандирсан?”<sup>1</sup>.

Афсуски, биз ҳаёлнимизни жамлаб, ҳаётимиңдан майда, үткінчи, маънисиз жиҳатларни юлиб ташлаш учун имкон берилған лаҳзаларда ҳам ўзимизни алдаб, юпатиш учун баҳона излаймиз. «Бу күргуликни кечираёттан фақат мей-ми?», - қабилида ўзимизни тинчлантирамиз. Ҳолбуки, ҳеч бұлмаганда хом ҳаёлларимиз алдамчи рүё эканини тан олсаккина, юз берган ҳодиса сабабларини излаб, одил хулоса чиқариш имконига эга бұлар зәдік. Ұзлигимизни майда, маънисиз әхтиёжлар, ҳирсу ҳаваслардан озод қылсақкина, озод қушлар каби юксакларға парвоз қилишимиз мүмкін. Акс ҳолда, ҳаётимиз шу таҳлит осуда, мақсадсиз түш каби на ибтидо на интиҳо билмай үтади, кетади!

Ёзувчи Назар Эшонқұлнинг биз таҳлил қылған ҳар иккі асарида ҳам муайян бир фикр илгари суримайды, балки ҳодиса, ҳолат тасаввур қылдырилади, аниқрөғи, манзара бизнинг тасаввуримизга жойланади, фикрлашта эса йұналиш берилади. Мазкур асарлардаги тасвиirlар сермаъно, сероҳангалиги билан диққатни тортади. Ҳар бир

<sup>1</sup> Эшонқұл Н. Ўша асар. – 18-бет.

ўқувчи китобхон ўз тасаввур ва идроки сигимига монанд хуносага келади. Энг муҳими, ёзувчи қўллаган тасвиirlар, таърифу тавсифлардаги мажозлардан қаҳрамонларнинг сирли, жозибали, мураккаб ва бетакрор руҳий дунёсини ёритишда фойдаланган, натижада, салмоқли натижаларга эришган. Шу жиҳати билан ёзувчи Назар Эшонқул яраттан асарлар Мустақиллик даври ўзбек қиссачилигининг айрим хусусиятларини намоён этади.

Ёзувчи Шодиқул Ҳамронинг “Қора кун”, “Қақнус қанотидаги умр” қиссаларини ҳам мустақиллик даври ўзбек насира яратилган яхши асарлар сирасига киритиш мумкин. Мазкур қиссалар ҳам ўзбек адабиётiga саксонинчى йилларнинг иккинчи ярмидан кириб кела бошлаган рамзий-таҳайюлий тасвир услугубига мансуб. Бугунги кунда Шодиқул Ҳамро ҳам Назар Эшонқул, Олим Отакон, Хуршид Дўстмуҳаммад каби бир қатор ёзувчиларимиз сафида туриб улбу оқимнинг талаб ва мезонларидан келиб чиқсан ҳолда асарлар битмоқда. Шодиқул Ҳамронинг “Қора кун” қиссасида кўпроқ бугунги Лотин Америкаси адабиёти анъаналарининг таъсири сезилиб туради. Ҳатто, асарнинг баъзи ўринлари Нобель мукофоти совриндори Г.Г.Маркеснинг “Ёлғизликнинг юз йили” асарини эслатади.

Шодиқул Ҳамронинг бу қиссасидаги воқеалар тасвири реаликдан йироқ. Асар сюжети тахайюлий воқеалар устига қурилган. Асарнинг гояси ҳам ганж каби яширин. Бу қиссада ҳам кўп маънолилик нуқтаси кучли. Шуни назарда тутган ҳолда, унинг қўйидаги таҳлили ҳам нисбийдир. Зеро, полифоник асардан нимадир олиш, уни тушуниш ўқувчининг қувваи ҳофзасига боғлиқ.

Қиссада воқеалар тизимининг уч силсиласи мавжуд. Биринчиси, бир йил аввалги қаҳратон ва очарчилик. Иккинчиси, тобутнинг йўқолиши билан боғлиқ воқеалар. Учинчиси, жинни қизнинг ҳаёти. ҳар учала чизиқ бир-бирини ёритади, тўлдиради. Улар алоҳида-алоҳида ҳолда ўз маъносига эга бўлгандек, умумлашган ҳолда ҳам ўзгача бир маъно касб этади.

Асосий сюжет чизиги тобутнинг йўқолиши билан боғлиқ воқеалар тизимидан ташкил топган. Чекка тог қишлоқларининг бирида тобут йўқолади. Бу қишлоқ дунёдан узилиб қолгандек чеккада ва дунёдан деярли беҳабар эди. Қишлоқда ҳеч қандай гайриоддий ҳодисалар бўлмаган ҳисоб. Фақат, анча олдин ўз-ўзидан ўт чиқиб тегирмон ёниб кеттан ва яна ўша йўқолган тобут турган масжиднинг етти устунидан бири ўз-ўзидан қулаб тушган. Энди эса тобут йўқолди. Тобутнинг йўқолиши бутун қишлоқни саросимага солиб қўйди. Ҳамма тобутни кимдир ўтираб кетган деб ўйлади. Бироқ: “Шу кун қишлоқ ҳар доимгидек тинч ва осуда эди. Одатдан ташқари, кўнгилга шубҳа ва гулгула соладиган бирон воқеа содир бўлмаган, четдан ҳам қандайдир нотаниш кишилар келиб кеттанига ҳеч кимнинг кўзи тушмаган эди”<sup>1</sup>.

Хўш, ёзувчи бу воқеаларни келтириш билан нима демоқчи? Келинг, бу саволга жавоб бериш учун рамзларнинг тагида қандай маънолар яширин эканлигини билиб олишта ҳаракат қиласиз. Тегирмон – бу ун чиқарадиган, яъни нафс эҳтиёжларини қондиралиган восита, унинг ёниб кетиши нимани ифодалайди? Шу ўринда халқимизнинг “нафсингта ўт тушгур” ва “нафсингта ўт кеттаними?” каби ибораларини эслаш лозим. Нафсга ўт кетиши, нафснинг ҳакалак отиши – нафсни жиловлай олмаслик демакдир. Юқоридаги халқ ибораларидан айнан шу маъно англашинилади. Демак-ки, қишлоқнинг одамлари “нафсига ўт кетган”. Иккинчи рамз бевосита бу рамзни тўлдиради, яъни масжид Оллоҳнинг уйи, кўнгил ҳам Оллоҳнинг уйи. Масжид устунининг йиқилиши кўнгилдаги имоннинг қулаши. Зеро, кўнгил иморатининг устуни – иймон ва эътиқоддир. Юқоридаги иккала рамз ечими топилганидан сўнг учинчи рамз ўз-ўзидан ечилади. Нафсга ҳирс қўйиш имоннинг

<sup>1</sup> Ҳамро Ш. Қора кун // Ёшлиқ. – 1995. – 5-сон.

сустлашишига олиб келади, оқибатда, охират куйиб кул бўлади. Тобут бу охират тимсолидир.

Қиссадаги кейинги воқеалар тизими гўёки, бу ҳақиқатларни изоҳлайди. Тобут йўқолишидан олдинги йил қишида жуда қаттиқ қаҳратон бўлиб, очарчилик ҳукм сурган эди. Одамлар очлиқдан ҳаром ва ҳалолнинг фарқига бормай қўйишади. Сартарошнинг ўлган эшаги билан боғлиқ ҳодисалар бу фикрни тўлдиради. Қолаверса, икки ўсмир ва уларнинг ўлими, дафн этилиши ҳам қишлоқ одамларининг аҳвол-руҳиятидан дарак берар эди. Нафсга ҳирс қўйишнинг яна бир мисоли сомсачи тимсолида берилган. қаҳратон қишидаги очарчиликда одамлар мажбуран ўлакса ейишган бўлса, сомсачи нафс учун бойлик ортириш мақсадида кишиларга ўлаксадан сомса пишириб беради. Одамлар эса ўлаксанинг гўштини мақтаб-мақтаб ейишади.

Қиссада нафснинг ҳакалак отиб, имоннинг сустлашуви, жинни қиз ва унинг тогаси ўртасидаги муносабат тасвири орқали ёритилган. Узбекларда, умуман, мусулмончилиқда қиз бола фақаттина тогага маҳрам ҳисобланади. Қиз бола тугишган акасига ва ҳатто отасига ҳам номаҳрамдир. Шунинг учун халқимиз: «Бир тога –етти отадан улуг», – дейишади. Қиссада тога ўзининг жиянини зўрлайди. Қишлоқ ҳаёти кундан-кун гайриинсоний ҳаракатлар билан тўлиб боради. Жувозчи ёг сотища қаллоблик қиласи, тобуткаш тобут ясашни обрў деб билади. Болаларнинг ҳаракатлари эса ҳаммасидан ўтиб тушади. Улар Оқтепа деб номланган тепаликка чиқиб ҳамма қушларнинг тухумларини йигиб олишади. Сўнгра қушларни ўз тухумлари билан уришади. Оқибатда қушлар бу қишлоқни тарқ этадилар.

Қишлоқдагилар янгитдан тобут ясашади. Бироқ бу тобут ўлик солингач, парча-парча бўлиб кетади. уни ким парчалаганлиги эса сирлигича қолаверади. Бу воқеаларни қишлоқдаги фолбин хотин сезган эди. У ҳаммасини аввадан айтиб беради. Офат сомсапазнинг туйидан сўнг бошланади. Сомсапазнинг тўйи омманинг поклиқдан юз

үгириши эди. Бирок, Шодиқул Ҳамро қиссанинг ана шу нұқтасини, назаримизда, күнгилдагидек яратылған. Гүрковни босиб қолган тупроқнинг китобга айланиши ва бу китобда қишлоқнинг бутун тарихи ва келажаги аёң булиши «Ёлгизликнинг юз йили» да құлланған услуга. У асарда ҳам Маконда шаҳри ва Буэндиалар авлоди тарихи шу таҳлид маълум қилинади. Қолаверса, Шодиқул Ҳамро «Қора кун»нинг илк сатрлариданоқ ұқувчини фикрлатади, аммо айни кульминацион нұқтада фикрнинг жадаллашуви йүқолған. Қиссадаги жинни қиз билан бөглиқ воқеалар таъсиран өртилған. Шодиқул Ҳамро жинни қиз орқали қишлоқнинг фожиасини күрсатиб берған. Қишлоқда ёлгиз жинни қизгина эътиқоди ва рухиятини пок сақлай олған. У бунга соғ инсоний муҳаббат орқали эришған. Жинни қиз чексиз меҳр ва муҳаббат билан яшарди. Қишлоқнинг болалари одам сүякларини хор қилишганда, одамзоднинг бош чаногини ёқишишганда, жинни қиз үз сиғирининг тұлғоқ азобларига қараб изтиробға тушади, ҳаттаки үзининг номусини поймол қылған кишига муҳаббат құяди. Ҳамма қишлоқни ташлаб кеттеганды ҳам жинни қиз қишлоқда қолади. Чунки оғатта қишлоқнинг хеч қандай алоқаси йүқ әди. Ҳамма бало одамларнинг үзіда, уларнинг қалбларида яшириңған тубанлиқда әди.

Қисса охирида ҳамма қишлоқни тарқ этади. Биринчи бұлиб мулла, мурдашүй ва фолбин кетади. Бунда ҳам үзига хос маъно яшириңған бұлиб, мулла – эътиқод ва имон, мурдашүй – поклик, фолбин – ақел тымсолидир. Улар қишлоқні тунда тарқ этишади. Қисса ниҳоясидаги оқсоқол ва хотинининг ҳолати ҳам таъсиран манзараларда тасвирланған. Қишлоқни ҳамма да кейин оқсоқол тарқ этади. Оқсоқол қишлоқдаги әнг яхши кишилардан бири. Тобутнинг йүқолиши бежиз эмаслиги, бунда қандайдыр илохий бир ҳислат борлигини биринчи бұлиб оқсоқол таҳмин қиласы. Қолаверса, тобутнинг йүқолганини ҳам биринчи бұлиб у сезади. “Аммо оқсоқол бу гал унга (хотинига) лом-мим деб жавоб бермади, зоро, уннинг үзи ҳам қаёқни қора тортиб боришини билмасди. У чукур хұрсиниб

қўйди-да, бошини ҳам қилиб кунчиқар томонга қараб имиллаб йўлга тушди. Хотини ҳам чор-ночор унинг изидан юрди".<sup>1</sup> Шодиқул Ҳамронинг "Қора кун" қиссаси қатор фазилатлари билан китобхонлар эътиборига тушди, айни чогда асарнинг камчиликлари ҳақида ҳам фикрлар билдирилди. Масалан, қиссада сюжет қурилиши айтарлича муваффакиятли чиқмаган. Аниқроги, қаҳратон қищдаги очарчилик воқеаси асосий воқеа билан етарлича боғланмаган. Натижада бу қусур асарнинг равон ўқилишига ҳалақит беради. Қолаверса, қисса бу ўринда ҳам «Ёлгизликнинг юз йили»ни ёдга солади. Шунингдек, асарнинг баъзи ўринларида рамзлар етарлича бадиий сайқал топмаган.

Бугуннинг қиссалари ранг-баранг услубий изланишлар натижасида эпик кўлам миқёсларини кенгайтириб, ўзбек насли тараққиётини таъминламоқда. Мустақиллик даврида яратилган қиссалар ижтимоий воқеликни тасдиқлаш ёки инкор қилиш эмас, уни бор зиддиятлари билан ҳаққоний тасвирлаш тенденцияси ўзбек наслида барқарор ижодий тамойилга айланганлигини кўрсатмоқда.

---

<sup>1</sup> Ҳамро III. гора кун. гисса // Ёшлиқ. – 1995. – 5-сон.

## ЎЗБЕК РОМАНЛАРИДА ШАХС ФОЖИАСИННИГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ

Ўзбек романнавислари замондошимиз образини яратиш орқали ўз ҳатти-ҳаракатларини, фаолиятини ҳатто ҳис-туйгуларини ҳам ақлидорки ила мулоҳаза қилиб, ўз-ўзини тафтиш этувчи – аналитик образлар воситасида бутуннинг дарду изтироблари моҳиятини очишга ҳаракат қилаётирлар.

Инсон кўнглини англашнинг янги шакл ва воситаларидан фойдаланишта интилишни биз истеъдодли ижодкорлардан бири – Улугбек Ҳамдамнинг «Ёлғизлик» номли қисса ва ҳикоялар тўплами (1998), «Тангрига элтувчи исён» шеърий тўплами, «Мувозанат» ва «Исён ва Итоат» романлари мисолида ҳам кузатамиз. Ёзувчининг ҳар бир асари қатидағи моҳият унинг сарлавҳасиданоқ англанади. Инсон ҳамиша ўз эҳтиёжларини қондириш учун интилади. Бутун ҳаёти шу эҳтиёжларга «қул» қилингандай. Муносабатларига зид ҳолатлар юзага келганда у яраттандан ҳам, ҳаётдан, умридан ҳам нолийди. Ўз истаклари қамрови тору кенг бўлишидан қатъи назар, истак ва эҳтиёжлар нуқтаи назаридан шукур қилиш ўрнига ҳамиша норозилик устуналик қиласи. Камдан кам одамларигина ҳаётнинг асл маъносини, инсонликнинг маъноси имон, эътиқод орқали ўзликни англаш ва ўзлигини топиш эканини тушунадилар. «Исён ва Итоат» романида ёзувчи айни шу жараён, яъни ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёти давомида ўзлигини ва яратувчиси бўлмиш Оллоҳни англаш жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган Исён ва бу исённинг интиҳоси Итоатнинг мазмун-моҳиятини ёритишга ҳаракат қилган. Бу асарга адабий жамоатчилик ўз муносабатини билдиради. Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетасининг 2005 йил 20 майдаги сонида мустақиллик даври ўзбек насли таҳлил қилиниб, давра суҳбати иштирокчилари «...буғунги наслий асарларнинг қаҳрамонлари фақат фаолият одамигина эмас, балки ўй ва мушоҳада кишиси сифатида

ҳам тасвирланадиган бўлди. Одамнинг асл моҳиятини фаолиятидағина эмас, балки тин олиб турган ёки ўйлаёттандаги ҳам намоён этиши мумкинлиги бадиий тасвир тажрибасига кириб кела бошлиди. Шунинг учун ҳам Улугбек Ҳамдамнинг «Исён ва Итоат» романидаги «... Қачонки унинг бағрида гуриллаб ёнгани исён гулхани ўчган, гоғиллик ҳам уни қийнамай қўйди... қайтага, исён ўрнида туғилган ўша кайфият - ўша итоат... руҳида қандайдир маърифат бор эди. Маърифатки, гоғилликни, унинг оламини ювиб юборишга қодир... Энди унинг кўзларида, бағрида, бутун борлигидаги итоат нури ҳоким, итоатки, мислсиз исёндан сўнгтина «тўқиладиган, итоатки, исёндан минг кара, миллион кара юксакроққа элтадиган!» «тарзидағи фалсафий мушоҳадалар ўқувчига ўринисиз донолик бўлиб туюлмайди, балки ўз моҳиятини англамоқчи, ўзини топмоқчи бўлган инсоннинг руҳий тўлғонишлари тарзида таъсир қиласи» - каби асосли фикрларни илгари сурдиларки, бу қарашга биз ҳам қўшиламиз.

Дарҳақиқат, романда инсоният пайдо бўлгандан бери унинг қалбида яшаб келаётган Исён ва Итоат, имону эътиқод масалалари таҳлил ва тадқиқ қилинган. Биламизки, Шайтон Аллоҳга итоат этмагани учун фаришталар сафидан чиқарилиб, жаннатдан қувилган. Аллоҳнинг ҳабиби инсон-чи? Инсон яратган парвардигорининг оғир ва машаққатли синовларига бардош беролмай, унинг амрига қарши борди, натижада унга Исён қилди. Ҳолбуки, инсон Исёндан Итоатта етиб боргунча беҳисоб йўл босиб, хилма-хил синовлардан ўтиши даркор. Итоат майдонига етиб боргандагина инсон барча азоблардан фориг бўлиб, инсонлик қисматининг моҳиятини англайди ва Итоатта томон юз тутади. Бу жараён асаддаги Акбар қисматида ҳам, устози табиб тақдирауда ҳам тақрорланади. Ёзувчи хилма-хил тақдирли қаҳрамонлар ҳаётидан сўзлаб, одамларнинг тақдирни, дунёқараши бетакрор, бармоқ излари каби фарқли бўлгани билан уларнинг Исёндан Итоатта томон бориш йўллари бир хил эканини таъкидлайди. Ана шу ҳақиқатни гўё ҳаётнинг маъниси, инсонликнинг

маъниси нимада? – деган саволни ўз-ўзига бериб яшайдиган, қалбида адолатсизликлар, нохақлигу зуравонликларга қарши исён туйгусини тия олган одамгина тушунади. Шундай одамгина одамликнинг, унга берилган ҳаётнинг ва синовларнинг, яна кўп нарсанинг асл моҳиятини англаб етади. Романдаги табиб образи ана шундай инсонларнинг бири бўлса, Нурмат фақат ўз манфаати учунгина яшовчи кишилар тимсоли. Айни чорда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёзувчи бу образни бадиийлик ва ҳаётийлик мезонлари асосида маромига етказиб тасвирлай олмаган. Асарнинг гоясини муаллиф публицистик услубда ёритишга берилган. Турсунбой тақдири билан боғлиқ фожиа ҳам асарнинг гоявий-эстетик тасвир қамровига, эпик тафаккурига сингишиб кетмаган.

Ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг «Жазирамадаги одамлар» романи ҳам бадиий тилининг жозибадорлиги билан китобхон диққатини тортади. Романда ёзувчи кичик ҳаётий ҳодисани тасвирлаш орқали катта ижтимоий маънавий муаммони бадиий тадқиқ қилган. Бу борада ёзувчи ўзига хос йўлдан борган: асар воқеалари қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади, ҳодисалар Самад назаридан ўтказилиб, таҳдил қилинади, ҳукм чиқариш эса китобхонга ҳавола қилинади.

Асар воқеалари тугундан – Ашурнинг қамоқдан чиққанлиги ҳақидаги хабар билан бошланади.

Асарга қамраб олинган воқеалар табиийликни бўгиб бўлмасликни, табиатнинг табиий мувозанатини бузиш оғир фожиага олиб келишни тасвирлашга йўналтирилган. Чўлни ўринсиз ўзлаштиришнинг аянчли оқибатлари инсонлар ҳаётига ҳам чанг солғанлигини асар қаҳрамонларидан Лолаҳон тақдири мисолида ҳам қузатиш мумкин. Жазирама чўлга Лола гули ёт бўлгани каби, чўл-қувурлар ичиди «Фахрий депутат» Лолаҳоннинг умри, аёллик назокати-ю латофати ҳам чўлдаги қумга тушган сув томчиси каби иззиз, қадр топмай йўқолади. Йигирма уч ёшли бева Лолаҳоннинг умри хилма-хил мажлисларда ўтади, мавқеи ва амали туфайли у

ҳамиша жиддий қиёфада бўлишга, табиий ҳис-туйгуларини жиловлаб, омма кўз олдида «фаҳрий депутат» қиёфасига мос куринища юришга мажбур. «Жонли қўтирчоқ»قا айланниб қолган бу баҳтсиз аёл ўз тақдирига кўнишиб яшолмайди, табиий равишида баҳтта, висолга, инсоний туйгуларга интилади. Улаш агрономнинг ўзига аталган шеърини эшитганда «бир сесканиб» кетади. Унга мажбурулаб ёпиштирилаётган шон-шуҳратнинг оқибати фожиа эканлигини депутат – кампирни кўрганда англаб, даҳшатта тушади. Бир умр бевалик юкини кўтаришга бардоши етмаган Лолаҳон Самад билан туйгудош бўлишни истайди, аммо яширин хирснинг қурбонига айланади. Бу ўринда ёзувчи ижтимоий-маънавий иллатта эътиборни тортади. Шахс фожиасининг юзага келишига оламоннинг таъсири: миш-мишлар, фисқу фасодлар, инсонни таҳқирловчи «айбномалар» айни оламон қўлидаги мудҳиш қурол эканини аёвсиз фош этади. Лолаҳоннинг аянчли қисмати ёлгонларга, сохталикларга тўла ҳаётнинг фожиали хотимасидир.

Хўш, асар чўлқуварлар ҳаётини тасвирилаш орқали табиатнинг табиий мувозанатини бузиш оғир экологик фожиаларга олиб келишини тасвирилашга йўналтирилган бўлса, Лолаҳоннинг тақдири билан боғлиқ манзаралар, ҳаётий тасвиirlар бу муаммога қайси жиҳатдан боғланади? Гап шундаки, ёзувчи Лолаҳон образи орқали ҳам табиийликни бўғиши ёки унга қарши туриш, табиий ҳис-туйгуларни «сохталаштириш» ҳам инсонга битмас тутанмас мусибату фожиалар келтиришини ҳаққоний тасвирилаш орқали асарнинг яхлит эпик тафаккур тарзини яраттан. Айни чогда, ёзувчи Лолаҳон, Эргаш, Самад каби ўз тақдирига эга инсонларнинг руҳий оламлари ҳам бетакрор эканини, айни «ўзига хос олам»и билангина одамлар шахслик даражасини забт этишлари мумкинлигини ёзувчи Луқмон Бўрихон «Жазирамадаги одамлар»нинг руҳияти таҳдили ва тасвири орқали (гарчи асарда Зумрад каби қиёмига етмаган, фаҳрий кампир каби схематик образлар учраса-да...) ёритиб бера олган. Шу

жихатлари билан ушбу роман ўзбек романнавислари шахс фожиасининг бадиий тасвирида маҳоратнинг алоҳида босқичига кутарилиб бораётганликларидан дарак беради. Сўнгти йилларда яратилаёттан ўзбек адиларининг хилма-хил мавзудаги романларини таҳдил қилиш орқали китобхонлар миллатнинг дили ва тилида акс этган қувончу изтиробларни ҳис қилишлари аниқ.

## ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Истиқдол даври ўзбек драматургиясида Шукрулло, Учқун Назар, Ў.Умарбеков, Ш.Бошибеков, М.Бобоев, А.Иброҳимов асарларига хос воқеаликнинг ижтимоий-маънавий муаммолар билан боғланувчи нуқталарини драматик йўсинда бадиий талқин этиш тенденцияси давом этаётганлиги драматург Иzzат Султоннинг сўнгги йилларда яраттан асарлари, Ш.Бошибековнинг «Тушов узган тулпорлар», «Чорогбонлар», А.Иброҳимовнинг «Зўлдир», «Сочқи», «Аппа», Ф.Мусажоновнинг «Шаҳарлик олифта», Эркин Хушвақтовнинг «Қизил олма» сингари асарлари мисолида кузатиш мумкин.

Яхши биламизки, драматик адабий тур бошқа жанрларга нисбатан мураккаб композиция ва ўта масъулиятли маҳоратни талаб қиласди. Драматик асарнинг таъсирчанлигини таъминлашда муаллиф маҳорати билан актёrlар маҳорати бирдай аҳамиятта эга. Айни пайтда, драматик тур воқеаларининг шиддатли ривожини, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари ва рухиятларидағи кучли драматизмни талаб қиласди. Демак, асар марказидаги гоя ҳам фикрлар, ҳаракатлар ва туйгуларнинг муттасил шиддаткор ривожланиб боришини тақазо этади. Драмада муаллиф нутқи ёки унинг муносабати очиқ равшан кўзга ташланмайди, балки воқеалар оқими, зиддиятлар, кураш ва ҳаракатларга бирлашиб кетади.

Маълумки, концепция тушунчаси остида санъаткорнинг табиат, жамият, ижтимоий воқеалик, инсоннинг ўтмиши ва бутуни, Олам ва

Одам ҳақидағи муайян қарашлари тизими, фикрларнинг гоялар тусини олған силсиласи күзде тутилади, англашилади. Бадий асарларда давр рұхى, замон пафоси харakterлар табиати, психологик жараёнларга, қаҳрамонларнинг фаолиятига сингдирилган ҳолда намоён бўлиб келаётир. Ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир босқичидаги даврнинг мураккаблигию сир-синоатлари бадий образлар ҳаракати орқали аёналашади. Истиқлол даври драматургиясида ҳам Ушбу қонуниятни кузатиш мумкин. Ҳаёт ва табиатдаги эврилишлар каби инсон шахси, дунёси, интеллектуал ҳолати, даражаси ҳам муттасил ўсиш, ўзгаришда. Кейинги йиллар ўзбек драматургиясида яратилёттан хилма-хил образлар тимсолида ҳам замондошимизга хос маънавий, рұхий интеллектуал сифатлар бадий гавдалантирилаётир. Хусусан, Иззат Султоннинг ахлоқий-психологик драмаси «Янги одамлар» ана шундай асарлардан бири.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳаёт материалининг бадий-эстетик идрок ва ифода хусусиятлари асар жанрини белгилаб беради. Бугунги адабий жараёнга хос жанрлар ўртасидаги диффузияланиш ҳодисаси жанрлар тараққиётининг кейинги даврига хос етакчи тамойиллардан бирига айланди. Шеъриятта хос лирик кўтаринкилик, эпоста хос ҳолат ва хатти-ҳаракатлар вазминлиги драматик тур жанрларига сингиб бораёттир. Бу ҳолат драма ўзига ёндош адабий жанрларга хос хусусиятларни ўз табиатига сингидирган ҳолда бойиб бораёттанлигини кўрсатади.

«Янги одамлар» пьесасида қаҳрамонларнинг күнгли, туйгу кечинмалари тасвирида ҳам ана шундай хусусиятлар кўзга ташланади. Шу сабабли асар биз ўрганган, томошо қилган анъанавий саҳна асарларидан фарқ қиласи. Унда эпоста хос сюжет оқими, аналитик мулоҳазакорлик, лирикага хос туйгу-кечинмалар етакчилик қиласи. Айни чогда булар асар қаҳрамонларнинг рұхий оламини очишдаги бадий унсурлар тизимига айлантирилган.

Драматург Иззат Султоннинг «Ойдин кеча асирилигида» пьесаси ҳам бугунги куннинг маънавий-ахлоқий масаласига багишланган. Пьеса марказида Бахринисо оиласининг тақдиди туради. Унинг ўғли пахта заводининг инженери ўзимжон «пахта иши» билан ноҳақ қамалган. Мустақиллик шарофати билангира у озод қилинади. Ўзимжон оиласига очиқ юз билан қайтиб келади. Лекин хотини Саодат уни ҳалол виждан билан қарши ололмайди. Сабаби, эри қамоқдалигида у ҳаммаҳалласи Собир билан топишиб олган. Драматург инсонлардаги меҳр-оқибат туйгуларини қадрлашга даъват этади. Мазкур драмада жаҳон ва ўзбек драматургияси тажрибасида кўзга ташланувчи «кўринмас қаҳрамон» Собир образи мавжуддир. У саҳнада кўринмайди, лекин қаҳрамонларнинг ҳаммаси уни тилга олади. Воқеалар ҳам у билан боғлиқ ҳолда кечади. Драмада коллоизиялар қаҳрамонлар психологиясини ёритищда, воқеалар динамикасини белгилашда ўзига хос эстетик маъно касб эттан.

«Қақнус»да эса XX асрнинг 80–90-йиллари орасидаги воқеалар тасвирланган. Совет империясининг парчаланиши, миллий республикаларнинг мустақилликка эришуви каби тарихий жараёнлар қамраб олинган. Асар қаҳрамонлари жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият юритаёттган замондошларимиздир. Фикрлар, муносабатлар тўқнашувидаги кескинлик ва таранглик асар бошиданоқ Комил Билан бобоси Акбар ўртасида юзага келган фикрий зиддиятни, кечинмалар таранглигини асослайди. Драматург ҳаётдаги, қаҳрамонлари тақдидидаги энг кескин, зиддиятли ҳолатларни танлаб олади. Уларни замон руҳидан айирмаган ҳолда давр воқеалари ичida гавдалантиради. Акбарнинг ўтмиши, ҳалқ ва мамлакат манфаати йўлидаги хизмати унинг рухиятини фикрий салоҳиятини очиб беради. Комилнинг Калонбек билан бобосидан қолган маънавий интеллектуал меросни – янги замон ҳақиқатлари акс эттирилган китоб қулёзмасини сақлаб қолиш учун олиб борган

кураши асарнинг бош гоясини ифода қиласи. Бу ҳаётдаги ижтимоий ёргулар, авлодлар ворисийлиги, эътиқодлар узвийлигидир.

Муаллиф асосий қаҳрамонлар (Акбар, Комил) ҳамда иккинчи даражали персонажлар (Собира, Назир, Калонбек, ёзувчи, Сотоволди) ички дунёсига киришга уларнинг психологик кечинмаларини, ўй-фикрларини очиб беришга эришган. Энг муҳими, драмада миllат ва ватан тақдирiga алоқадор воқеалар ижтимоий мустақилликнинг қарор топиши жараёнлари билан боғлиқ ҳаётнинг бир бўлаги сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади.

Демак, сўнгти давр ўзбек драматургиясида жамият ва халқ ҳаётидаги ўзгаришлар, ижтимоий воқелиқдаги янгиланишлар ўз ифодасини топмоқда. Замондошларимиз образлари тимсолида улар руҳиятидаги эврилишлар, янги ахлоқий муносабатларнинг қарор топиши жараёнлари гавдалантирилмоқда. Шахснинг оиласи, севгига, жамиятта бўлган муносабатини тасвирлаш асосида алоҳида инсоний тақдирлар бадиий тадқиқ этилмоқда. Инсон онгидағи ўзгаришлар билан баробар кўнглидан кечаёттган туйгулар орқали уларнинг шахс сифатидаги қиёfasини очиб беришга эришилмоқда.

Кейинги йиллар ўзбек драматургиясида саҳна асарлариниг ички структурасида ҳам жиiddий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ходисанинг сабаби ҳаётдаги, воқелиқдаги ижтимоий-сиёсий, маданий ўзгаришларга боғлиқ ҳолда драма жанри табиатига ҳам ўз таъсирини ўтказаётганлиги билан изоҳланади. Ижодкорларнинг бадиий-эстетик изланишлари натижасида майший-психологик, ахлоқий-психологик, романтик-патетик жанр кўринишлари юзага келди. Булар қаҳрамонларнинг характер хусусиятларида, ҳаётта бўлган интилишларида, асарлар сюжет ва композицион қурилишида, конфликтлар кўринишларида, қаҳрамонлар руҳиятини гавдалантирища, фикрлаш табиати ҳамда қиёфаларида намоён бўлмоқда. Бу хусусиятлар мустақиллик даври ўзбек драматургияси

воқелиқдаги ва инсон қалби билан тафаккуридаги ўзгаришларга ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлаёттанилигини кўрсатади.

## АДАБИЙ ТАНҚИД ВА ПУБЛИЦИСТИКА

Истиқлол даври ўзбек публицистикасининг дикқат марказида замон ва замондошимиз ҳаёти, интилиш курашлари билан боғлиқ долзарб ижтимоий, маънавий-маътирифий ҳамда майший муаммолар кўндаланг турди. Бу давр публицистикасида бозор иқтисодига ўтиш масалалари билан боғлиқ муаммоларни ёритиш; ҳалқимиз ҳаётидагина эмас, балки бутун жамиятда қонун устуворлигига эришиш йўлидаги камчиликларни, «сояларни» фош қилиш; экология масалаларини дадил кўтариб чиқиш; жамиятнинг маънавий ҳаётини согломлаштириш билан боғлиқ қатор муаммоларни таҳлил қилиш; инсоннинг руҳий, жисмоний ва маънавий согломлиги учун кураш руҳини ифодалаш; диний оқимларга муносабат масаласини теран таҳлил қилиш етакчилик қиласди.

Ёқубжон Хўжамбердиев, Мурод Абдуллаев, Жуманиёз Мелиқулов, Карим Баҳриев, Абдунаби Ҳайдаров сингари қатор ижодкорлар ўзларининг ўткир публицистик руҳдаги мақолалари билан жамиятимиз равнақига тўсиқ бўлаёттан иллатларни йўқотишга қаратилган фикр-мулоҳазаларини илгари сурғанликларини кузатиш мумкин.

Хусусан, Мурод Абдуллаевнинг «Улуг Темурга алла айттан юрт» (2006 йил, 3 ноябрь. 2-бет, 44-сон // ўзАС) навқирон ўзбекнинг ҳам кўхна ҳам дурдана шаҳарларидан бири – Насаф шаҳрининг 27 йиллик тўйи муносабати билан ёзилган бу мақолада обод, меъморий обидаларга бой шаҳар мисолида республикада амалга оширилган буюк бунёдкорлик ишлари ёритилган.

Шерали Турдиевнинг «Қутбиддин домла қисмати» (2006 йил, 3 ноябрь. // ўзАС) таъқиб ва қувгинлар остида яшаган ургутлик уламо

ва олим Қутбиддин домла Мухиддиновнинг ҳаёти ва фаолиятига оид қизиқарли мулоҳазалар, фактик маълумотлар берилган;

У.Норматовнинг «Бир асар тарихи» рукни остидаги мақоласида А.Қаҳжорнинг «Ёшлар билан сұхбат» асари билан бөглиқ өкілеалар, адебининг «күргуликлари» ҳақидаги хотиралари ёзилган.

- Истиқлол даври ўзбек публицистикаси қарвонбошларидан бири М.Абдуллаев ҳисобланади. Унинг ранг-баранг мавзудаги публицистик мақолалари жаңр равнақига сезиларли таъсир күрсатди, дейиш мүмкін. Унинг «Деҳқонбой бой бўлса...» (2006 йил, 17 ноябрь. 2-бет, 46-сон // ЎзАС) мақоласида Зангиота туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда қурилган уч гектар майдондаги иссиқхоналарда етиштирилган бодринг, помидорлардан ташқари Хитойдан келтирилган нок, олма дарахтлар ҳам ўстирилаёттандилиги ҳақидаги кузатишлари ёритилган булиб, илгор технологиялар асосида унумдорликка интилган хўжалик аъзоларининг самарали меҳнати, изланишлари остида эзгу ният: деҳқони бой юртнинг халқини фаровон этиш мақсади ёттандилиги очиб берилган. Мақолада минимал технологиялар ва ихчам ускуналарни фойдаланиш орқали юксак самарадорликка эришиш – элизимизни фаровон этиш эканлиги эзгу тилак билан меҳнат қилаёттан замондошларимиз тимсолида ёритилган. Журналист «Хавфни бартараф этиш мумкинми?» номли мақоласида Сарез кўли билан бөглиқ экологик муаммола жамоатчилик эътиборини қаратган. Бу кўл Амударёning қуи қисмида жойлашган бўлиб, шу ҳудуддаги шаҳарлар ва 5 млн. дан ортиқ аҳоли учун катта хавф тутдираёттандилиги; кўлнинг сув хажми ортиб бораёттандилиги натижасида қатор экологик муаммолар юзага келганлиги; кўл сувини босқичма-босқич Бартанг дарёсига оқизиш муаммолари ҳақидаги муаллиф қарашлари минтақамиздаги экологик муаммолар бутун сайёрамизга даҳлдор ҳаёт-мамот масалаларига багланиб кетишини куйиниш билан ёриттан. Дарҳақиқат, бугунги экологик муаммолар

фақат айрим давлатлар ёки минтақаларга дахлдор бўлмай, ер курраси ва ундаги инсоният ҳаётига тегиши масалалардир. Кўлнинг қуриши оқибатида инсоният бошига тушган фалокатларни Орол кўли мисолида эслашимиз мумкин. Табиатнинг табиий мувозанатига дахл етса, инсон бошига ҳам мислсиз фалокатлар ёғилишини Мирзатўлнинг «ўзлаштирилиши» оқибатларидан ҳам кўрдик. Журналист М.Абдулаев ўзининг ўтқир проблематик мақолалари билан узбек публицистикасига хос гражданлик руҳини янада чуқурлаштиришга эришаётир.

«ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев газетанинг 2006 йил 24 ноябрдаги «Йўл маданияти» номли мақоласида республикамиз вилоятлари ва пойтахтимиздаги йўлларнинг равонлигини таъминлаш учун олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида тухталиб, замонавий шаҳарларни туташтирувчи замонавий йўллар йўл маданиятини эгаллаган замонавий қиёфадаги аҳоли учун эканлигини таъкидлайди. Афсуски, ҳалқимиз орасида йўл маданиятини эгалламаган одамлар ҳам учраб туради. Бу ҳолатни замонавий транспортлар ўриндиқларидағи хилма-хил ёзувлар, автобус салонларидағи беўхшов чизиқлар, ахлат қолдиқларидан кузатиш мумкин. Хўш, бундай бузгунчиликни ким қиласяпти? Ҳалқимиз ва давлатимизнинг замонавий шаҳарлар ва йўллар бунёд этиш борасидаги орзу-умидларини, сарф-ҳаражатларини айни шу шаҳарларда яшаётган ҳамشاҳарларимиз яксон этаётирлар. Бу ачинарли ва фоже ҳолатни одини олиш учун барчамизда йўл маданиятидан ташқари маънавий маданият шаклланган бўлиши зарур.

Журналист Жуманиёз Мелиқулов ўзининг «Импортлашаётган онг ёхуд глобаллашаётган дунё муаммолари» номли мақоласида республикамизга хилма-хил воситалар орқали дунё маданиятининг кириб келаёттанлигини ёриттан. Муаллиф илгор илм-фан, замонавий технологиялар, гоялар ва қарашлар билан бирга жамиятимизга

миллый заминдан узоқ бўлган зарарли ахлоқ «экспорт» қилинаёттанилигидан куюниб фикр юритади. Хилма-хил телевизион сериаллар ёки адабиётлар орқали миллатимизга ёт бўлган ахлоқий қарашларнинг кенг ёйилаёттанилиги ташвишланарли ҳолдир. Бугунги кунда ўзбекистонни ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлидан дадил бормоги учун гаразли экспортлардан миллат онгу тафаккурини ислоҳ қилиш лозимлиги, ҳар бир инсон қалбининг эзгуликларга йўгрилишида юзаки тақлид эмас, қалбнинг ислоҳга юз тутиши муҳим эканлиги рўй-рост ёритилган. Бундай мақолалар бугунги ўзбек публицистикасининг тараққиёт хусусиятларини белгилаб берди, дейишга хақлимиз. Публицистика жанри ҳам барча адабий жанрлар қатори ҳаётимизни ранг-баранг жиҳатлардан тадқиқ этиб, тараққиётимизга йўл очувчи салмоқли фикр-мулоҳазаларни илгари суроёттанилиги билан диққатта сазовор.

### АДАБИЙ ЖАРАЁН ВА АДАБИЙ ТАНҚИД

Адабий танқид ҳозирги адабий жараён билан ҳамнафаслиқда шиддат билан ривожланиб бораёттанилигини яратилаёттан илмий рисолалар, адабий танқидий мақолалар, адабий портретлар ва тадқиқотлар орқали куришимиз мумкин. Ҳозирги ўзбек шеърияти, насли ва драматургиясининг тараққиёт тенденциялари, етакчи тамойиллари қатор ўзбек мунаққидлари томонидан ҳар томонлама чуқур ўрганилаёттанилигини У.Норматов, Б.Назаров, Н.Худойберганов, А.Расулов, Қ.Йўлдошев сингари олимларнинг яратган қатор рисолалари орқали кузатамиз.

Устоз мунаққидлардан О.Шарафуддиновнинг «Ижодни англаш баҳти» (2004), «Довондаги ўллар» (2004) каби рисолалари; профессор У.Норматовнинг «Қодирий бояни» (1994), «Қаҳҳорни англаш мashaққати» (2000), «Умидбахш тамойиллар» (2001), профессор А.Расуловнинг «Танқид, талқин, баҳолаш» (2006), «Илму гарibани

қўмсаб» (1998), «Истеъдод ва эътиқод» (2000); профессор Б.Саримсоқовнинг «Бадиийлик асослари ва мезонлари» (2004); И.Ҳаққуловнинг «Бадиий сўз шукуҳи», «Занжирбанд Шер қошида», «Шеърият руҳий муносабат», «Тасаввуф ва шеърият»), «Абадият фарзандлари», «Ирфон ва идрок», «Тасаввуф сабоқлари», «Аҳмад Яссавий», «Ким нимага таяниди» (2006) каби қатор илмий рисолалари мустақиллик даврида яратилди. Адабиётшунос олимлар Н.Рахимжонов, Б.Каримов, И.Мирзаев, С.Содиқов, А.Улугов ҳам ҳозирги адабий жараённинг долзарб муаммоларини ўрганувчи илмий тадқиқот ишлари, монография, адабий танқидий мақолалари билан ҳозирги ўзбек танқидчилиги равнақига ҳисса қўшиб келаётирлар. Хусусан, адабиётшунос И.ганиев «Фитрат ва ғитратшунослик» масалаларини ўрганиб, бу соҳада сезиларли натижаларга эришаёттан бўлса, олим Д.Қуронов Чўлпоннинг поэтик маҳоратини ўрганувчи фундаментал тадқиқотларини яратди; И.Мирзаев «Ҳозирги ўзбек прозасида янги бадиий тафаккур ва тараққиёт тамойиллари» (1991); А.Рахимов «ўзбек романни поэтикаси» (1993); Ҳ.Болтабоев «XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси» (1996); С.Содиқов «Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқид» (1997); Б.Йўлдошев «ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида услуг ва маҳорат муаммолари» (2000); Б.Каримов «XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси» (2002) каби йирик тадқиқот ишларини яратдилар.

Ҳозирги адабий танқид диққат марказида ёзувчи шахси ва ижодкорнинг бурчи масалалари таҳлил қилинмоқда. Республика матбуотида Э.Воҳидов, А.Орипов, Ҳ.Дўстмуҳаммад, П.Қодиров, Назар Эшонқул, Баҳром Рўзимуҳаммад, Ислом Ҳамро каби ижодкорлар ҳозирги адабий жараён теварагидаги баҳсларда иштирок этиб, ўз мулоҳазаларини билдирганликлари қувонарли ҳолдир. «ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси саҳифаларида мунтазам равища ёшлиар шеърияти, насли муаммолари, ҳозирги ўзбек ҳикоя ва

қиссаларига хос услугбий йұналишлар тұғрисида «Давра суҳбатлари» үтказилдіки, бундай баҳслар жараёнида ҳозирги адабий жараён мұаммолари у ёки бу даражада таҳлил қилинди, холосалар чиқарылды.

Профессор У.Норматов томонидан яратылған «Умидбахш тамойиллар» номли илмий ва адабий танқидий рисолада үзбек насрига хос үсиш-ұзгаришлар чуқур таҳлил қилинган. Зотан, мустақиллікка әришилгандан кейинги барча соҳалардаги каби бадий ижоддаги изланишлар натижалари истиқбол талабларига мувофиқ ҳаққоний ёритилмаса, тараққиёттің бутун дүнё андозаларига мөс, бозор иқтисодиётіга асосланған хуқуқий демократик жамият қуриш томон йўли, мақсадлари бесамар бўлиши мумкин. Шу боис, Хуршид Дұстмуҳаммад адабий жамоатчилик дикқатини ижодкор шахсига, унинг бугунги жамиятимизда туттан урнига, мавқеига қараттанлиги бежиз эмас.<sup>1</sup>

Ислом Ҳамро эса замонамиз қаҳрамонлари образлари публицистик асарларда, очеркларда ҳаққоний, ҳаёттй бўлиши, «сохта пафосларга ұралмай» тирик инсонлардай тасвирланиши, уларнинг ички дунёси, руҳияти теран бадий таҳлилдан үтказилиши зарурлигини уринли таъқиддаган эди.

Яхши биламизки, адабий танқиднинг тақриз, адабий шарҳ, адабий биографик очерк, адабий портрет, бадиа, мұаммоли мақола сингари жанрлари мавжуд. Айни чогда, танқидда қадимдан учта услугбий йұналиш бўлган: фалсафий, илмий публицистик ва шоирона. Бугунги кунда ана шу барча услугбий йұналишлар үзбек танқидчилиги теварагида адабий жараённинг мұхим мұаммоларини таҳлил ва талқин қилишга йұналтирилганлиги билан дикқатта сазовор.

Таниқлы танқидчи, ф.ф.д., профессор Норбой Ҳудойберганов мустақиллік даври үзбек адабиёти, хусусан, танқидчилиги тараққиёти билан боғлиқ мұаммоларни таҳлил қилиб: «Танқидчи ҳеч қачон ёзувчи ва бадий ижод савиясини оширишга қодир эмас,

<sup>1</sup> Х.Дұстмуҳаммад. ҮзАС. 2001 йил. 2 март сони.

бундай вазифани бажаришга сафарбар этилмайди, фақат таъсир кўрсатиши мумкин», – деган фикрни илгари суриб, мустақиллик даври ўзбек танқидчилигининг адабий жараёнга, бадиий ижод равнақига таъсири сезиларли даражада эмаслигини куониб ёзади. Бугунги адабий танқид «ҳар йили бир неча юзлаб эмас, минглаб шеърлару достонлар, ҳикоялар, қиссалар, ҳатто романларни дўндириб, уларнинг аксариятини ҳам пойтахтдаги ҳам вилоятлардаги нашриётларда; шунингдек, ҳозир республикамида чиқаётган саккиз юзга яқин газеталар, журналларда чоп этиётгани-ю, пировардида бу борадаги сифатни эмас, фақат сону миқдорни ривожлантираётгани...» каби салбий ҳолатта таъсир кўрсата оляйтими? – деган ҳақли саволни кўндаланг қўйиб, бу борада жиддий мулоҳаза юритиш вақти аллақачон еттанлигини тўгри таъкидлайди<sup>2</sup>.

Шунга қарамай, адабий танқид адабий жараён муаммоларин баҳоли қудрат тадқиқу таҳлил қилишга интилиб келаёттанилигини ЎзАС газетасининг 2005 йил май сонидаги, «Жаҳон адабиёти» журнали саҳифаларида 2005–2006 йилларда бўлиб ўтган бахс-мунозаралар мисолида кузатиш мумкин.

Ҳозирги ўзбек насли билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиб мунаққид У.Норматов қўйидаги қарашларини баён қилди: «Ҳозирги насримиз ривожи билан боғлиқ мунозарали масалалар кўп. Айниқса, насрдаги анъанавийлик ва модернизм муаммоси қизгин тортишувларга асос бўлмоқда. Сўнгти йилларда прозага багишланган бирорта муҳокама, давра суҳбатларида бу мавзу четлаб ўтилганини билмайман... Шуниси қувонарлики, бу баҳс-мунозараларда мустабид тузум даврида бўлгани каби масалага гоявий-сиёсий тус бериш ҳоллари йўқ энди! Бадиий асар қиммати қайси йўналиш – анъанавий ёки модернизм шаклида яратилганида эмас, балки у чинакам санъет намунаси даражасига кутарилган ёки кўтарилмаганлиги билан

<sup>2</sup> Худойберганов Н. Мехру-муҳаббат йулларида. –Т.: Янги аср авлоди. – 2001. 30-31 бетлар.

белгиланади... анъанавий реализм имкониятлари ҳали тутаган эмас, қолаверса, реализм ҳудудлари чексиз, унинг багри жамики янгиликларга дадил изланишларга кенг очиқ»<sup>2</sup>.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўлаётирки, истиқлол даври ўзбек танқидчилигига бадиий асарларнинг санъат асари сифатидаги қадр-қимматини юксалтириш; ижодкорларнинг бу борадаги масъулиятларини ошириш; реализм багрида униб ўсаёттан янги йўналишдаги услубий изланишларни ҳаққоний таҳлилу тадқиқ қилиб қўллаб қувватлаш; ўзбек шеърияти ва насрига хос янгиланиш жараёнларини таҳлил қилиб, яратилаёттан асарларнинг фазилатлари билан бир қаторда камчиликларини ҳам ёритиш тенденцияси етакчилик қилмоқда<sup>1</sup>. Айни чогда ўзбек мунаққидлари ёш истеъдодларни араб-авайлаш, услубининг такомиллашувига таъсир кўрсатаётган ижобий ва салбий ҳолатларни ҳам ҳаққоний ва асосли тарзда очиб берабётирларки, бу ҳам ҳозирги адабий жараён ва бутун ўзбек адабиёти равнақига ўз таъсирини ўтказмоқда.

<sup>2</sup> Норматов У. Умидбахш тамойиллар. -Т.: Матънавият. 2000. 62-66-бетлар

<sup>1</sup> Козоқбой Йўлдош. Ёник сўз. Адабий ўйлар. -Т.: Янги аср авлоди. 2006.

## Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Истиқлол даври адабиётининг ўтмиш ўзбек адабиётидан фарқли томонлари.
2. Достончилик муаммолари.
  1. Истиқлол даври адабиётининг тараққиёт йўллари.
  2. Лирика соҳасидаги изланишлар.
  3. Ҳозирги адабий жараённинг тамойиллари.
  4. Ёзувчи публицистикаси.
  5. Роман ва тарих; ўзбек тарихий романчилиги.
  6. С.Аҳмаддининг ҳажвий ҳикояларида образ яратиш маҳорати.
  7. Бугунги ўзбек романида замонавий ҳаёт проблематикаси.
  8. Шеъриятда миллий гоя ва миллий мағкурунинг ифодаси.
  9. Ҳозирги адабий жараёнда қиссанчиликнинг ўрни.
  10. А.Орипов шеъриятида кураш, ватан фалсафаси.
  11. Бугунги ҳикоячилик ривожи тенденциялари.
  12. Бугунги кун шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари.
  13. Тоталитар тузум иллатларининг туб мөҳияти очиб берилган романлар.
  14. Роман жанридаги изланишлар: модернистик йўналишидаги романларнинг юзага келиши.
  15. Монолог типидаги соф лирик поэмалар.
  16. Бугунги шеъриятдаги изланишлар.
  17. Тарихий ва ижтимоий воқелик ўзининг ҳақиқий ифодасини топган романлар.
  18. Ёзувчи публицистикаси.
  19. Лиро-эпик ва драматик турдаги поэма-достонлар.
  20. Маънавий-ахлоқий масалалар инсоннинг руҳий дунёси орқали очиб берилган ҳикоялар.

## ТАВСИЯ ҚИЛИНУВЧИ АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Тошкент, Ўзбекистон. 2000.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. 10-том. - Тошкент, Ўзбекистон, 2002.
3. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мағкура. I Жилд. -Тошкент, Ўзбекистон, 1996.
4. Баркамол авлод орзузи. -Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998.
5. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Тошкент, 1994.
6. Адабиёт назарияси. Икки томлик. II том. -Тошкент, Фан, 1979.
7. Бобоев Т. Шеър илми таълими. -Тошкент, Ўқитувчи 1996.
8. Маънавият юлдузлари. -Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги нашриёт, 1999.
9. Миллий истиқдол гояси; асосий тушунчаси ва тамойиллар. -Тошкент, 2001.
10. Мирқосимова М.М. Ҳозирги ўзбек шеъриятининг тараққиёт тенденциялари. ТДПУ илмий тўпламида. -Т.: 2007.
11. Норматов У. Умидбашш тамойиллар. -Т.: Маънавият. 2000.
12. Норматов У. Тафаккур ёғдуси. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. -Т.; 2005.
13. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. -Тошкент, Ўқитувчи, 1980.
14. Комилов Т. Тафаккур карвонлари -Тошкент, 1999.
15. Каримов Ҳ. Истиқдол даври шеърияти. -Тошкент, Зарқалам. 2005.
16. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. Адабий ўйлар. -Т.: Янги аср авлоди. 2006.
17. Тўйчиев У. Ўзбек шеър системалари. -Тошкент, Фан, 1981.
18. Тўйчиев У. Ўзбек шеър системалари. -Т.: Фан, 1981.

19. Тўйчиев У. Ўзбек совет ҳоззиясида бармоқ системаси. -Т.: Фан, 1966.
20. Рустамов А. София нима? -Тошкент, Фан, 1976.
21. Расулов А. Танқид, таҳлил, талқин. -Т.: Фан, 2006.
22. Ражабов Д. Бадий образ ва ритм //Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Тошкент., 1999.
23. Шукуров Н., Ҳотамов Н. ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. («Шеър тузулиши» боби) -Тошкент: Уқитувчи, 1964.
24. Шукуров Н., Хотамов Н. ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. («Шеър тузилиши» боби) -Т., Уқитувчи нашриёти, 1964.
25. Худойберганов Н. Мехру муҳаббат йўлларида. -Т.: Ёзувчи. 2003.
26. Худойберганов Н. Дибу тил сеҳри. -Т.: Ёзувчи. 2001
27. Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. -Т.: Янги аср авлоди, 2002.
28. Жамол Камол. Лирик шеърият. -Т.: Фан, 1970.
29. Шарафиддинов О. Ижодни англаш баҳти. - Т.: Шарқ, 2004.
30. Қуронов Д. Адабиётшунослик асослари. -Андижон: 2005.
31. Қуронов Д. Истиқлол дарди. -Т.: Янги аср авлоди, 2000.
32. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1994.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ	4-24
СҮНГТИ ДАВР ЎЗБЕК ДОСТОНЛАРИ ПОЭТИК ТАФАККУРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ	25-35
ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИНИНГ ЖАНР ВА УСЛУБ ХУСУСИЯТЛАРИ	35-79
ЎЗБЕК ҚИССАЛАРИГА ХОС ҚАҲРАМОН ЯРАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ	80-133
ЎЗБЕК РОМАНЛАРИДА ШАХС ФОЖИАСИНИНГ БАДИЙ ТАЛКИНИ	134-138
ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ	138-142
АДАБИЙ ТАНҚИД ВА ПУБЛИЦИСТИКА	142-145
АДАБИЙ ЖАРАЁН ВА АДАБИЙ ТАНҚИД	145-149
ТАВСИЯ ҚИЛИНУВЧИ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	151-152
МУНДАРИЖА	153-155

## С О Д Е Р Ж А Н И Е

ВВЕДЕНИЕ	3
ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ	4-24
ПОЭТИЧЕСКОЕ МЫШЛЕНИЕ УЗБЕКСКИХ ПОЭМ ПОСЧЛЕНДНЫХ ЛЕТ	25-35
ЖАНРОВО-СТЕЛЕВЫЕ ОСОБЕННОСТИ УЗБЕКСКОЙ ПРОЗЫ	35-79
ПРИНЦИПЫ СОЗДАНИЯ ЛИТЕРАТУРНОГО ГЕРОЯ В УЗБЕКСКОЙ ПОВЕСТИ	80-133
ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ВОСПРИЯТИЕ ТРАГЕДИИ ЛИЧНОСТИ В УЗБЕКСКОМ РОМАНЕ	134-138
НОВЫЙ ЭТАП В РАЗВИТИИ УЗБЕКСКОЙ ДРАМАТУРГИИ	138-142
ЛИТЕРАТУРНАЯ КРИТИКА И ПУБЛИЦИСТИКА	142-145
СОВРЕМЕННЫЙ ЛИТЕРАТУРНЫЙ ПРОЦЕСС И ЛИТЕРАТУРНАЯ КРИТИКА	145-149
СПИСОК РЕКОМЕНДУЕМОЙ ЛИТЕРАТУРЫ	151-152
СОДЕРЖАНИЕ	153-155

## СОДЕРЖАНИЕ – CONTENTS

INTRODUCTION	3
DEVELOPMENT TENDENCIES OF UZBEK POETRY	4-24
POETIC THOUGHT OF UZBEK POEMS OF THE LAST YEARS	25-35
GENRE AND STYLISTIC FEATURES PECULIARITIES OF UZBEK PROZE	35-79
PRINCIPLES OF LITERARY HERO CREATION IN THE UZBEK NOVEL	80-133
ARTISTIC PERCEPTION OF PERSON TRAGEDY IN THE UZBEK NOVELS	134-138
NEW STAGE OF UZBEK PLAYWRITING DEVELOPMENT	138-142
LITERARY CRITICS AND PUBLICITY	142-145
LITERARY PROCESS AND LITERARY CRITICS	145-149
RECOMMENDED LITERATURE	151-152
CONTENTS	153-155

6- буюртма, 300 нусха. Ҳажми 3,5 б.т.  
2008 йил 30 январда босишга рухсат этилди.  
Низомий номидаги ТДГУ Ризографида  
нашр қилинди.